

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯСИНИНГ
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

ИЛМИЙ ТЎПЛАМ

ТОШКЕНТ
«НАВРЎЗ”
2014

УЎК: 94 (654)

63.2. (54)

М.23.

Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Илмий тўплам// Ўз Р ФА Тарих институти – Тошкент, “Наврўз”, 2014.– 276 б.

Маъсул муҳаррир: т.ф.д., проф. А.А. Аширов

Ишчи гурухи: т.ф.н. Н.Х.Азимова (раҳбар), т.ф.н. Г.Ш. Зунунова, т.ф.н. А.Р. Каюмов т.ф.н. И.М. Хўжахонов, т.ф.н. С.Т.Давлатова т.ф.н. Б.М. Убайдуллаева, т.ф.н М.Х. Пайзиева, катта илмий ходим-изланувчи Н.Н. Нарзиев.

Ушбу китоб ЎзР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлими томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “академик Карим Шониёзов ўқишлиари” туркумидаги анжуманларнинг навбатдаги VI Республика илмий конференция материалларидан тузилган.

Илмий тўпламда этнологиянинг замонавий концепциялар ва уларнинг ўрганилиши, миллийлик ва этномаданият масалалари, миллий диаспоралар ҳамда ўзбек халқи оиласиб ва диний қадриятларига бағишиланган мақолалар ўрин олган. Шунингдек, китобда этнологлар билан бирга шарқшунос, социолог, этнопсихологларнинг этнология фанининг назарий-методологик муаоммоларига оид илмий тадқиқотлари ўз ифодасини топган.

Китоб этнология фани билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN - 978-9943-09-989-0

© ЎзР ФА Тарих институти
© “Наврўз”, 2014 у.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|----|
| С ЎЗБОШИ | 6 |
| I. ЭТНОЛОГИЯДАГИ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ МАСАЛАЛАРИ | 7 |
| Этномаданий идентиклик билан боғлиқ назарий-методологик ёндашувлар. <i>Исмоил Хўжахонов</i> | 7 |
| Цивилизациявий ёндашув ва унинг асосий йўналишлари <i>Мунира Хатамова</i> | 16 |
| Ўзбек халқи этногенезини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. <i>Аҳад Хўжаев</i> | 25 |
| Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳакида баъзи мулоҳазалар <i>Адҳамжон Аширов</i> | 41 |
| Замонавий этнологияда этномаданият масалалари <i>Алишер Дониёрөв</i> | 53 |
| Этнос хўжалик фаолияти билан боғлиқ айрим назарий масалалар <i>Улугбек Абдуллаев</i> | 58 |
| Замонавий хўжалик муносабатларини ўрганишда янгича ёндашувлар ва методлар <i>Асрор Қаюмов</i> | 66 |
| Олий таълимда этнология фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари <i>Очил Бўриев</i> | 71 |
| Этнолог мутахассисларни тайёрлаш ҳолати: ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари <i>Турсун Салимов</i> | 79 |
| Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалаларини ўқитиш муаммолари <i>Ахмадали Асқаров</i> | 83 |
| Ихтисослашган умумтаълим макабларида этнография фанининг ўқитилиши. <i>Манзила Қурбонова</i> | 92 |
| Об одной экспедиции по изучению когнитивных процессов в Средней Азии и истоках кросс-культурных исследований <i>Валерий Хан</i> | 97 |

| | |
|---|------------|
| Некоторые теоретические подходы к изучению материальной культуры народов <i>Гулчехра Зунунова</i> | 104 |
| Анъанавий кийимларни ўрганишга доир назарий қарашлар ва методлар <i>Саодат Давлатова</i> | 114 |
| Болалик даври этнографиясини ўрганишга доир назарий-методологик ёндашувлар <i>Барно Убайдуллаева</i> | 128 |
| Ёшлар муаммосини ўрганиш методлари ва методологияси <i>Худойберди Хақназаров</i> | 144 |
| II. МИЛЛИЙЛИК ВА ЭТНОМАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР | 151 |
| Концепция экологической ниши в этноэкологии <i>Акбар Тагаев</i> | 151 |
| Муомала этикетининг этнологик аспектда ўрганилишига доир Набижон Нарзиев | 157 |
| О некоторых зарубежных концепциях понятий «нация» и «национализм» <i>Шерзод Мажитов</i> | 161 |
| Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асари этнографик манба сифатида <i>Зиёдилла Исоков</i> | 169 |
| Преимущество применения синтезированных теоретических парадигм при изучении диаспор <i>Михаил Тен</i> | 175 |
| Этнополитология Узбекистана: вопросы становления <i>Равшан Назаров</i> | 187 |
| Лақайлар этник тараққиётининг айрим жиҳатлари <i>Насриддин Назаров</i> | 199 |
| Шарқий Туркистан қарлуқлари этник тарихининг ўрганилиши <i>Сабоҳат Соатова</i> | 205 |
| Ўзбекистон арабларининг этник ўзликни англаши <i>Шерзод Искандаров</i> | 211 |

| | |
|--|-----|
| III. ОИЛАВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ | 220 |
| Опыт использования этнологических методов в исследовании некоторых религиозных обрядов <i>Нодира Азимова</i> | 220 |
| Применение методов современной западной науки в изучении свадебной обрядности <i>Людмила Пак</i> | 230 |
| XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистан хотин-қизларига тиббий ёрдам кўрсатилиши масалалари <i>Санавар Шодманова</i> | 236 |
| Трансформация роли городских шаманов: новый тип практики (На примере Ташкента) <i>Рамис Саттаров</i> | 249 |
| Оила мустаҳкамлигига никоҳга етуклиknинг аҳамияти <i>Зиёда Расулова</i> | 257 |
| Шомонлик эътиқоди муаммоси фольклоршунос олимлар талқинида <i>Бахтиёр Халмуротов</i> | 264 |
| Фарғона водийси аёлларининг диний ҳаётида мавлуд маросимининг ўрни <i>Мадина Каримова</i> | 269 |

СҮЗБОШИ

Ўзбекистонда этнология фанининг ривожланишида ўзига хос ўринга эга бўлган ЎзР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлими томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган “академик Карим Шониёзов ўқишлиари” туркумида “Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари” номли навбатдаги илмий конференция материаллари тарзида чоп этилаётган ушбу тўпламдан Ўзбекистон этнологиясининг долзарб назарий-методологик муаммоларига оид материаллар ўрин олган. Тўпламда турли-туман мавзулар доирасидаги мақолаларнинг нашр этилиши ушбу фанинг назарий-методологик жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганлигидан далолат беради.

Жаҳон миқиёсида кечаётган жадал глобаллашув шароитида нафақат фанлараро интеграция, балки муайян фан йўналиши доирасидаги турли йўналишлар ва концепциялар ўртасида ҳам турли қарашлар ва ёндашувлар шаклланиб бормоқда. Шундай экан, ушбу илмий анжуман доирасида кўриб чиқилган маъruzаларда этнологиядаги замонавий концепциялар, миллийлик ва этномаданият масалаларининг назарий-методологик ёндашувлари, оиласиб ва диний қадриятларнинг ўрганилиш методологияси каби турли йўналишлардан иборат бўлса-да, моҳиятан барча маъruzалар этнология фанининг назарий-методологик асосларига қаратилганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Албатта, бу ҳолатни Ўзбекистон олимларининг хориждаги илғор илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиги ва турли назарий-методологик қарашлар, илмий концепциялар билан етарли даражада таниш эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Умуман олганда, мазкур илмий тўпламдан ўрин олган мақолалар нафақат мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг муаммовий доирасини, балки келгусидаги илмий тадқиқот йўналишларини, ҳам белгилаб олишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

I. ЭТНОЛОГИЯДАГИ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*T.ф.н. И.М. ХЎЖАХОНОВ
ЎзР ФА Тарих институти*

Этномаданий идентиклик билан боғлиқ назарий-методологик ёндашувлар

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар соҳалардаги тадқиқотларда identity атамаси кенг қўлланилмоқда. Ўзбек тилида идентиклик тарзида ифодаланиб келинаётган ушбу атама аслида лотинча *identicus* сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “бир-бирига айнан ўхшаш, айнан бир хил” деган маъноларни англатади. Илмий истеъмолда эса идентиклик тушунчasi умуман инсон ўзини маълум бир групга мансублигини англаши ва у орқали ўзининг социал-маданий макондаги ўрнини аниқлаши ҳамда атроф-муҳитга мослашишини тушуниб етишини билдиради. Одатда маълум ижтимоий груп аъзоларини бирлаштирувчи бирдамлик “биз-улар (бошқалар)” тарзидаги қарама-қарши қўйилувчи тартибга асосланадики, бу жиҳат идентикликнинг асл моҳиятини акс эттиради. Бундай тартиб уруғ-қабила, элат, диний груптар, табақалар, сиёсий партиялар ва харакатлардан тортиб, то этник ва миллий маданиятларнинг шаклланиши асосида ҳам ётади.

Этномаданий идентиклик бу – индивиднинг маданий белгиларига кўра у ёки бу этносоциал тузилма билан умумийлигини англаши ҳамда ушбу маданий умумийликнинг руҳий кечинмалар орқали хоҳ индивидуал, хоҳ жамоавий шаклдаги намойиши каби мураккаб ижтимоий-психологик феноменdir¹. Эътибор қаратадиган бўлсак, этномаданий

¹ Малыгина И.В. Этнокультурная идентичность: онтология, морфология, динамика. Автореф. дисс. на соис... док. философ. наук. (24.00.01 – Теория и история культуры.). М., 2005. С. 15.

идентиклик аввало инсоннинг психологияси билан боғлиқ. Унинг ташқи намойиши эса маданият орқали бўлади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу муаммо психология, социология, этнология каби фанлар ўртасидаги масала ҳисобланади. Шунингдек, этномаданий идентиклик тушунчасида этник ва маданий идентиклик тушунчалари кесишади. Буни қандай тушуниш лозим? Бир томондан, ҳар қандай маданият маълум этник шаклда мавжуд бўлади ва кўпинча маданий ва этник тушунчалар тенглаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, этник ва маданий белгиларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, аксинча улар бир-бирини тақозо этади, деб қаралади. Этникликни кўрсатувчи белгилар ҳам аслида инсоннинг маданиятида намоён бўлади. Тадқиқотчи И.В.Малигина ҳозирги глобализация ва ахборотлашиш даврида... маданиятлар этник қолипдан чиқиб кетаётганлигини таъкидлаб ўтади¹.

Шу билан бирга маданий ва этник идентикликни бир бирига қарама қарши қўйилган нуқтаи назарлар ҳам учрайди. Бундай ҳолат Лев Гумилев ўз вақтида ёзганидек, биологик омилни агар этногенезни белгиловчи омил сифатида қаралганда кузатилади. Бунга яқин қарашни американлик олим Самуэль Хантингтон беради: “Инсон ўз аждодларини (яъни, этник мансублигини) ўзгартириш ҳолатида эмас... ҳолбуки инсон маданиятини ўзгартиради. ...маданий идентиклик ўзгарувчан, этник идентиклик эса ўзгариши мумкин эмас. Шу боис улар ўртасида аниқ чегара ўтказиш лозим”².

Бироқ этник феномен шунчалик мураккабки, уни маданиятдан айрича, масалан, фақат этник ўзликни англаш, этноним ёки биологик омиллар орқалигина тавсифлашни иложи йўқ. Шундай экан, этномаданий идентиклик

¹ Ўша жойда.

² Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности. М., 2004. С.65.

тушунчаси орқали социал идентикликнинг этник (миллий) мансублик ва маданий умумийлик асосида шаклланувчи ҳолати назарда тутилади. Кўп ҳолатларда этномаданий идентиклик деганда бевосита миллий идентиклик тушунилади ҳамда изоҳланган ўтмиш ва ҳозирги этномиллий бирликнинг фаол маданий асосланганлиги унинг мазмунини ифодалайди¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фанда этник ва миллий ходисаларнинг ўзаро муносабати борасида ягона фикрга келинмаган. Бир ҳолатда улар бир хиллаштирилади, бошқа ҳолатда эса бир-биридан кейин келадиган ва ўзаро боғланган, учинчи ҳолатда эса бир-бирига нисбатан қарши қўйилади². Бизнингча, бу ҳолат турли халқ ва миллатлар келиб чиқишининг тарихий, ҳудудий жиҳатдан фарқланиши билан боғлиқ бўлиб, масалан, Марказий Осиёдаги миллатларнинг ўз этник асослари билан узвий боғлиқлигини асло инкор этиб бўлмайди. Ёхуд уларнинг этник ва миллий хусусиятларини мутлақ тенглаштириб бўлмайди. Чунки, барча этник белгилар мажмуига (ўзликни англаш, тил, анъана, урф-одат, қадриятлар ориентацияси) эга бўлган миллат этник тузилишнинг юқори даражаси ҳисобланиб, этник омил унинг ривожланишида олдингидай муҳим роль ўйнамай қўяди. Бундан ташқари, этник маданият тарихан, халқнинг турмуш тарзи ва хўжалиги асосида шаклланган, халқ маданиятининг кўпроқ кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлса, миллий маданиятда эса маҳсус, маълум қатлам томонидан ишлаб чиқилган маданий кўриниш ҳам ўз ифодасини топади. Миллий маданиятда миллий адабий тил, миллий тарих, рамзлар шакллантирилади. Миллий маданият хусусиятига фан, санъат, фалсафа, миллий ғоя ҳам киради.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Малыгина И.В. Этнокультурная идентичность: онтология... С. 19.

² Мёдова Ю. А. О соотношении этнической и национальной идентичности // Философия и общество. Выпуск №4 (60)/2010.

Бугунги кунда этномаданий идентикликни обектив ёки субъектив ҳодиса деб баҳоловчи примордализм, конструктивизм ва инстументализм деб номланувчи бир неча назарий-методологик ёндашувлар мавжуд бўлиб, қуида уларга қисқача тўхталсак.

Примордализм тарафдорлари “битта гуруҳга мансубликни англаш ҳисси генетик кодга ва илк инсоний эволюцияга, яъни гуруҳларнинг ўзаро қариндош-урӯғлигини билиши яшашнинг асосий шарти ҳисобланган даврга боғлиқ, деб ҳисоблади”¹. Примордализм концепциясига кўра инсоннинг этник мансублиги табиий ва ижтимоий асосга эга обектив мавжудлик ҳисобланади. Шу боис этникликни сунъий ёки мажбуран яратиш мумкин эмас. Этнос кишиларнинг маданий ва руҳий бирдамлигидир.

Этносга хосликка илк примордалистик ёндашув америкалик антрополог К.Гирцга тегишли У: “Ҳар бир жамиятда барча даврларда ижтимоий муносабатлардан кўра табиий яқинликни ҳис этиш, баъзилар буни маънавий яқинлик дейиши мумкин бўлади,² – деб ёзади. Демак, Гирцнинг фикрича, ҳар бир даврда ва жамиятда ўзаро яқинлик ўзаро ижтимоий алоқада бўлиш асосида эмас, балки қариндош-урӯғчилик асосида вужудга келади.

Примордалистик ёндашувдаги барча қарашларни иккита йўналишга бўлиш мумкин: биосоциал (К. Гирц, П. Ван ден Берге, Л. Гумилев) ва эволюцион-тариҳий (И. Гердер, С. Широкогоров, Ю. Бромлей). Совет даврида этник ўзликни англаш асосан эволюцион-тариҳий йўналишда талқин этилган.

Эволюцион-тариҳий йўналиш И. Гердерга, у томонидан берилган халқ умумийлигини “қон ва тупроқ” бирлиги асосида келиб чиқсан, дея тушунирувчи неоромантик

¹ Тишков В.А. Очерки теории этноса и политики этничности в России. М., 1997. С. 92.

² Винер Б.Е. Этничность: в рисках парадигмы изучения // Этнографическое обозрение. №4. 1998. С. 5.

талқинига бориб тақалади. Шунингдек, 1923 йилда С. М. Широкогоров томонидан илк бора этносга: “Бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан оловчи, урфодатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир,¹” – дея таъриф берилган. Бу ёндашув кейинчалик Ю. Бромлейнинг ишларида янада ривожлантирилди. У томонидан этносга маълум бир ҳудудда тарихан вужудга келган, умумий маданият (тил ҳам) ва психикага эга, ўзларини келиб чиқиши бир деб биладиган ва бошқа шундай гуруҳлардан фарқлайдиган кишилар мажмуи², деб баҳо берилади. Шу боис, ушбу белгиларнинг алоҳида бирортаси этнодифференцияловчи ҳисобланмайди, фактат уларнинг мажмуи этносни аниқлайди. Этнос узоқ тарихий давр мобайнида шаклланади ва унинг шаклланишида кўплаб омиллар роль ўйнайди. Улар орасида муҳими – тил ва ҳудуд умумийлиги саналади. Ушбу назарияга кўра, этноснинг ривожланиши бир-биридан кейин келувчи учта босқични ўз ичига олади: қабила-элат-миллат. Миллатнинг пайдо бўлиши феодал тарқоқликни юзага келиши ва капитализмнинг майдонга келиши билан боғлиқ тарзда юз берган хўжалик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, она тилида ижод қилувчи зиёлилар ва адабиётчиларнинг кўпайиши, миллий-этник ўзлик ҳиссини кучайиши, миллий давлатчиликни қуриш ҳаракатининг авж олиши билан боғлиқдир³.

Этнос назариясининг бирмунча радикал талқини уни “биологик организм” ва “этник пассионарлик” сифатида Пьер ван ден Берге ва Лев Гумилев қарашларида берилган. Улар этник мансубликни эволюцион ғоя ёрдамида (яъни, генетик ва географик омиллар туфайли детерминистик⁴ ҳодиса

¹ Широкогоров С.М. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений // Известия восточного факультета Дальневосточного университета. Т.1. Шанхай, 1923. С.13.

² Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983.

³ Аширов А.А., Атаджанов Ш Этнология. Тошкент, 2006.

⁴ Детерминизм - нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот.

сифатида) тушунтиради ва уни “эркин уруғ жамоаси” ёки “уруғ алоқаларининг кенгайган шакли” сифатида изоҳлайди.

Ушбу нуқтаи назарни изоҳлар экан Пьер ван ден Берге этник мансубликни инсоннинг қариндош-уруғчилик танловларини генетик мойилликнинг натижаси сифатида тушунишни таклиф этади. Уруғчилик асосида танланиш, Бергенинг фикрича, этник гуруҳлар шаклланишида ва этниклик феноменида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Этник ўзликни англаш борасидаги социобиологик концепцияларни бирлаштирас экан Берге ёзади, одамлар бошқа социал жониворлар сингари биологик йўсинда уруғ-аймоқчилик хатти-ҳаракатига дастурланган. Ҳозирда ҳам бу қараш ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Бу йўналиш Л. Гумилевнинг ишларидан ҳам акс этган бўлиб, унинг фикрича, этнос биосферанинг таркибий қисми бўлгани боис ундаги қонуниятларга бўйсунади¹.

Примордалистик қарашга ўхшаш қараш Энтони Д. Смит томонидан берилган бўлиб, миллатлар элатларнинг авлоди деб қаралади².

Демак, примордалистик концепцияда этносни кишиларнинг реал гуруҳи сифатида талқин этиб, асосан, “этник белгилар”га эътибор қаратилган ва гуруҳ аъзоларининг идентификациясини таъминлайдиган, биологик ўз-ўзини ишлаб чиқарувчи деб характерлайди.

Хорижий антропология фанида этномиллий тузилиш илмий, сиёсий ва мафкуравий тузилган, “тасаввурый бирлашма” деб қаровчи методологик ёндашув мавжуд. Улар миллий идентикликни маданий белгилар асосидан кўра шахсий-жамоавий мақсад ва стратегия асосида қурилган деб билади. Бу ёндашув иккита алоҳида йўналишга ажратилади: конструктивистик ва инструменталистик. Улар миллатни тарихий шаклланганлигини рад этишади.

¹ Гумилев Л.Н. Этносфера: История людей и история природы. М., 1993. С.41.

² Қаранг: Малыгина И.В. Этнокультурная идентичность: онтология... С. 21.

Конструктивистик ёндашувнинг асосий назарий далили америкалик маданий антрополог Ж. Комароффнинг ишларидан ўрин олган. Бироқ этникликни англашдаги ушбу ёндашув Фредрик Барт номи билан боғлиқ. У этник гурухни маълум чегара доирасидаги маданий ўзига хосликдан келиб чиқиб эмас, балки этник гурух ўзини қандай чегаралар орқали белгилашидан келиб чиқиб аниқлаш керак, дейди. 60-йилларда норвег олимни индивид ўзини этник гурух билан бир хиллашатиришни қайд этиш ёки ўзини ўзи қайд этиш натижаси деган фаразни ўртага ташлаган эди. Унинг фикрича барча ички этник муносабатлар “маданий билиш” асосида қурилади. Айнан шу “билиш”га кўра инсон ўзининг этник ролини бажаради ва этник гурухнинг аъзоси сифатида қарайди. Шунга кўра этниклик – онг масаласи, этник гуруҳларга аъзолик индивид ўзини қандай намоён этишига боғлиқ. Шу боис этникликни аниқлашда этноснинг маданияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, балки унинг айни вақтдаги фарқлари ва гуруҳий чегаралари ҳисобланади¹.

Бошқа бир американлик олим Бенедикт Андерсон миллатни одамларни умумий бирлиги ҳақидаги қарашлари натижасида эмас, балки конструкция, фараз этиш маҳсулидир, деб қарайди. У миллатни ривожлантирувчи асосий қоида ва категорияларни ажратиб кўрсатиш билан бирга улар ҳаракатини аниқ социал механизмини аниқлашга ҳам харакат қиласи. Булар миллатнинг мазмунини аниқловчи атроф-муҳит омиллари ва миллий дунёқарашни шакллантирувчи омиллар (чегаравий тузилиш, макон муқаддаслиги) ва вақтинчалик (тарих, миллий тилнинг шаклланиши) омиллар².

Яна бир конструктивизм тарафдорларидан бири бўлган россиялик тадқиқотчи В.Тишковнинг фикрига кўра ҳам

¹ Barth F., Ethnic Groups and Boundaries; Лурье С. Метаморфозы традиционного сознания. С.27.

² Андерсон Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма http://www.gumer.info/bibliotek_Buks

миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади. Тишков ва унинг тарафдорлари ўз ишларида миллатнинг тарихийлик принциплари асосида пайдо бўлганлигини буткул рад этган ҳолда бугунги кундаги миллатлар, жумладан, Марказий Осиё миллатлари (миллий республикалар ҳам) этник мансублик асосида эмас, балки совет ҳокимиятини маҳаллий раҳбарлар ва зиёлилар кўмагида сунъий равишда барпо этилган деган ғояни илгари сурадилар¹.

Этникликни фаровонлик, ҳокимият учун курашишда қўл келувчи восита сифатида қаровчи инструменталистик ёндашув ҳам мавжуд. Бу ҳолатда этниклик кишилар гуруҳининг маълум вазиятлар оқибатида шаклланадиган бирдамликни ҳис этиши сифатида тушунилади².

Инструментализм ёндашуви тарафдорлари одамлар гуруҳлари ўртасидаги фарқлар жамиятда этник идентикликни шаклланишида асосий бўлиши ва ўз навбатида, гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар характеристи ва этник гуруҳларни сиёсий фаолиятга қаратилган сафарбарликни аниқлаши мумкин деб ҳисоблайдилар (Г. Тэжфел, Ю. Арутюнян, Л. Дробижева, А. Сусоколов). Шу боис инструменталистик концепция кўпинча этникликни, этник teng ҳуқуқлиликни тиклаш ва ундан узоқлашишни енгиб чиқувчи восита, социал терапия сифатида талқин этилади.

Ушбу ёндашувни қўллаб-қувватловчи баъзи тадқиқотчилар “структуравий шароит” деб атувчи социал вазиятда этник бирдамлик қандай кучаяди деган масалани таҳлил этиш билан чегараланади. Бошқалари маълум социал ҳолатлар этномаданий идентикликни сиёсий, иқтисодий ва

¹ Тишков В.А. Реквием по этносу: социально-антропологические исследования. Институт этнологии и антропологии им. Н.Н.Миклухо-Маклай. М.: Наука, 2003.- 544 с.; Абашин С. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века)//Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. М.,2004.С. 39.

² Тишков В.А. Этничность, национализм и государство в посткоммунистическом обществе // Вопросы социологии. 1993. №1. С. 4.

бошқа социал мақсадларга эришиш, ўз навбатида, гурухий бирдамликни кучайтирувчи восита сифатида танлашда рационал стратегияни эгаллашини таҳлил этади.

Умуман олганда этномаданий идентиклика конструктив-инструменталистик ёндашув этномиллий тузилишга нисбатан дастлабки ва етакчи реаллик сифатида ёндашилади.

Этномаданий идентиклик масаласига ёндашувлар қарама қаршилигига қарамай, айрим тадқиқотчилар уларга нисбатан келишувчанлик, бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлар сифатида қаровчилар ҳам мавжуд. Масалан, М. Губогло идентиклик этник асосда шаклланади, лекин у муҳит, этник лидерлар ва ҳоказолар таъсирида ўзгариб туради деган мазмунда примордалистик ва инструменталистик ёндашувни қориштириб қарайди¹.

И.Ю.Заринов ёзганидек: “Этник феномен табиати шунчалик мураккаб ва турфа хилки, уни битта методологик модель доирасида ҳал этиш қийин. Маҳаллий этнос назарияси ва хорижий этниклик назариялари сезилирли қарама-қаршиликлари ёнида улар туташиши керак, зеро, улар бир хил социал феномен устида, лекин турлича тарихий-маданий реаллар орқали баҳслашмоқда”².

Этносоциолог Г. Солдатова эса, этниклик феноменини таърифлаб, этниклик тарих, маданият, анъана, ҳудуд ва давлатчилик умумийлиги тўғрисидаги тасаввур натижаси хисобланади, дейди. Бу эса гуруҳ аъзоларини бирлаштиради ва бошқа этник гуруҳлардан асосий фарқ саналади³. Бунда конструктивистик қарашнинг этнос назариясига оғишганлиги кузатилади.

¹ Губогло М.Н. Идентификация идентичности. С.29.

² Заринов И.Ю. Время искать общий язык (проблемы интеграции различных этнических теорий и концепций) // ЭО. 2000. № 2. С.26.

³ Солдатова Г.У. Этническая идентичность и этнополитическая мобилизация // Демократизация и образы национализма в Российской Федерации 90-х гг. М., 1996. С. 296-366.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар хил методологик ёндашувларга бир-бирини буткул рад этувчи деб эмас, балки тўлдирувчи деб қаралса, кўпроқ мақсадга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, этномаданий идентикликни мутлақ гурухий бирдамлик асосида вужудга келган ҳолат деб ҳам, шу билан бирга уни азалий, боқий ва ўзгармас деб ҳам қарамаслик лозим. Идентиклик учун бутунлай хос бўлган “биз – улар” антитетиси, этномаданий идентиклик ҳолатида, маданият намуналари орқали аниқ аломат берувчи, ташки маркировкаловчи хусусиятлар ва характеристикалар тўплами орқали намоён бўлади. Ушбу хусусияти асосида этномаданий идентиклик инсон адаптациясининг руҳий эҳтиёжини таъминлайди, ўз этномаданий гурухи билан ягоналигини, тарихий ворисийлик ва истиқболлар контекстидаги кечинмаларни ўзида жамлайди.

*М.М. ХАТАМОВА
ЎзР ФА Тарих институти*

Цивилизациявий ёндашув ва унинг асосий йўналишлари

Тарихчилар жамиятни ўрганиш жараёнида кўплаб ёндашув ва методлардан фойдаланиб келадилар¹. Улардан бири цивилизацион ёндашувининг пайдо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Уйғониш даврига келиб, аникроғи, XVIII – XIX асрлардан бошлаб Европа тарихчиларининг бошқа халқлар ва мамлакатларнинг маданиятига бўлган қизиқишилари туфайли тарихга диний ёки миллий нуқтаи назардан ёндашувлари барҳам топа бошлайди. Шу тариқа тарихий жараёнларнинг цивилизацион ўрганиш концепцияси шаклланади.

¹ Бу назариялар ҳақида батафсилроқ қаранг: Коротаев А.В. Социальная эволюция: факторы, закономерности, тенденции. М., 2003; Семенов Ю.И. Философия истории. М., 2003; Крадин Н.Н. Проблемы периодизации исторических макропроцессов // История и Математика: модели и теории. М., 2008. С. 166-200.

Хўш, цивилизация ўзи нима? Ю.Н. Яковецининг таърифига кўра, цивилизация бу – «жамият тарихидаги сифатий босқич бўлиб, инсониятнинг маълум бир тараққиёт даражаси, жамиятнинг технологик ва иқтисодий асослари, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий дунёси билан белгиланади»¹. Умуман, ҳозирги кунда демократик тартиблар ҳукмрон бўлган, иқтисодий тараққий этган ва давлатлар қолоқ ва ривожланмаган мамлакатларга қарама-қарши қўйилади. Бироқ ўтмишда цивилизациянинг моҳияти бироз бошқача бўлган.

Илк бор инсоннинг ўзини-ўзи цивилизацион англаши тушунчаси қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган. Кишиларни “цивилизацияли”, яъни мавжуд маданият қоидалари асосида тарбия топган, муомаладаги ҳукмрон тил (яъни, юон ёки лотин тили)ни биладиган, мамлакат қонунларига бўйсунадиган гуруҳларга ва “цивилизациясиз” – “бошқа”, аниқроғи, келиб чиқишига кўра эмас, балки маданият ва ахлоқ даражасига кўра белгиланувчи кишилар гуруҳларига ажратилган².

Кейинроқ ушбу атама француз зиёлилари томонидан хушмуомалалик, хушхулқлик ва билимлилик каби хислатларни ифодалаш мақсадида илк бор Мирафонинг (1756 й.) “Инсонлар дўстига” асари орқали илмий муомалага киритилган. Кўп ўтмай, у тамомила бошқача мазмун-моҳият касб этувчи тушунча сифатида кенг ёйилиб кетди.

Цивилизацион ёндашувда асосан иккита – «эволюцион» ва «локал» тушунчалар тафовут қилинади. Биринчисига кўра, цивилизация – бу тарихий тараққиётнинг илк босқичидан

¹ Яковец Ю.В. Ритм смены цивилизаций и исторические судьбы России. М., 1999. С. 18.

² “Цивилизация” атамаси асли лотинча “*civilis*” – фуқаролик, давлатга оид, фуқароликка муносиб; одобли, хушмуомалали ва “*civitas*” – мулоимлик, боадаблик; давлатни бошқариш, фуқаролик каби маъноларни англатиб, улар ўз навбатида “*civis*”, яъни “фуқаро” ҳамда “*civitas*”, яъни “фуқаролик”, “фуқаролик жамияти, давлати, уюшмаси, шаҳар” мазмунидаги тушунчаларни англатади. Ионов И.Н., Хачатурян В.М. Теория цивилизаций: от античности до конца XIX века. СПб., 2002. С. 20, 35.

кейинги босқич ёки жамиятнинг маълум бир ривожланиш даражасидир. Бу тарздаги бир чизиқли босқичма-босқич цивилизация назариясининг илк намояндадаридан Э.Б. Тайлор, А. Фергюссон, Л. Морган, Ж. Фрэзер, К. Маркс, Ф. Энгельс, Г. Чайлд ва бошқаларни келтириш мумкин. Хусусан, антропологлар А. Фергюссон, Г.Л. Морган ва Ф.Энгельслар цивилизацияни ёввойилик ва варварликнинг ўрнига келувчи, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг тақсимланиши, ёзув ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши каби белгилар билан ифодаланувчи жамиятнинг тараққий этган босқичи сифатида тушунганлар¹.

Маълумки, эволюцион таълимот ривожланишининг мушоҳадага асосланган биринчи даври қадимги дунё файласуфлари Гераклит, Эмпедокл, Демокрит, Лукреций ва ҳоказоларнинг ишлари билан боғлиқ. Улар илк бор бутун борлиқнинг, жумладан, организмларнинг тарихий ўзгариши тўғрисида фикр билдирганлар. Бу таълимот табиий фанлардан аста-секин, аникрофи, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ижтимоий фан соҳаларига ҳам кириб кела бошлаган. Мазкур назариянинг асосчиси Э.Б. Тайлор ҳисобланиб, у ўзининг “Инсониятнинг қадимги тарихи юзасидан тадқиқот” номли асари (1865 й.)да эволюцион ғояни акс эттиради².

Мазкур мактаб тарафдорлари ижтимоий тараққиётнинг универсал қонуни мавжудлиги, яъни маданият қуйидан юқори босқич томон, ёввойилик (ибтидоийлик)дан цивилизация томон ёки оддийликдан мураккабликка томон тадрижий, тўғри бир чизиқ тарзида ривожланиб боришини асослашга ҳаракат қилганлар. Шу сабабли, “параллелчилар (линейний)” деб ҳам аталувчи эволюцион назария тарафдорларига кўра, ҳар бир қабилада алоҳида-алоҳида

¹ Морган Л.Г. Древнее общество или исследование линий человеческого прогресса от дикости через варварство к цивилизации (пер. с англ.). Л., 1934; Энгельс Ф. Происхождение семьи, частной собственности и государства // Маркс К., Энгельс Ф. Избранные произведения. В трех томах. Т. 3. М., 1985. С. 211-370.

² Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.

тарзда майдонга чиқкан маданиятлар параллель шаклда ўз-ўзидан ривожланиб кетадилар.

Хуллас, эволюционистлар турли хил халқларнинг тарихий йўллари батамом ўхшашлиги ҳақидаги ғояни илгари суришган. Уларнинг энг асосий ютуклари шунда эдики, маданиятнинг ёввойи кўриниши улар томонидан мустақил, ўз қонунларига кўра ривожланиб борувчи маданият, деб эътироф этилди. Аммо инсоният тарихида ягона бир маданият тури мавжуд бўлганлиги ҳақидаги қараш илгари сурилганлиги мазкур назариянинг энг заиф томонидир. Ҳолбуки, дунёнинг ҳамма жойида бир хил маданият мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки бир нечта фарқли маданиятлар бор. Уларнинг орасидаги тафовут эса техника, дин, санъат, ижтимоий-маънавий соҳаларда сезилади. Қолаверса, турли жойларда маданий ва ижтимоий ривожланиш бир чизик ҳолатида, бир йўналишда ривожланмаганлиги, баъзан алмашишлар, турғунликлар бўлганлиги маълум.

Эволюционизм таълимотининг шу каби заиф томонлари туфайли тарихга бошқача ёндашувлар ҳам шаклана боради. Улардан бири инсон, маданият, фаннинг ўзгаришида асосий рол ўйнаган тарихий тараққиёт цикларининг алмашинуви, яна ҳам аниқроғи, ўз тараққиёти давомида локал цивилизацияларнинг маданий-тарихий турлари ҳақидаги ғоялардир.

Локал цивилизациялар ва циклар алмашинуви ғоясининг илдизлари географ ва сиёсатшунос олим Ибн Халдун (1332-1406)нинг “Муқаддима” (Пролегомена, 1375-1378) асарида илк бор ўз ифодасини топган¹. Мазкур асарини инсоннинг табиати, моҳиятини аниқлашдан бошлаган Ибн Халдуннинг фикрича, инсон ижтимоий (*d’ijtimâ’ insâni*) зот

¹ Ibn Khaldun. The Muqaddimah: An introduction to history. New York, 1958; Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX – XIV вв. М., 1961; Бациева С.М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Муқаддима». М., 1965; Бедуины и горожане в Муқаддиме Ибн Халдуна // Очерки истории арабской культуры (V – XV вв.). М., 1982. С. 311-356.

сифатида табиатни ўзлаштирадар экан, маданият дунёси ва ўз-ўзини маданият ёки цивилизация, яъни ‘*imrān* кишиси сифатида кашф қиласди¹.

Ибн Халдун инсоният уюшмасини яшаш учун ишлаб чиқариш воситасининг хусусияти, тақсимланиши ва истеъмолига кўра учта тур ёки даврга ажратади.

Биринчи давр бу – *wahsh*, яъни вахшийлик, ёввойилик даври бўлиб, содда ижтимоий тузилмадан иборат дехқончиликкача бўлган ҳаёт тарзини ифодалаган.

Иккинчи давр эса *badāwa* дехқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ турмуш тарзи бўлиб, Ибн Халдун унга Мағриб бадавийлари, барбарлар, туркларни киритган.

Бир қабиланинг иккинчи бир қабила томонидан бўйсундирилиши подшо ҳокимияти ва шаҳарларнинг вужудга келишига олиб келган. Шу орқали учинчи давр – *hadāra*, шаҳар ҳаёти бошланади. Шаҳарларда ҳунармандчилик ва тижорат тараққий этади, фаровонлик ва дабдаба пайдо бўлади².

Аста-секин дабдабанинг ўсиши ва давлат ҳокимиятининг кучайиши солиқларнинг ортишига олиб келади, бу эса иқтисодиёт ҳамда инсонлар феъл-атворининг бузилишига ва охир оқибат цивилизациянинг таназзули ва ҳалокатига сабаб бўлган³. Шундай қилиб, Ибн Халдун цивилизация вужудга келиб, гуллаб-яшнаб, инқизозга учрагач, бошқа цивилизацияга ўз ўрнини бўшатиб беришигача бўлган табиий, қонуний йўлни босиб ўтишини таъкидлайди⁴.

Кейинчалик Ибн Халдуннинг қарашлари кўплаб бошқа олимларнинг ишларида давом эттирилганини кўриш мумкин.

¹ Ибн Халдун. Введение (ал-Муқаддима). Составл., пер. с араб. и примеч. А.В. Смирнова. Приложение к статью “Ибн Халдун и его новая наука” // Историко-философский ежегодник 2007. М., 2008. С. 187-192.

² Ibn Khaldun. The Muqaddimah: An introduction to history. New-York: Pantheon Book, 1958.

³ Ибн Халдун. Введение (ал-Муқаддима). Составл., пер. с араб. и примеч. А.В. Смирнова ... С. 206-209.

⁴ Бациева С.М. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Муқаддима». М., 1965.

Хусусан, Н.Я. Данилевский, О. Шпенглер, А.Ж. Тойнби, Л.Н. Гумилевларнинг концепцияларида акс этган маданий-тарихий турлар, маданиятлар, цивилизациялар, этнослар, суперэтнослар каби ижтимоий бирликлар ҳам дастлаб пайдо бўлади, ривожланади ва ниҳоят, ҳалок бўлиши кузатилади. Шу сабабли Ибн Халдун билан ушбу муаллифларнинг назарияларини тарихий даврийлик (циклизм) ёки тарихий узлуксиз алмашинув концепцияси бирлаштириб туради.

Россиялик тарихчи Н.Я. Данилевский ўзининг “Россия ва Европа” (1889 й.) асарида биринчи бор 11 та локал цивилизация турларини ажратиб кўрсатган эди¹. Ушбу муаллиф томонидан *маданий-тарихий турлар* деб ном берилган ҳар бир тарихий индивидлар мутлақ мустақил учта босқични босиб ўтади. Улар: 1) келажакдаги фаолият учун захира ҳозирловчи қадимги ёки этнографик давр; 2) ўрта – ва ниҳоят *давлат цивилизация* даври, яъни кучларнинг сарфланиши ва уларнинг тўзиб кетиши вақти. Муаллиф ҳеч бир маданий-тарихий турлар бошқаларига нисбатан тараққий этганроқ, юксакроқ бўлишга даъво қила олмайди, деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, барча маданий-тарихий турларни З гурухга бўлади: ижобий–фаол, салбий–фаол бўлмаган ва ҳар икки гурухга ҳам кирмайдиганлар².

Турли цивилизациялар ривожланишида структуравий ўзаро ўхшаш цикларнинг мавжудлиги ғояси, айниқса, немис файласуфи О.Шпенглернинг “Европа инқирози” (1918 й.) асари туфайли кенг ёйилди. Муаллиф асарида келтирган жадвалида ҳинд (миср), антик, араб ва ғарб маданиятлари орасидаги умумийликни топади³. Лекин Шпенглер ҳар бир маданий-тарихий турларнинг ҳаётий цикларини кўриб

¹ Данилевский Н.Я. Россия и Европа. М., 1991.

² Данилевский Н.Я. Ўша асар. 45-бет.

³ Шпенглер О. Закат Европы: очерки морфологии мировой истории. Т.1. Пер. с нем., вступ. ст. и примеч. К.А.Севасьяно. М., 1998. С. 78.

чиқиши жараёнида жаҳон тарихи босқичларининг умумийлигини рад этади¹.

Инглиз тарихчиси ва социологи А.Ж. Тойнби бирбиирини алмаштириб турувчи локал цивилизацияларнинг тарихий тўхтовсиз ҳаракати назариясини ўзининг 12 жилдлик монументал “Тарих тадқиқотлари” (1934-1961)² асарида асослаб беради. Муаллиф ушбу асарида жаҳон цивилизацияларининг вужудга келиши, ривожланиши ва инқироз сабабларини чуқур таҳлил қилгани ҳолда, ноёб универсал дин, жаҳоншумул давлат ва фалсафа билан характерланадиган 21 та туташ (берк) цивилизацияларни ажратади.

Тойнби цивилизация ўз ривожланиши мобайнида уч босқични, яъни гуллаб-яшнаш, синиш ва таназзулни бошидан кечиради, деган хуносага келади³. Асар якунига қадар цивилизациялар сони 37 тага этади ва улардан атиги 5 тасинигина муаллиф “тирик” цивилизациялар қаторига қўшади. Муаллиф барча 37 та цивилизацияни уч гуруҳга: *ривожланган* (улар мустақил ва йўлдош цивилизацияларга ажратилади), *ривожланмаган* ва *тўхтаб қолган* цивилизацияларга бўлган. Шулардан тўхтаб қолган ёки қотиб қолган цивилизацияларга эскимослар, номадлар, спарталиклар, усмонийлар (баъзан унга полинезия халқлари ҳам киритилади) кирган. Уларни муаллиф туғилган, бироқ ўз тараққиёти давомида турли сабабларга кўра тўхтаб қолган, деб ҳисоблаган⁴. Қисқаси, А. Тойнби ҳам ягона цивилизациялар ғоясини инкор этади ва цивилизацияни бу

¹ Яковец Ю.В. Истории цивилизации. М., 1997. С. 19.

² Мазкур 12 жилдлик асарнинг қисқартирилган 7 жилди «Тарихни англаш» (Постижение истории. М., 1991; 1996; 2001; 2006) номи остида, 8-10 ва 12 жиллари эса “Цивилизация тарих ҳукми қаршисида” (Цивилизация перед судом истории. М., 2002) номли тўпламда рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

³ Тойнби А.Дж. Постижение истории. М., 1991. С. 67.

⁴ Тойнби А.Дж. Ўша асар. 181-бет..

тақдир ва дунёқарашнинг умумийлиги билан бир-бирига боғланган мамлакат ва халқлар гуруҳи сифатида тушунади.

Хуллас, локал цивилизациялар тарафдорларининг фикрича, цивилизация – бу йирик локал маданий бирлик бўлиб, алоҳида ва фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятларга эгадир. Бунда ҳар бир цивилизациянинг ўзи улкан бир вужуд, деб фараз қилинади ва худди тирик жон сингари ўзининг тадрижий ривожланиши жараёнида туғилишдан инқирозгача бўлган тараққиётнинг барча босқичларини босиб ўтади. Бундай талқин Данилевский – Шпенглер – Тойнбининг классик цивилизациялар назариясига мос келади. Эволюцион ёки босқичма-босқич назариядан фарқли ўлароқ, бунда тарихий жараёнлар бошқа нуқтаи назардан, яъни тадрижий “вертикал” ўлчамда эмас, балки маконлараро “горизонталь” ўлчамларда талқин этилади. Энг асосийси, локал цивилизациялар тарафдорлари тарихий таққослаш усули билан европацентризм ғоясидан устун келдилар. Бунда инсоният тараққиётининг турли босқичларидаги ҳар хил цивилизацияларнинг турли-туманлигини тавсифловчи улкан миқдордаги материалларни тўпладилар ва уларни тизимлаштирдилар.

Барча цивилизацион жамиятга маълум типологик муҳим белгилар хос бўлиши керак ва бу борада фанда аллақачон ягона тўхтамга келинган. Қадимги римлик файласуф Лукреций ўз асарида цивилизациянинг бир нечта омилларини санаб ўтган бўлиб, улар мулкчилик, ёзув, давлатнинг пайдо бўлиши ва хукуқ, фалсафа, бадиий ҳунармандчиликнинг вужудга келиши кабилар эди¹. Бу рўйхат кейинчалик анча кенгайган, цивилизацияга хос бўлиш учун суғорма дехқончилик, давлатчилик, шаҳар, ёзув ва қишлоқ хўжалигидан ажралган ҳунармандчилик, фан каби кўплаб белгиларни санаб ўтиш мумкин. Хусусан, «цивилизация

¹ Ионов И.Н., Хачатурян В.М. Теория цивилизаций: от античности до конца XIX века. СПб., 2002. С. 22.

атамаси шаҳарларда яшовчи кишиларга нисбатан қўлланилади» деб таъкидлаган инглиз археологи Г. Чайльд «шаҳар инқилоби» концепциясини илгари сурган ва бошқа жамиятлардан шаҳар цивилизациясини ажратиб турувчи 10 та мезонни ишлаб чиқкан¹. Кейинроқ ушбу мезонлардан энг муҳимлари, яъни маҳобатли меъморчилик, шаҳар ва ёзув қолдирилган бўлиб, ҳозиргacha кўпгина олимлар ушбу учликка асосланадилар².

Умуман, цивилизацион концепциянинг асосий моҳияти тарихий ривожланишининг турли-туман хусусиятлари, инсоният тарихининг кўп хиллиги ва бетакрорлигини асослаш эди. Бирор-бир жамиятни у ёки бу цивилизацияга мансублигини аниқлашда классификацияга асосланилса ҳам, ҳалигача барчага бирдек маъқул бўлган цивилизациялар классификацияси яратилмаган ва бу борада ягона назарий-услубий ёндашув ишлаб чиқилмаган³. Ҳар бир муаллиф ўзининг мезонлари, масалан, даврий, худудий, диний, тил каби омиллардан бирига таяниб цивилизацияларга ажратади. Қолаверса, турли хил цивилизацияларнинг келиб чиқиши ва инқироз сабаблари ҳар хил. Энг аввало, турли цивилизацияларни ажратиш ва унга хос давлат турини аниқлашда критерияларнинг кўплиги бўлса, бошқа томондан, унинг бошданоқ тараққий этган жамият ва уюшмаларга нисбатан классификациялар асосидаги таърифга йўналтирилганлигидир. Бу классификациялар эса тугалланмаган ва мукаммал эмаслиги учун ҳам танқидга учраган. Бу каби омиллар мазкур ёндашувнинг бир қадар заифлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, замонавий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги эндиликда цивилизацияларни қиёсий ўрганиш зарурлигини илгари сурмоқдалар⁴.

¹ Чайльд Г. Прогресс и археология. М., 1949. С. 29-32.

² Массон В.М. Первые цивилизации. Л., 1989. С. 8.

³ Яковенко И.Г. Цивилизационный анализ, проблема метода // Проблемы исторического познания. М., 1999. С. 84-85.

⁴ Крадин Н.Н. Цивилизационная альтернатива: кочевники как цивилизация //

Хозирда Европа ва Россия ижтимоий фанларида цивилизацион назария факат қиёсий усуллардан бири сифатида фойдаланилмоқда. Аммо Марказий Осиё давлатларида мустақилликдан сўнг цивилизацион ёндашув кенг оммалашди. Ҳар бир халқ жаҳон цивилизациялари тизимида ўзини кўриши истайдики, бизнинг назаримизда, бундай ёндашув ўзини оқламайди. Сабаби азалдан тарихи, дини, маданияти бир бўлган Марказий Осиё минтақаси халқларининг тақдири ҳам умумий бўлган. Бунинг устига, цивилизацияга мансуб бўлиш учун маълум бир мезонларга жавоб бериши керак. Хулоса қиласиган бўлсак, Ўзбекистон ижтимоий фанларида цивилизацион ёндошувдан фойдаланиш масаласи очик қолмоқда.

*Т.ф.д., проф. А. Хўжаев
ЎзР ФА Шарқшунослик институти*

Ўзбек халқи этногенезини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Хитой манбалари деганда, энг аввало ёзма манбалар кўзда тутилади. Умумлаштириб айтганда, хронологик тартиби баён этиш услуби ва тузилиш тартиби нуқтаи назаридан бу манбалар 9 грухга бўлинади. Шунинг ичida энг қадимийси – суяк ва тошларга битилган расмсимон ёзувлар ёки петроглифлардир (Жягувэн 甲骨文). Бу ёзувларнинг энг қадимийлари мил. авв. 1324-1122 йилларга тегишли бўлиб, улар илк бор 1899 йилда XXРнинг Хэнан ўлкасида топилган. Шундан бери бундай ёзувлар ушбу мамлакатнинг кўп жойларидан топилган. Мазмунан олганда, уларда хитойлар билан қўшни яшаган уруғлар ва қабилалар муносабатларига оид маълумотлар учрайди. Хроногик жиҳатдан қараганда, уларда ўз аксини топган воқеалар

милоддан аввалги XVI аср ва ундан олдинги бир неча юз йиллик даврга тегишлидир. Турк атамасининг илк хитойча транскрипцияси бўлган *тиек* (замонавий ўқилишда *ди* 狄) иероглифи учрайди. Бу ҳолат турклар бундан 4 минг йил аввал хитойларга таниш бўлганлигидан далолат беради.

Иккинчи гуруҳга мансуб манбалар – мил. авв. II асргача бўлган 1,5 минг йил давомида қадимий Хитойда юзага келган майда хонликларга оид хотиралар ҳисобланади. Ушбу хотиралар ниҳоятда қисқа бўлиб, уларнинг мазмуни асосан хонликлараро урушлар, қўшнилар билан бўлган муносабатларни баён этиш билан чекланган. Булар «Жушу» («Қамиш китоб») деб ҳам аталади. Чунки бу хилдаги китоблар хитой қамишидан ясалган тахтачаларга ёзилган. Қоғознинг пайдо бўлган вақти мил. авв. II асрга тўғри келади¹.

Ушбу хотиралар ичида энг йириклари «Шангшу» (尚書 – «Қадимий китоб» ёки «Қадимий тарих»)², «Шяшу» (夏書 – «Шя китоби» ёки «Шя [сулоласининг] тарихи»), «Зуо жюан» (左转 – «Зуо [Цюнминг] баёни») ҳисобланади. Уларда ҳам қадимий Хитойга қўшни бўлган қавмлар, жумладан, туркларнинг шарқий қисми ҳақида маълумот кетирилади.

Учинчи гуруҳга мил. авв. VI-III асрлар давомида ёзилган географик, тарихий ва фалсафий асарларни киритиш мумкин. Улар орасида «Шанхай жинг» (山海经 – «Тоғлар ва денгизлар баёни») ва «Эръя» (尔雅 – «Шарҳлар» ёки «Шарҳлар тўплами») каби икки асар алоҳида ўрин тутади. Биринчи асарнинг муаллифи номаълум, лекин унинг битилган вақти

¹ Цюан (Сўзларнинг келиб чиқиши). 4 жилдан иборат. Шанхай, 1985. 3-жилд. 2410-бет.

² Шу (書) иероглифи ёзиш, китоб, биронта воқеа ёки давр тарихини ёзиб, китоб шаклига келтириш каби маъноларни англатади. Кўп ҳоллатларда у тарих маъносида ишлатилган.

мил. авв. 475-221 йилларга түғри келади. Иккинчиси – мил. авв. XI асрдан мил. III асрғача бўлган давр давомида Хитойда турли номаълум муаллифлар ёзган изоҳлар ва шарҳлар тўпламидир. Мазмунан у З қисмдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси кўхна битиклар ва турли асарлар матнини, иккинчиси қадим замонда ишлатилган сўзларни ва учинчиси билимдонлар насиҳатларини шарҳлашга бағишиланган¹.

Тўртминчи гурӯҳни «Эршиси ши» («24 тарих»²) деб номланган сулолалар тарихи ташкил этади. Булар мил. авв. I асрдан мил. XVI асрнинг ўрталариғача бўлган давр давомида сарой тарихчилари томонидан ёзилган. Айни замонда XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб битилган манчжурлар сулоласи (1644-1911) тарихини қўшиб, ушбу тарихни «25 тарих» («Эршиу ши») деб аташ одат тусига кирган. Бундан ташқари, мазкур тарихнинг электрон матни ҳам яратилган.

Хозирги ўтмиши ҳақида энг кўп маълумот берадиган манбалар айнан шу тарихлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам рус ва европа тиллариға таржима қилиш масаласида олимлар шу мажмуанинг айrim қисмларига мурожаат қилган.

«24 тарих»нинг биринчи жилди бўлмиш «Тарихий хотиралар» («Шижи»)да Марказий Осиё давлатлариға оид ёзилган хабарларнинг аксарият қисми «Фарғона тазкираси» («Дайюан лечжуан») деб номланган бобда йиғилган. Асар ёзилган давргача бўлиб ўтган Хитой хукмдорлари фаолиятига бағишиланган қисмда айrim маълумотлар учрайди. Лекин улар Фарғона тазкирасида ўз аксини топган.

¹ Цихай (Сўзлар денгизи). 6-нашр. Шангхай, 1985. 1114-бет.

² Эршиси ши (24 тарих) «Шижи» («Тарихий хотиралар») ва Аввалги Хан ёки Фарбий Хан (мил. ав. 206-23), Кейинги Хан ёки Шаркий Хан (мил. ав. 25-220); 3 ҳокимлик (321-263); Жин (265-316), Сунг (420-479), Жанубий Чи (479-502), Лянг (502-557), Чэн (557-589), Шимолий Вэй (386-534), Шимолий Чи (534-550), Шимолий Чжоу (557-581), Суй (581-618), Жанубий сулолалар (420-589), Шимолий сулолалар (386-581), Танг (618-907), 5 ҳокимлик (907-979), Сун (960-1127), Ляо (907-1125), Жин (1115-1234), Юан (1279-1368), Минг (1368-1644) каби сулолаларнинг тарихларидан ташкил топган.

«Шижи»дан кейин ёзилган сулолалар тарихида Марказий Осиёга оид маълумотларнинг асосий қисми «Ғарбий замин» («Шиуюй»)¹ деб номланган бобларда берилган. Шунинг учун рус олими Н.Я.Бичурин X асргача ёзилган сулола тарихининг шу бобларини таржима қилишга ҳаракат қилган.

Албатта, хитой манбалари қадимги тарихимизнинг барча қирраларини очиб бера олади, деган фикрдан йироқмиз. Чунки, сарой тарихчилари хитой ҳукмдорлари билиши лозим бўлган масалаларни акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Бундай масалаларга Марказий Осиёда мавжуд бўлган давлатларнинг салоҳияти, ҳарбий қуввати, бойлиги, ўзаро муносабатлари, улардан Хитой пойтахтигача бўлган йўллар, давлатларни ташкил этган қабилалар ва улар ўртасидаги қарма-қаршиликлар кирган. Шунга қарамай, тўртинчи гуруҳ хитой манбалари тарихимизда, айниқса қадим замон тарихимизда айрим номаълум қолган ёки мунозараларга, ҳаттоқи, хато фикрлар шаклланиб қолишига сабаб бўлиб қолган қатор масалаларни ёритишга асос бўла олади.

¹ Шиуюй (西域 , русча транскрипцияда Сиой) топоними илк бор мил. ав. 86-72 йиллардан бошлаб муомалага киритилган. Айрим даврларда шарқда қадимий Хитойнинг Юймэн ва Янггуан номли иккита чегара дарвозаларидан бошлаб ғарб томонида Помиргача бўлган ҳудуд «Шиуюй» деб номланган. Баъзан мазкур топоним доирасига Ғарбий ва Шарқий Туркистон ҳудудларидаги мамлакатлар ва Эрон киритилган. «Шиуюй» атамаси муомалага киритилишидан олдин Қадимий Хитойнинг ғарбий томондаги мамлакатлар «Сией-ривем / Ши-рунг» (русча транскрипцияда Сижун) деб номланган. Масалан, «Вэйшу» (Вэй [сулоласи] тарихи) ва «Бэйши» (Шимолий [сулолалар] тарихи) каби тарихларда «Шяшу (Шя тарихи)да Шиуюй Ши-рунг номланган» (西域夏書稱西戎), деб ёзилган [Вэйшу. 9694(1312)-б.; Бэйши. 13842(1286)-б.]. «Тунгдян» ва «Тайпин хуаньюй жи» номли асарларда ҳам «Шиуюй» топоними ўрнига «Ши-рунг» ишлатилган. Тунгдян. З-жилд, 2675-2757-б; Тайпин хуаньюй жи. 183-боб, 1-б; 187-боб, 1-б.]. «Ши-рунг» атамаси қадимда «Сией-ривем» деб талафуз этилган бўлиб, у «ғарб томондаги от минувчилар» маъносини англатган. Сўнгги даврда XXРда уйғур тилида нашр этилган китобларда Шиуюй топоними «Ғарбий юрт» деб таржима қилинмоқда. Бу ҳол ҳақиқатга тўғри келмайди. Шуни ҳисобга олиб, биз ўз тадқиқотларимизда уни «Ғарбий мамлакатлар» деб ишлатишни маъқул топдик.

Бироқ сулолалар тарихидан фойдаланилганда қадимги хитой мафкурасига оид бир қатор масалаларга эътибор бериш зарур:

1. Сафарномаларни ҳисобга олмаганда, қолган турдаги манбалар сарой тарихчилари томонидан битилганилиги туфайли, уларда ўзига хос хусусиятлар бор. Бундай хусусиятлар Хитой хукмдорлари – “Тангри ўғли” (Тянзи 天子), яъни Тангрининг “Осмон таги”ни идора қилиш учун ерга юборилган вакили, деб қайд этилишида яққол намоён бўлади. Бу асарларда уларнинг фаолияти «қонуният» (дао 道), «ахлок ва одамийлик» (дэ 德), «ғамхўрлик ва ҳиммат кўрсатиш» (恩), «Тангри амри» (тянминг 天命) каби тушунчаларга асосланган, деб таърифланади. Ушбу тушунчалар асосида Хитой императорларининг тажовузкорлик ҳаракатлари Тангри амри билан осмон тагидаги заминни «бирлаштириш» («тунгий» 统一)га ва уни «идора қилиш» («жингийинг» 经营)га қаратилган, деб баҳоланади. Шу асосда ўзга халқларнинг бундай хатти-харакатларга қаршилиги «хоинлик», «итоатсизлик», «Тангри амрига бўйсунмаслик» деб қаралган. Хитой манбаларидан фойдаланишда уларда баён этилган тарихий воқеаларни бу каби ғоявийликдан ажратиб олиш жуда муҳим масаладир.

2. Қадимги ва илк ўрта асрлар даврида битилган хитой манбаларидан фойдаланилганда, айниқса, этник ва топонимик атамаларни ишлатишида иероглифларнинг қадимги ўқилишига асосланиш тўғри бўлади. Чунки, уларнинг замонавий талаффузи қадимги қўлланишидан тубдан фарқ қиласди.

3. Аксарият ҳолатларда хитойлар бошқа халқларга тегишли жой номларини ўз тилига таржима қилиб олишган, айримларини иероглифлар билан транскрипция қилишган.

Топонимларни ишлатишида бунга эътибор бериш лозим. Мисол тариқасида дунё адабиётида, жумладан, Ўзбекистон олимлари ишларида кенг тарқалган Тяньшан (русча транскрипцияда Тяньшань) ва Даван (Давань) каби иккита топонимга мурожаат қилиш мумкин. Буларнинг маъносига эътибор берадиган бўлсак, Тяньшан атамаси Тангритогнинг, Даван эса Буюк Паргонанинг таржимаси эканлигини англаб олишимиз мумкин. Чунки, қадим замонда бу топонимларни иероглифлар билан транскрипция қилиш анча мураккаб бўлган. Бинобарин, Тангритоғ атамаси талаффузини ифодалаш учун 5 та, Парконани транскрипция қилиш учун 4 та иероглиф ишлатилиши керак эди. Мил. авв. II асрда, яъни Ғарбий Хан империясининг элчиси Чжанг Чян Фарғонага келган даврда китоблар хитой қамишидан тайёрланган тахтачаларга ўйиб ёзилган. Бу ҳолатда иероглифлар сони иложи борча кам бўлиши лозим бўлган. Ўша даврда хитойларнинг ўзлари жой номларини бир иероглиф билан ёзишган. Бундан ташқари, хитой ёзуви иероглифларга асосланган, ҳар бир иероглиф бир сўзни ифодалаган. Энг оддий ва қисқа сўз эса бир унли ҳамда бир ундош товушнинг бирикмасидан ташкил топган.

Хитой элчиси Фарғонага келиб-кетгандан кейин императорга ёзма равища ҳисбот берган. Шунда у бир хил талаффуз этилган давлат ва пойтахт шаҳар номларига дуч келган. Давлат номини шаҳар номидан фарқлаш мақсадида давлат номи олдига катта, буюк маъносини англатувчи «да» иероглифини қўшган. Натижада Даван атамаси юзага келган.

Шу жойда нимага асосланиб биз қадимги Фарғонанинг маҳаллий номи Паргона деб аталган, дейишимиз мумкин, деган савол туғилади. Даван қадим замонда Дайюан деб талаффуз этилган. Бу икки иероглифнинг маъносига эътибор берадиган бўлсак, да иероглифи қадим замондан ҳозирга қадар бир хил маънода ишлатилиб келинмоқда. Замонавий хитой тилида «ван» иероглифи коса, пиёла маъносида

ишлатилади. Лекин, у қадимда атрофи тоғлар билан ўралган ва фақатгина бир томонидан кириб чиқиши мүмкин бўлган текслик маъносига ишлатилган. Паркона сўзи ҳам шундай маънога эга бўлган¹. Хитой элчиси «юан» сўзини ишлатган экан, демак, у келганда маҳаллий халқ тилида Паркона атамаси бўлган. Қолаверса, Помир аҳолиси тилида шундай маънода қўлланиладиган Паргон, Паргона сўзи мавжуд. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда битилган хитой манбаларида Паркона атамасининг транскрипцияси ишлатилган. Бу ҳолат ҳам Парканы атамаси маҳаллий аҳоли тилида мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Хитой манбаларида келтирилган мамлактимиз тарихига оид маълумотлардан фойдаланишда иложи борича хитойча атамаларни ишлатмаслик лозим. Акс ҳолда, бу кўп чалкашликларга ва нотўғри хулосаларга сабаб бўлиши мүмкин. Афсуски, тарихий адабиётларда қадимги Фарғона давлатининг номи «Даван» ёки «Давань» аталган деган фикр ҳамон давом этиб келмоқда.

4. Сулолалар тарихидаги қадимиий Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонида яшаган халқларга оид этник маълумотлардан фойдаланишда маҳаллий атамаларнинг хитойча транскрипцияларини хитойлар томонидан уларга қўйилган номлардан ажратиб олиш зарур. Акс ҳолда, бир халқни ҳар хил қисмларга бўлиб ташлаш хавфи туғилади.

Бинобарин, қадимиий хитойлар ўз атрофидаги халқлар ёки қабилалар номларини транскрипция қилиб ишлатиш билан бирга уларнинг урф-одатлари, иқтисодий асосларига қараб ўзларининг ёзуви, талаффузи ва қўллашига мос, кулай номлар қўйишган. Масалан, *ривем* / замонавий талаффузда *рунг* (*rong*戎 / рус тилли адабиётда *жун*) хитойлар томонидан

¹ Хўжаев А. К этимологии топонима Дайюнь (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Фарғона, 2009. 135-140-бетлар.; Щша муаллиф. Фарғона Хитой манбаларида (қадимиий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликлардан таржималар). Тошкент, 2013. 16-17 бетлар.

уларнинг шимолий ва ғарбий томонида яшаган халқларга умумлаштриб қўйилган ном ҳисобланади ва у «отлиқлар», «отда юрувчилар», «отлиқ жангчилар» маъносида ишлатилган. Ушбу этномим мил. авв. XI асрдан кейин пайдо бўлган¹. Кейинчалик хитой тарихчилари шимол томонда яшаган туркий қабилаларни *тиек-ривем* (*ди-рунг* – отда юрувчи турклар) ёки *ривем-тиек* (*рунг-ди*), *бэй-ривем* (*бэй-рунг* – шимлдаги от миниб юрувчилар), ғарб томонда истиқомат қилганларни *ши-ривем* (*ши-рунг* – гарб томондаги от миниб юрувчилар) деб аташган. Вақт ўтиши билан *ши-ривем* (*ши-рунг*) этномими «Шиуюй» (Ғарбий замин, Ғарбий мамлакатлар)² топонимига айланган. Бу ҳақида «Вэй [сулоласи] тарихи» («Вэйшу»)да ва «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши»)да аниқ ёзилган³. Бироқ тарихий адабиётларда ушбу этномимни алоҳида бир этнос номи сифатида ишлатиш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Хитой манбаларидан фойдаланганда яна бир эътибор бериш лозим бўлган масала шуки, қадимий халқларнинг, жумладан, туркларнинг этник номини транскрипция қилишда ягона ёзув қоида бўлмаганлиги учун турли даврда ҳар хил иероглифлар ишлатилган. Масалан, мил. VI асрغا бўлган бир ярим минг йилдан зиёд вақт давомида қадимий турклар номини хотиралашда хитойлар *тиек* (*ди狄*), *тиаук* (*ди翟*), *тиеклиек* (*дили 狄歷*), *тиеклэк* (*чилэ 敕勒*), *тиенглинг* (*динглинг 丁靈, 丁零, 丁灵*), *тиетлэк* (*теле 鐵勒, 铁勒*) иероглифларидан фойдаланишган. XX асрнинг ўрталаригача бу иероглифларнинг ёзилиши ва маъноси деярли бир хил сақланиб қолган. Бироқ, уларнинг ўқилишида катта ўзгариш

¹ Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Ташкент, 2010. С.38-39.

² Россиялик олимлар асарларида Шиуюй топоними “Западный край”, XXРда уйғур тилида нашр этилган асарларда эса у “Ғарбий юрт” деб таржима қилинган.

³ Ходжаев А. Из истории древних тюрков... С. 40.

юз берган. Буларнинг замонавий ўқилиши турк этнонимига яқин келмайди. Уларнинг қадимда *тиек*, *тиеклиек*, *тиекләк*, деб ўқилганлиги эса *турк*, *турклик*, яъни *турклар* атамаларининг турли даврлардаги хитойча транскрипциялари эканлиги яққол кўринади.

Тиетлек (*теле*) этноними милодий III-V асрларда ишлатилган ва бу билан номланган 40 дан зиёд турк қабилалари шарқда Корея ярим оролидан бошлаб, ғарбда Қора ва Ўртаер денгизларигача бўлган улкан ҳудудда тарқоқ ҳолда яшаган. Бу қабилаларнинг барчаси ўз номига ва ҳудудига эга бўлган.

Кўпчилик олимларга асосий манба сифатида хизмат қилиб келаётган Н.Я.Бичурин таржималарида келтирилган хитойча этник номларнинг қадимги ўқилиши берилмаган. Бу ҳолат улардан фойдаланишда айrim нотўғри фикрларнинг шакилланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, биз ўз тадқиқотларимизда хитойларга тегишли бўлмаган этник ва топонимик номлардан фойдаланишда, уларнинг қадимги ўқилишига эътибор бердик. Натижада бир қатор янги хulosалар юзага келди.

5. Аксарият ҳолатларда хитой манбаларида хорижий мамлакатлар ҳукмдорлари «ванг» (княз ёки кичик хон) деб аталади. Уни маҳаллий ҳукмдорларнинг унвони деб қабул қилиб бўлмайди. Чунки ўтмишда Хитой ҳукмдорлари ўзга давлатлар подшохларини ўзларига teng кўрмаган. Улар ўзларини «хуангди» (император), «Тянзи» (Тангри ўғли) деб аташган. Бошқа мамлакатлар ҳукмдорларини эса «ванг» дейишган. Қадимги Хитой маъмурий тизимида «ванг» ўлка, вилоят бошлиқлари ёхуд императорнинг яқин қариндошларига берилган лавозим, яъни «хуанди»дан паст унвон эди. Афсуски, сўнгги пайтда айrim олимларимиз томонидан «ванг» атамасини маҳаллий ҳукмдорларнинг унвони сифатида қабул қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Чунончи, яқинда нашр этилган «История государственности

Узбекистана» номли китабнинг 1-жилдидаги «Ферганское государство Давань» бўлимида айнан шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ушбу бўлимда «Государство древней Ферганы управлялось правителем, носившим титул «Ван»¹, деб ёзилган.

Хитой манбаларида биргина Хунлар империяси, Турк ва Уйғур хоқонликларининг ҳукмдорларига нисбатан «ванг» увони ишлатилмаганлиги кузатилди. Хунларнинг ҳукмдорлари хитой манбаларида «Тайи», Турк ва Уйғур хоқонликларининг ҳукмдорлари «Кэхан» (Хоқон увонининг транскрипцияси) деб номланган. «Тайи» (замонавий ўқилишда «шанюй») Тангриқут сўзининг, «Кэхан» эса хоқон увонининг хитойча талаффузидир.

Бешинчи гуруҳга тегишли манбалар – VIII-XII асрлар оралиғида алоҳида мавзуларга бўлинган ҳолда ёзилган тарихий асарлардир. Булар ичida нисбатан яхши сақланиб қолганлари ва тарихимизга алоқадор маълумотларни ўз ичига олганларидан қўйидагиларни тилга олиш мумкин.

- 1) Танг империяси даврида яшаган сарой тарихчиси Ду Ю (734-812) томонидан ёзилган «Тунгдян» (通典 – «Қонун-коидалар ва урф-одатлар баёни»);
- 2) Сунг сулоласи (960-1127) тарихчиси Лэ Ши (乐史 930-1007) қаламига мансуб «Тайпинг хуанюй жи» (太平寰宇记 – «Тинчлик ўрнатилган замин баёни»);
- 3) Жанубий Сунг сулоласи (1127-1129) тарихчиси Юан Шу (袁枢 – 1131-1205) ёзган «Тунгжян жиши бэнмуо» (通鑑紀事本末 – «Муҳим тарихий воқеалар баёни» каби асарларни тилга олиш мумкин).

Ушбу асарларни ёзишда муаллифлар сулола тарихидан фойдаланишган. Шунинг учун кўп воқеаларнинг баёни

¹ История государственности Узбекистана. Ташкент, 2009.- С.188.

сулола тарихларидаги маълумотларга ўхшайди. Бироқ уларнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Хорижий давлатларнинг урф-одатлари ҳақида нисбатан кўпроқ маълумот келтирилади.

Бешинчи гуруҳ асарлар ҳам сарой тарихчилари томонидан ёзилганлиги учун уларда сулола тарихларига хос хусусиятлар мавжуд. Аксарият ҳолатларда асарлар ёзилишидан олдин ўтган тарихий воқеалар сулола тарихидан олинган.

Аммо уларда тарихий воқеалар, этник маълумотлар мавзуга қараб бир жойга йиғиб берилган. Айрим ҳолатларда сулолалар тарихидан олинган воқеларга ёки этник маълумотларга аниқлик киритилган. Баён этиш услуби ҳам бироз замонавийлашганлиги сезилади. «Тайпинг хуанюй жи»да мамлакат ёки биронта ҳалқ ҳақида келтирилган маълумотлар баёни тарихий воқеалар, иқлими ва иқтисодий асослар, урф-одатлар каби уч қисмга бўлинган ҳолда акс эттирилган. Бу ҳолат манбадан фойдаланишда маълум қулийликлар туғдиради.

Олтинчи гуруҳ манбаларига Хитойдан Туркистонга келиб-кетган хитой сайёҳларининг хотираларини киритиш мумкин. Бу асарларда улар саёҳат қилган шаҳарларнинг ҳолати, аҳолисининг урф-одатлари, турмуш тарзи кўпроқ баён этилган. Масалан, Туркистон орқали Ҳиндистонга сафар қилган Шюан Занг (玄奘 – 629-645)¹ қадимги Фарғона давлати ҳақида қуйидагиларни ёзган:

«[Тошкент]дан жануби-шарқ сари минг ли (576 км)дан зиёдроқ юрилса, Пайхан (怖捍)² давлатига борилади. Унинг тўрт томони тоғ билан ўралган. Ерлари серхосил, дехқончилик ишлари ривожланган, гуллар ва мевалар кўп,

¹ Рус тилидаги адабиётларда Сюань Цзан, фамилияси Чэн, исми Йи (Вэй деб ҳам аталади), ҳалқ орасида Тангсинг (Танг давридаги «роҳиб» маъносини англатади) деб ҳам танилган.

² Пайхан – Паркона топонимининг хитойча транскрипцияси.

[табиий шароити] қўй ва от боқишга қулай, шамол ва совуқ бўлиб туради, одамлари қаттиқ иродали, [халқининг] тили атрофдаги давлатлардан фарқ қиласди, [одамларининг] ташқи кўриниши чарчаган кишидек, бир неча ўн йилдан бери бош ҳукмдори йўқ, қавм бошлиqlари ўз ҳолича маълум бир жойни назорат қиласди, ўзаро уришишмайди, хавфга дуч келганда, келишиб иш тутади»¹.

VIII асрнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон ҳудудидан ўтган будда дини роҳиби Хуэйчао (慧超) Фарғона водийси ҳақида «Бу мамлакатда тую, қўй (115-б.), от боқилар, турли матолар (diebu 叠布) пахтадан ишлаб чиқарилар, тери ва пахта матоларидан тикилган кийим-кечаклар, тандир нони кўп истеъмол қилинар экан. Тили ва сўзлашиш оҳанги бошқа давлат халқлариникидан фарқ қиласар, [маҳаллий аҳоли] будда динини билмас, [уларда] будда ибодатхоналари ва будда роҳиблари йўқ экан»², – деб ёзган.

751 йилда араблар ва хитойлар қўшинлари ўртасида содир бўлган жангда асирга тушиб ўн икки йил давомида Туркистоннинг турли жойларида ва араб мамлакатларида бўлган Ду Хуан (杜环) ўзининг сафарномасида ёзади:

«Фарғона давлати (Буоханна-гуо 拨汗那国)да бейлуо (бейлуо 波罗)³ дарахтзори бор, дарахтзорнинг ёнида тўп майдони (毡场)⁴ жойлашган, тоғ жилғаларида ёввойи

¹ Гу шишинг жи (Қадимги ғарбий сафар хотиралари). Йинчuan (Нингша вилояти), 1987. 1-бет.

² Ўша тўплам. 115-бет.

³ Бейлуо (波罗) – буолуо, билуо деб хам ўқиласди, Фарғонада дарахтзор бўлиб, ўсадиган дарахт номининг хитойча транскрипциясидир. Терак ёки чинор бўлса керак, деб таҳмин қилинади. Лекин ҳозирча буни аниқлашнинг иложи бўлмади.

⁴ Ушбу маълумотда ҳайвон терисидан тикилган ва ёғоч калтак билан уриб ўйналадиган тўп (чю 毡) кўзда тутилган [Ханюй дазидян. З-жилд, 1998-б.]. Ҳозирги замон тилида у бейсбол деб аталади. Ушбу ўйини ўйнайдиган маҳсус майдон бўлганлиги бир томондан Ду Хуанинг эътиборини тортган бўлса,

каламушлар юради. Ерида узум, чилонжийда, шафтоли ва нок яхши ўсади»¹.

Бизгача сақланиб қолган ва тарихимизга алоқадор маълумотларни ўз ичига олган сафарномаларнинг энг қадимийси «Му-тянзи чжуан» («Тангри ўғли Му ҳақида баён») ҳисобланади. У мил. авв. 1001-946 йилларда қадимий хитойларнинг ғарб томонидаги қўшни мамлакатда ҳукмронлик қилган ҳоким Му (Му-ванг)нинг мил. авв. 989-988 йилларда ғарбий томонидаги мамлакатларга борганлиги зикр этилган асар ҳисобланади. Ушбу асар 281 йилда мил. авв. V-II асрларда мавжуд бўлган Вэй ҳокимлиги ҳукмдори Сянгванг (мил. авв. 318-292 йилларда тахтда ўтирган)нинг қабри ичидан топилган. Асар қадимги расм шаклидаги ёзувлар билан битилган. Асар топилгандан сўнг шу даврдаги олимлар уни дарҳол иероглифларга ўtkазиб кўчиришган. Асарга ушбу жараёнда иштирок этган Шюн Мао ёзган кириш сўзи ва уни синчковлик билан ўрганиб чиқсан Го Пу (мил. 276-324)² нинг шарҳлари қўшилган. Шундан сўнг асар «Чжоу-ванг юшингжи» («Чжоу ҳокимининг сафарномаси»), «Му-тянзи чжуан» («Тангри ўғли Му ҳақида баён») каби икки хил ном билан кенг тарқалган. Даврамизгача асарнинг 4 боби сақланган³. Ушбу сафарномада қуйидагича ёзилган:

«[Мил. авв. 989 йил 6-ойнинг] Ренву (16-куни) Тангри ўғли [Му] шимолга юриб, у ёқдан шарққа бурилиб, орқага қайтди. Жяшэнг (18-куни) Хэйшуй (黑水)га етиб келди, [бу

иккинчи томондан бу ўйин бўйича мусобақалар ўтказилганлигидан далолат беради. Шу бир сўз билан тилга олиб кетилган кичик хабардан маълум бўладики, Фарғонада бундан 1250 йил муқаддам бейсбол ўйини кенг тарқалган.

¹ Гу шишинг жи. 132-б.

² Го Пу – ўз замонасидаги йирик олим ҳисобланган. Унгача сақланиб қолган бир қатор асарларни ўрганиб, уларга шарҳлар ёзган [Чжунггуо гужин мингрен датсидян (Хитойнинг қадимдан ҳозиргача ўтган машхур шахслари луғати). Пекин, 1991. 613-б.].

³ Гу шишинг жи (Қадимги ғарбий сафар хотиралари). Йинчуан (Нингша вилояти), 1989. 1- Ушбу асар мақола муаллифи томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

дарёни] сиеймаклар (замонавий ўқилишда шимуо / shimo 西膜) Хунглак¹ деб айтар эканлар»².

Келтириган маълумотдаги «Хэйшуй» Қорасув ёки Қорадарё демакдир. Бу дарё ҳақида икки хил фикр мавжуд. Булардан бирига кўра, у Зарафшон дарёси, иккинчисига кўра - Ёркенд дарёсининг шарқий ирмоғи бўлмиш Холастандарё (Тингдуо-абухэ) ҳисобланади. Аммо ҳоким Му ушбу дарё бўйига Помирдан ўтганидан кейин етиб келган. Шунинг учун биринчи фикр асосли, деб ҳисоблаш мумкин.

Еттинчи гуруҳдаги манбалар – кундалик воқеалар баёни («Шилу» 實錄 / 实录), яъни солномалар. Уларда вақеалар хронологик тартибда баён этилган. Шу жойда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, кейинги пайтда Ўзбекистон олимлари томондан нашр этилган тадқиқотларда юқорида тилга олинган қадимий хитой манбалари, айниқса сулолалар тарихлари «солнома» деб айтилмоқда. Бу тўғри эмас. Фақат «Шилу»ни «солнома» дейиш мумкин.

Солномалар илк бор Фарбий Жин (Шижин) сулоласи (265-316) даврида ёзилган ва у «Нянли» (年历 – «йиллар баёни») деб номланган. Лекин улар сақланмаган³. VII асрдан кейин солнома ёзиш расмий одат тусига кирган. Бироқ уларнинг аксарият қисми йўқолган. Даврамизгача яхши сақланган солномалар эса XVI асрдан бошлаб ёзилган⁴.

XVI–XIX асрлар давомида ёзилган ва замонамигача яхши сақланган «Шилу» хитойлар сулоласи Минг (明 – 1368-1644) ва манчжурлар хонадони Чинг (清 1644-1911) ҳукмронлик

¹ Хунглак (hunglak), замонавий хитой тили талаффузида хунглу, оққуш демакдир.

² Гушишинг жи. 14-бет.

³ Чжунгуо лиши дацидян. Лиши шюэ (Хитойнинг катта тарихий лугати. Тарихнавислик). Шангхай, 1995. 160-бет.

⁴ Цюан. 2-жилд. 860-бет.

қилган даврда ёзилган ва уларда шу сулолаларнинг ички ва ташқи сиёсатига оид воқеалар баён этилган. Ундан биронта иили ва санаси аниқ бўлган воқеанинг баёнини топиш осон. Вакти ноаниқ бўлган воқеалар зикрини излаш қийин кечади. Чунки уларнинг ҳажми жуда катта. Масалан, «Минг шилу»нинг умумий ҳажми 2909 бобдан, «Чинг шилу» (清实录) эса иловаридан ташқари 4406 бобдан иборатdir.

Саккизинчи гурӯҳдаги манба – «Жойлар тазкираси» («Дифанг чжи»). Бу турдаги асарлар XVII асрдан бошлаб ёзилган. Бу турга киритилган асарлар айrim ўлкалар, вилоятлар ёки ундан кичик маъмурий ҳудудларга бағишлиланган. Бу турдаги асарларнинг пайдо бўлиши Чинг деб номланган манчжурлар сулоласининг зарурияти, яъни босиб олинган жойларнинг маҳаллий шароитини яхши билиш, аҳоли сонини ва солиқдан келадиган даромадни, назоратни кучайтириш учун зарур бўлган амалдорлар сонини ҳамда сарфланадиган маблағ ҳажмини аниқлаш каби масалаларга боғлиқ бўлган. «Дифанг чжи» туридаги асарлар қайси ҳудудга бағишлиланган бўлса, «чжи» (баён) сўзи олдига шу жойнинг номини қўшиб ёзилган. Мазмунан уларда муайян бир ҳудуднинг тарихи, географик ҳолати, маъмурий тизими, амалдорлар сони ва маошлари, аҳолиси ва уларнинг сони каби масалалар баён этилади. Аммо бу турдаги асарлар XVII асрдан бошлаб ёзилган.

Тўққизинчи гурӯҳга «Фанглюэ» («Стратегия баёни») деб номланган манбаларни киритиш мумкин. Бу турдаги манбалар, асосан, хронологик тартибда жойлаштирилган ва хитой тилида ёзилган расмий ҳужжатлар тўплами ҳисобланади. Улар Тибет, Монголия ва Шарқий Туркистонни босиб олишга, у ерларда юз берган йирик қўзғолонларни бостиришга бағишлиланган расмий ҳужжатлар (Фармон, хукумат қарори, вазирликлар буйруқлари, ҳарбий ва маъмурий амалдорларнинг маълумотномалари,

буйруқларни бажариш ҳақидаги ҳисоботлари, хорижий мамлакатларга юборилган мактублар ҳамда улдан келган хатлар мазмuni акс эттирилган хабарномалар ва бошқалар) мажмуи ҳисобланади. Бу турдаги манбаларга киритилган ҳужжатларнинг барчаси хронологик тартибда жойлаштирилган. Бу турдаги мажмуаларнинг ҳажми ҳам катта. Биргина Шарқий Туркистонни босиб олиш жараёнига бағишенгандын катта-кичик ҳужжатлар сони 12 мингдан ошади.

Ҳужжатларда, айниқса императорларнинг фармонларида манжурларнинг қарши ҳаракатлари «хоинлик», «тўпалон», «Тангри амрига итоат қиласлиқ» деб баҳоланган. Хорижий мамлакатлардан келган совғаларни «дан», яъни, итоаткорлик билдириш учун юборилган солик тўлови, мачжурларга Хитой императорлари томонидан жавобан берилган совғалар эса «инъом», «мукофот» деб таърифланади. Императорларнинг барча ҳаракатлари тангрининг амри билан қилинган, у Тангрининг ер юзига юбарилган вакили бўлгани учун унга барча мамлакатлар ва халқлар итоат қилиши лозимлиги таъкидланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини, айниқса этник тарихни ўрганишда қадимги хитой манбаларининг илмий аҳамияти шубҳасиз каттадир. Ўрганилмаган манбалар ҳам кам эмас. Лекин уларни ўрганишда юқорида қайд этилган жиҳатларни ҳисобга олмоқ зарур. Зеро тарихни талқин қилишда йўл қўйилган биргина кичик хато кўп ноаниқликларга ва катта хатоларга олиб келиши мумкин.

Т.ф.д., проф. А.А. АШИРОВ
ЎзР ФА Тарих институти

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар

Маълумки, Ўзбекистон мустақиликка эришганидан сўнг ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланди. Натижада, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг тарихий асослари кенг миқёсда ўрганила бошлади. Айнан истиқлолдан сўнг ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи илмий муаммо обьекти бўлибгина қолмасдан, балки миллий мафкуранинг таркибий қисми тарзида тадқиқ қилинмоқда. Истиқлол йилларида совет давридан фарқли ўлароқ, ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихи борасида хилма-хил фикрлар ва қарашлар билдирилди. Бир гуруҳ муаллифлар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосини илмий асосда тарихий манба ва адабиётлар асосида ёритишга ҳаракат қилган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ муаллифлар масалани тўғри кўтариб чиқсан бўлсалар-да, лекин муаммонинг назарий жиҳатларига эътибор қаратмасдан ҳамда етарлича тарихий манбаларга асосланмаган ҳолда қўйилган масалани бирмунча ноилмий ёритганлар.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзусида бажарилган асарларни шартли равища 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) тарихий йўналишда бажарилган академик тадқиқотлар;
- 2) бадиий публицистик услубда ёзилган асарлар ва нашрлар;
- 3) хорижий муаллифларнинг илмий изланишлари.

Сўзимиз аввалида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур уч йўналишда бажарилган ишларни биргина мақола доирасида таҳлил қилишнинг имкони бўлмаганлиги боис, биз қўйида асосан ўзбекистонлик муаллифлар томонидан бажарилган тадқиқотлар таҳлили билан чегараланамиз.

Дастлаб, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини академик йўналишда ўрганган мутахассисларнинг тадқиқотларга тўхталиб ўтсак. Ўтган йиллар давомида бу мавзуни ўрганаётган мутахассислар озчиликни ташкил қилишига қарамасдан, салмоқли нашрлар пайдо бўлди. Чунончи, истиқлол йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосига оид Б.Ахмедов, К.Шониёзов, А.Асқаров, И.Жабборов, А.Ходжаев, Шамсиддин Камолиддин, У.С. Абдуллаев, О.Бўриев, М.Усмонов, Ф.Б. Бобоёров, А.Маликов, А.А. Аширов, А.Қаюмовларнинг қатор тадқиқотлари чоп этилди¹. Шунингдек, 2011 йили сўнгги 20 йилдан ошикроқ вақт давомида ЎзР ФА Тарих институти ва Россия ФА Этнология ва антропология институти ҳамкорлигида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, халқимизнинг анъанавий хўжалик машғулоти, моддий ва маънавий маданияти, оиласирий ва жамоавий турмуш тарзини этнографик йўналишда ўрганишга бағишлиланган йирик тадқиқот “Ўзбеклар” номли йирик фундаментал монография нашр қилинди².

¹ Ахмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент: Мерос, 1992. 152 бет.; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. - 464 б.; Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. Тошкент, Университет, 2007. - 340 б.; Джаббаров И. Узбеки: Этнокультурные традиции, быт и образ жизни. Ташкент: Шарқ, 2007.; Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011.- 276 с.; Камолиддин Ш. С. Происхождение Саманидов. Ташкент, 2008.; Абдуллаев У.С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари) Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.; Бобоёров Ф. Фарбий Турк ҳоқонлиги давлат тузуми: Тарих фан. док. дисс. автореф. Тошкент, 2012.; Маликов А. М. Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX- начале XX в. Самарканд, 2007. -124 с.; Аширов А., Қаюмов А. Ўзбеклар // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.10-жилд.Тошкент, 2005. 487-492-бетлар.; Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. Самарқанд, 2008.

² Узбеки. Москва.: Наука, 2011.- 688 с.

Айнан мазкур монографиянинг ҳам салмоқли қисми ўзбекларнинг этник тарихини ёритишга бағишиланган бўлиб, бу қисм академик К. Шониёзов томонидан ёзилган¹.

Шубҳасиз, ўзбеклар этногенези ва этник тарихини илмий асосда ўрганишда Ўзбекистон этнологияси фанида ўзига хос мактаб яратган ва қариб 50 йиллик илмий фаолиятини бағишилаган олим Карим Шониёзовнинг бекиёс ҳиссаси бор.

К. Шониёзов ўзининг капитал асари «Ўзбек халқининг шакланиш жараёни»да ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ёритишга ижодий ёндашиб, этнология фанининг назарий ва илмий- методологик асосларига аниқликлар киритди. Буни унинг ўзбек тарихшунослиги олдидаги буюк ютуғи десак, хато бўлмас². Қолаверса, айнан К. Шониёзов Марказий Осиёдаги этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқи шакланиш жараёнига оид жиддий мулоҳазалар ва тарихий асосларга эга ўз назарий-методологик концепциясига эга бўлган тадқиқотчидир.

Ўзбек халқи этник тарихи ва этногенезининг назарий-методологик муаммоларига бағишилаб А.А.Аскаров ва У.Абдуллаевлар томонидан ҳам бир неча мақолалар эълон қилинган³. А. Аскаровнинг этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида бажарган тадқиқотларида кўплаб диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими муаллифнинг “ўзбек халқи этногенезининг бошлангич нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланади” деган концепциядир⁴.

¹ Шаниязов К.Ш. Этническая и политическая история узбеков // Узбеки... С. 14-50.

² Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари // O'zbekiston tarixi. 2002. №4. 54-60-бетлар.

³ Аскаров А. Ўша асар.54-60-бетлар; Абдуллаев У.С. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари // O'zbekiston tarixi. 2002. №1. 60-65.

⁴ Аскаров А.А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари.//Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-

Этногенез ва этник тарих муаммоларини тадқиқ қилишда нафакат тарихчи, этнолог мутахассисларнинг, балки шарқшунос, тилшунос, файласуф олимларнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу борада шарқшунос олимларнинг нашр қилган асарлари ва тадқиқотлари алоҳида дикқатга сазавор бўлиб, тадқиқотчилар томонидан хитой, қадимги туркий битиктошлар, араб ва форс тилидаги манбалар асосида Марказий Осиёдаги турли қабила, уруғ ва халқларнинг этногенези, уларнинг этник жараёнлардаги иштироки, шунингдек, ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланиши таҳлил этилган¹. Бундан ташқари, айнан охирги йилларда Республикада мазкур мавзуга оид илмий семинар ташкил этилганлиги ҳам ушбу йўналиш кейинги йилларда нақадар ривожланганлиги ва муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради².

Хуллас, мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини тарихий йўналишда тадқиқ қилган мутахассисларнинг фаол саъй-ҳаракатлари натижасида биринчидан, совет фани томонидан илгари сурилган ва сўнгги йилларда тарих илмида устувор аҳамият касб этган “ўзбеклар XVI асрда пайдо бўлган” деган гайри илмий ақидага тўлалигича барҳам берилди. Иккинчидан, айнан ўзбекларнинг маҳаллий ўтроқ халқ эканлигини ҳамда минтақанинг қадимиј маданияти ворислари эканлиги исботланди. Учинчидан, тарихий йўналишда бажарилган

методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги республика илмий-назарий семинари материаллари. Тошкент, 2004 йил 19-20 ноябрь. 9-бет..

¹ Қаранг: Хўжаев А. Халқимиз ўтмиши қадимги манбаларда. Тошкент, 2001.: Бобоёров Ф. Марказий Осиёда VI-VIII асрлардаги сиёсий –этник жараёнлар (Ўрхун-Энасой ёзувидаги манбалар асосида). Тарих фан. ном. дисс..автореф. Тошкент, 2003.: Закиров Ш.Т.Арабоязычные источники IX-XII вв. и их значение в изучение этнополитической жизни народов Средней Азии. Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1994.

² Қаранг: Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги республика илмий-назарий семинари материаллари. Тошкент, 2004 йил 19-20 ноябрь.

тадқиқотлар аниқ бир назарий қарашлар, хусусан, этнос назарияси доирасида бажарилганлиги билан ажралиб туради.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, этнос назарияси илк маротоба XX асрнинг 20-йилларида, аникроғи 1923 йилда Хитойнинг Шанхай вилоятида яшаган рус эмигранти С.М.Широкогоров томонидан фанга олиб кирилган. Кейинчалик С.Широкогоров ишларида этнос(миллат)га берилган таъриф П.Кушнер, С.Токарев, Н.Чебоксаров, В.Козловлар тадқиқотларида маълум маънода такомиллаштирилган. Лекин бу назария тараққиётида Ю.Бромлейнинг хизматлари туфайли ўтган асрнинг 80-йилларида этнос назарияси материалистик фундаментдаги яхлит бир тизимли концепция кўринишига эга бўлди. Айнан мазкур назария кейинчалик ўзбекистонлик олимлар, жумладан, К. Шониёзов, А.Асқаров, У. Абдуллаевлар ўзбеклар этногенези ва этник тарихини ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Тўғри, бу назария охирги йигирма йил давомида қатор мамлакатларда, хусусан, Россияда мутахассислар томонидан танқид қилинмоқда ва бу борада илмий нашрларда жуда қизғин баҳс-мунозаралар кечмоқда¹. Лекин ҳар қандай назария ва қараш ҳам яшаш ҳуқуқига эга бўлгани сингари этнос назарияси ҳам бугунги кунда ўз тарафдорларини буткул йўқотган деб бўлмайди.

Энди иккинчи йўналиш, яъни, ўзбеклар этногенези ва этник тарихи ҳақида публицистик йўналишда ёзилган ишларга тўхталсак. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, мустақилликнинг 22 йили давомида ўзбек халқи тарихини ўрганиш борасида А. Иброҳимов, У.Санақулов, А.Шукров, Ў.Носиров, Б.Хайдаровлар томонидан қатор китоблар чоп қилинди².

¹ Бу борада қаранг: Тишков В .А. Реквием по этносу: исследования по социальному-культурной антропологии. М., 2003.

² Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар. Тошкент, 1999; Санакулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ва этник қатламлари. Самарқанд, 2010.; Шукров А. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши ҳақида. Қарши: Насаф, 2010. - 68 бет; Ўша

Бу нашрларнинг аксарияти бадиий-публицистик руҳда ёзилган бўлиб, муаллифлар халқ тарихига бўлган чексиз қизиқиши туфайли ҳам ўзбеклар этногенези ва этник тарихи масаласига мурожаат қилишди. Лекин баъзи ҳолатларда манбавий асосларсиз халқимиз тарихини қадимийлаштиришга ҳаракат қилган. Қолаверса, муаллифлар ўз қарашларини тасдиги тарзида халқ тарихи билан боғлиқ мифологик мазмундаги ривоят ва афсоналарни ёки эҳтирослар асосида публицистик фикрларни баён қилган ва хорижда, хусусан, Россия ва Туркияда чоп қилинган адабиётларга иқтибос қилиш билан чегараланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мустақиллик йилларида драматург, ёзувчи Анвар Шукурнинг ҳам ўзбек халқининг келиб чиқиши этногенези ва этник тарихига бағишлиланган қатор китоблари эълон қилинди. Муаллиф ўзбек этноними ва Ўзбекистон ҳамда жаҳондаги кўплаб топонимлар тарихига оид ўз мулоҳазаларини илгари суриш асосида халқимиз тарихини қадимийлаштирган. Бироқ, келтирилган маълумотларнинг аксарияти эҳтирослар негизига қурилган қарашлардир. Чунончи, муаллиф “ўзбек” этнонимини асоссиз тарзда “Ўғуз + “берк”, “Ўғиз”+ “бўка” сўзларидан ташкил топган”¹, деб ёzádi.

Анвар Шукур “ўзбек” этноними келиб чиқишига оид қарашларини кейинчалик “Т” товушининг товланиши” номли китобида ифодалади. Чунончи, муаллиф “Ўзбек” атамасини Ўзбекхон билан боғлаб бўлмайди. Бу сўз пайдо бўлганига **4000** йилдан ошган”² - деб ёzádi. Қизиғи шундаки, муаллиф ўз фикрининг исботи сифатида бирор-бир тарихий манба ёки илмий адабиётни келтиришни жоиз деб билмайди ва “тарихий илдизларимиз кимлар эканлиги ҳақидаги

муаллиф “Т товушининг товланиши. Тошкент, Чашма-принт, 2012. - 112 бет.; Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. Тошкент, Extremum press, 2011. - 430 бет.

¹ Шукуров А. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши ҳақида ...33-бет.

² Шукуров А. “Т” товушининг товланиши (Эссе). Тошкент: Cashma print, 2012. 5-бет.

изланишларим тарих фани услубларига ҳам, тилишунослик фани услубларига ҳам түгри келмас, балким. Ўқиган билганларимни сұхбаттарда чархлаб олдим. Кейин мантиққа асосланиб ўзбек атамасини келиб чиқиши ҳақида рисолача ёздим.

Кейин билсам, меникига ўхшаши асарни яратиш мүмкінлиги ҳақидаги башоратни Юртбошимиз биз таъкидлаган асарларида билдирган эканлар – деб ёзади. Биз бу жумлаларни ўқиганимиздан сўнг Юртбошимизнинг тарихга оид билдирган фикрлари ва ёзган асарлари билан яна бир бор батафсил танишиб чиқдик.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов доимо чуқур илмий асосга таянган тадқиқотларга суюнган ҳолда ўзбек халқи тарихини ёритиб бериш борасида фикрлар билдириб: “*Ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув зарур*”¹ - деб таъкидлаган. Шу боис А. Шукuroвнинг исботсиз фикрлар билдиришини бизнингча, ҳурматсизлик ва зиёли кишига хос бўлмаган нокамтарлик деб баҳолаш мумкин.

Бошқа бир ўринда, муаллиф *Миср эҳромлари ва Америка ҳиндулари томонидан қурилган пирамидаларни “ўзбекларни аждодлари қурган”* деб даъво қиласи ва *Миср фиръавни Тутанхамон эмас, балки Тўтакхонман*, *Фараон - ФарХОН*, деб ёзади². Ёки яна бир жойда у “*инкларнинг охирги подшоси Атаку АЛП бўлган*”, деб таъкидлайди³. Бу ўринда ўқувчи олдида Анвар Шукур бутун дунё тарихида ўз исботини юз йиллар аввал топган қарашларни қандай ва қайси илмий асосларга таяниб ўзгартиromoқчи? – деган саволлар пайдо бўлиши шубҳасиздир.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

² Шукур А. “Т” товушининг товланиши.... 108-бет.

³ Шукур А. Ўша асар. 109-бет.

Хуллас, ҳозирги тарихий жараёнда этногенез ва этник ҳамда миллий масалада холис илмий асосларга таянилган ёндашувлар ва қарашлар лозим. Шу боис мазкур ўта нозик масалада ҳар бир муаллиф айтган сўзи учун масъулликни англаши зарур. Миллат, мамлакат ҳақида фикр билдиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Президентимиз ҳақли тарзда таъкидлаганлариdek: “*Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик*”¹. Акс ҳолда кенг жамоатчилик фикрини чалғитиш, миллий низо ва адвокатлар ҳамда давлатлар ва этнослараро низоларга олиб келиши мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги орасида кенг баҳс-мунозарапарга сабаб бўлган яна бир асар бу тилшунос олим Ў.Носировнинг “Ўзбеклар шажараси”² номли китобидир³.

Муаллиф китобнинг бошланишидан то якунигача этнограф ва тарихчиларнинг тадқиқотларидан норози кайфиятда асоссиз даъволар ва илмий исботсиз: “Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихига бағишлиланган китобларда, энг аввало, ёш авлоднинг миллий ғурур ифтиҳорига хизмат қилмайдиган, хусусан, миллатимиз ўтмишини бошқа ўзанга буриб юборадиган, “ўз йўриғига солишга” йўналтирилган ўта жиддий муаммолар бугунги кунда ҳам учраб турибди”⁴-деб ёзади.

Бошқа ўринда, “*Бизнинг илмий изланишларимиз натижасида эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан олдинги 2 минг йилликнинг иккинчи ярмидан биринчи минг йилликнинг 8-асрига қадар құдратли Скифия давлати мавжуд бўлгани аниқланди*”, деб ёзади ҳамда ўз фикрларини

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ... 134 бет

² Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. Тошкент: Extremum press, 2011. - 430 бет.

³ Мазкур китоб юзасидан яқинда маҳсус рисола ҳам нашр қилинган. Қаранг: Асқаров А. Бир китоб ҳақида минг эътиroz. Тошкент, 2013. - 82 бет.

⁴ Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси... 8-бет.

туркий халқлар тарихини сунъий тарзда қадимилаштиришга ҳаракат қиласи. Шунингдек, муаллиф томонидан “*Скифия–Турон–Туркистон–Ўзбекистон*”¹ тарзида боғлаган . Бу нима? Ўзбек давлатчилик тизимининг янги талқиними ёки йиллар давомида шаклланган давлатчилик анъаналари қатъий рад қилинишими?

Энг муҳими, бутун қадимий ва антик тарихни фақат скифларга боғлаш илмий холисликдан анча йироқ қараш ҳисобланади. Қолаверса, нима учундир муаллиф Скифия давлати тўғрисидаги қариаб 20 саҳифада билдирган ўз мулоҳазаларида археологик тадқиқотлар ҳақида маълумот бермаган? Китобнинг бошланишидан то якунигача бизнинг аждоларимиз деб эътироф этилган скифлар ҳақида муаллиф “*Скифлар жангда биринчи ўлдирган рақибининг қонини ичишган. Ўлдирилганларнинг бошини кесиб подшоҳга тақдим қилишган ва шу ҳисобдан тақдирланишган. Бошининг терисини шилиб кийимига ишлатишган*”² деб, фахрланиб ёzáди. Умуман олганда, бундай мулоҳазалар асарда бир марта эмас, балки бир неча марта берилган. Муаллиф бу мулоҳазалар орқали **ўзбекларнинг қадим аждоҳлари шунчалик қонхўр ва золим бўлган**, демоқчими? Биз бу талқинларимиз орқали ёшларни қайси томонга бошлаймиз. Ахир бу ҳеч қандай қолипга сиғмайдиган ғайриилмий мулоҳозалар эмасми? Шунингдек, китобда муаллиф ўзига хос мактаб яратган кўплаб олимларни ҳеч бир сабабсиз танқид қилгани ажабланарли ҳол. Чунончи, муаллиф академик Карим Шониёзов ва бошқа қатор муаллифларга нисбатан илмий этикетдан йироқ фикрлар билдириб, уларнинг фикрларини “*думбул фикрлар*”³, “*академик олим қашфиёт қилган лабаротория усули*”⁴, “*академик қашфиёти*”⁵ деб

¹ Носиров Ў. Ўша асар. 37-бет.

² Ўша асар. 73-бет.

³ Ўша асар. 324-бет.

⁴ Ўша асар. 150-бет.

⁵ Ўша асар. 328-бет.

баҳолайди. Шунингдек, К.Шониёзовнинг “Қалам соҳиблари орасида шундайлар ҳам борки, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёғасдан, Ёғаснинг ўғли Турдан ёки Турдан бошлайдилар”, деган мулоҳозасини танқид қилиб, ўзбекларнинг этногенезини Нуҳ пайғамбарга боғлашга ҳаракат қилган¹. Энг муҳими, Ўрта Осиёни “Ҳазрати одам яшаган муқаддас маскан”² дейишдан олдин, антропологик тадқиқотлардан озгина боҳабар бўлиш лозим. Янада қизиқ томони шундаки, муаллиф К.Шониёзовнинг юқоридаги мулоҳазани танқид қилгани учун “бозорда отасини унгири қолиб, бошқа биронинг унгирини тутиб адашган бола каби бошқа йўлга кириб қолганга ўхшайди”, деб ёzáди. Ёки бошқа ўринда академиклар К.Шониёзов ва А.Асқаровларнинг ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, этногенез ва этник тарихини ўрганишда европацентризм назарияси тарафдорлари тарзида танқид қиласади³. Энг муҳими, нима учун муаллиф нафақат мамлакатимизда, балки халқаро илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган хуносаларни тан олмасдан, туркий халқлар тарихини сунъий равишда қадимилаштиришга ҳаракат қилган Мурод Аджи, М. Закиев каби муаллифларнинг издоши тарзида уларнинг китобларида билдирилган фикрларни маъқуллаб, туркий халқлар тарихини ҳеч бир исботсиз Одам Ато даврига олиб боришга ҳаракат қиласади⁴. Бу тарзда тарихни қадимилаштириш ўзбек халқи тарихи ва маънавиятини мустаҳкамлашга эмас, балки миллатчилик кайфиятини кучайтиришга хизмат қиласади.

¹ Ўша асар. 149-бет.

² Ўша асар..182-бет.

³ Ўша асар. 154-155 бетлар.

⁴ Мазкур муаллифларнинг “фолк-хистори” йўналишидаги қарашлари ва ғоялари борасида батафсилроқ қаранг: Аджи М. Европа. Тюрки. Великая Степь. М.: “Мысль”, 1998. -334 с.; Ўша муаллиф. Кипчаки. Древняя история тюрков и Великой Степи. М.: «Типография “Новости“», 1999. 175 с.; Закиев М З. Происхождение тюрков и татар. М.: Инсан, 2002. - 496 с.

Мазкур қарашлардан хулоса чиқариб, шуни таъкидлаш керакки, ўзбеклар этногенези ва этник тарихи муаммоси ҳозирда нафақат тарих фанининг, балки унга ёндош бўлган бошқа ижтимоий фанларнинг ҳам муҳим тадқиқот обьектига айланди. Бу муаммо юзасидан кўплаб тарихчи, манбашунос, археолог, этнограф, санъатшунос, тилшунос мутахассислар ҳамкорлигига нашр этилган “Ўзбеклар” номли китобни мисол тарзда келтириб ўтиш мумкин. Айнан мазкур китоб ўзбеклар этнографиясига оид сўнгги чорак асрдан кўпроқ вақт давомида чоп қилинган энг йирик фундаментал тадқиқот эканлиги ҳамда Марказий Осиё халқлари орасида ҳам илк маротаба айнан “Ўзбеклар” нашр қилингани кишида фахр ва ғурур туйғусини уйғотади. Қолаверса, бу ҳолат ўзбекистонлик олимлар тадқиқотларини дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши билан бирга, ўзбекларнинг халқ тарзда шаклланиш тарихи, маданияти ва маънавияти, бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг ўзлигини дунё ҳамжамиятига тақдим қилинишидир.

Лекин, “гурунч курмаксиз бўлмайди” деганлариdek, сўнгги йилларда мамлакатимизда чоп этилаётган айrim нашрларда тарихий, илмий асосга эга бўлмаган, миллий эҳтирослар асосига қурилган бир томонлама ноилмий фикрлар, энг муҳими ўзининг бутун бир илмий фаолияти давомида ўзига хос мактаб яратган мутахассислар қарашларини асоссиз ривишда танқид қилиниши ҳамда мазкур нашрлар нашриётларда кўп минг нусхаларда нашр қилиниши ҳам тушунарсиз ҳолатдир. Шу боис бизнингча, аввало ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосига алоқадор ҳар қандай китоблар, монографик тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини кенг илмий жамоатчилик иштирокида муҳокамадан ўтказиш, соҳа мутахассисларининг илмий фикрларини ҳисобга олган ҳолда эълон қилиш зарур. Бундан ташқари, халқ тарихи билан боғлиқ тарихий нуқтаи назарлар, илмий фаразлар, доимо миллий эҳтиросларга

берилимаган ҳолда тарихий холисликни, аввало, маълум бир концепция ва илмий манбага асосланган ҳолда фикрлашни талаб қиласди. Айнан мана шу меъёрларнинг бузилиши тарих фанини сохталашибиши ва айрим ҳолатларда миллий низолар ҳамда этнослараро можароларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, араб, форс, хитой, туркий тилларни биладиган ҳамда этнология ва тарих фанининг замонавий йўналишларидан бохабар ёш малакали мутахассислар мактабини шакллантириш зарур. Бу мақсадни амалга оширишда мамлакатимизда турли ОЎЮлари ва академик институтлар доимиий изчил ҳамкорликни янада такомиллашибиши лозим.

Учинчидан, тарихий мазмунда бажарилган тадқиқотлар, хусусан, этногенез ва этник тарих соҳасидаги тадқиқотлар маълум бир концептуал ва назарий асосга эга бўлиб, мавжуд тарихий муаммолар ечимининг тўғрилиги унинг илмий-методологик асоси билан белгиланади. Бу ўринда биз рамзий тарзда ҳалқни ўрганувчи фан тармоғини улкан бир дараҳт деб тасаввур қиласак, этногенез ва этник тарих муаммоси унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дараҳт шунчалик барқ уриб яшнайди. Шу боис ҳозирги ўзбек ҳалқи этногенези ва этник тарихига оид тадқиқотларни манбашунослик, археология, санъатшунослик, тилшунослик, фольклоршунослик каби ёндош соҳа ютуқлари билан бойитиш ва тадқиқотларга илмий асосли концепцияларни асос қилиб олмоқ зарур. Чунки назарий хулосаларсиз ёки тарихий далил-исботларсиз муаммонинг тадқиқ этилиши салбий оқибатларга олиб келиши ва миллий низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Т.ф.д., проф. А.Х. ДОНИЁРОВ
Тошкент давлат шарқшунослик институти

Замонавий этнологияда этномаданият масалалари

Анъанавий халқ маданияти аждодларимиз меросининг таркибий қисми сифатида ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида муҳим ўрин тутади. Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий меросни ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг йўл очилди. Қолаверса, тарихий-маънавий қадриятларни тиклаш анъанавий халқ маданиятини тўлиқ ўрганишга имкон яратади.

Анъанавий халқ маданияти – этносларнинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий ижодий фаолияти натижасида тараққий этган, минг ийллар мобайнида аждодлар фикрлари, тажрибалари, орзуистаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида бирлаштирган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, мураккаблашиб борган бебаҳо мерос ҳамда жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи ва инсонпарварлигини барқарор этувчи халқнинг маънавий камол топишига хизмат қиласиган муҳим омилдир¹. Умуман олганда, этномаданият – этнос (яъни, уруғ, элат, миллат, халқ, аҳоли, омма,) маданияти ҳисобланади. Этномаданият тушунчаси тарихий жараёнда уруғ, элат, миллат маданиятининг ривожланиши ва шаклланишини акс эттиради. Анъанавий маданият эса айнан этник маданиятнинг тарихий жараёнда шаклланган, синалган ва анъанага айланган, авлоддан - авлодга мерос бўлиб ўтаётган муҳим қисми сифатида намоён бўлади ва унинг тарихий-маданий ҳусусиятлари қуидагиларда акс этади:

¹ Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият. Тошкент, 2003. 9-бет.

1. Этнослар табиий ва тарихий маънавий эҳтиёжлар асосида вужудга келади.

2. Ўз моҳияти ва хусусияти, шаклига ва мазмунига эга бўлиб, ҳаётй жараёнлар билан боғланиб кетади.

3. Халқ ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб, турмушнинг ажралмас қисмига айланади;

4. Маънавий – тарихий эҳтиёж сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади ва даврлар оша тараққий этади.

5. Жамиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Маълумки, этномаданият халқ анъанавий маданиятининг яхлит ва кўпқиррали ҳодисаси сифатида ўзининг *тузилиши*, *шаклари*, *кўринишларига* эга. Шу боис, этномаданият умум қабул қилинган қуйидаги таркибий қисмлардан: халқ донишмандлиги, халқ эътиқоди, халқ фалсафаси, халқ урфодатлари, халқ кийимлари, халқ турар жойлари, халқ таомлари, халқ педагогикаси, халқ ижоди, халқ ўйинлари, халқ меъморчилиги, халқ амалий санъати, халқ турмуш маданияти, халқ дам олиш маданияти (*анъанавий халқ байрамлари*, *сайллари*, *ва бошқа гап-гаштаклар*), халқ табобати каби соҳаларни ўз ичига олади.

Ўзбеклар этномаданий жараёнларида этногенез, этник тарих, этник идентиклик, этнодемография, ассимиляция, консолидация, анъанавий хўжалик, моддий ва маънавий маданият, трансформация, этник ўзликни англаш, этноконфессиал мансублик, этнолингвистика, этнопедагогика, этнопсихология, маданий муҳит, жамоавий ва оилаский муносабатлар, маҳалла, урф-одатлар, маросимлар, анъанавийлик ва модернизация жараёнлари қоришиқ бўлади. Демак, ушбу муаммоларни ўрганиш орқали ҳар бир ижтимоий тарихий жараёнга назар солсак, уни тарихий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳам, моҳиятан тушуниш ва самарали ечимини топиш ҳам мумкин бўлади. Бу эса ўзбек этномаданиятини тадқиқ қилишда бир неча йўналиш ва илмий-назарий концепциялар, яъни тарихий-археологик

ёндашув, мифологик диний ёндашув, социолингвистик ёндашув, иқтисодий-формацион ёндашув, фольклористик ёндашув, жүгрофий-этнографик ёндашув, ижтимоий-педагогик ёндашув, бадиий-эстетик ёндашув, цивилизацион ёндашув, социологик ёндашув, фалсафий-маданий ёндашувлар ва бошқалар асосида ажратиб ўрганилади. Бунда, асосан, тарихий жараённи ўрганишда билиш ва мулоҳазалаш алоҳида ўрин тутади. Билиш илмий-назарий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, биринчидан фактларни билишга, иккинчидан фактлар ўртасидаги умумий боғлиқликларни ўрганишга қаратилади¹. Бундан ташқари, ақлий ҳаракатга йўналтирадиган билиш ҳам мавжуд бўлиб, ўзига хос объектив ёки ижтимоий-амалий йўналишга эгадир. Берtrand Рассел шунинг учун ҳам инсон билимлари ноаниқ ва чекланган деб кўрсатади².

Этномаданият халқнинг, миллатнинг узоқ ижтимоий тарихий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари, турмуш тарзи, тили, урф-одатлари, ташқи дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш, ўзини ва ўзлигини идрок этиш, англаш усуллари, хуллас, этноснинг, миллатнинг мавжудлигини ифода этувчи ижтимоий воқеликдир.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий воқелик, айниқса инсон ва халқ ҳаётининг барча томонларига тааллуқли маданият кўп омиллилик, комплекслик, синкреметлилик, универсаллик, турғунлилик ва ўзгарувчанлик хусусиятларига эга. Маданиятнинг ушбу хусусиятларини англамай туриб, унинг ижтимоий-тарихий тараққиётидаги ўрнини, ички тузилишини, функцияларига оид белгиларни билиб бўлмайди. Чунки, жамият ва маданият айнан бўлмасада, жамиятнинг ҳамма соҳаларида маданият мавжуддир³.

¹ Рассел Берtrand. Человеческое познание его сфера и границы. М.: Иностранный литература, 1957. С. 455.

² Рассел Берtrand. Кўрсатилган асар. 456-бет.

³ Шермуҳамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. Фарғона, 2000. 26-бет.

Шундай экан, жамият ривожининг маданият ривожланишига таъсирини ва у қандай амалга ошганини билмай туриб, маданиятнинг моҳиятини ҳам тўлиқ англаб бўлмайди. Агар ушбу ёндашувни этномаданиятга нисбатан қўлласак, маданият ривожини этноснинг шаклланиши билан ретроспектив тарзда кузатиш тўғри бўлади. Чунончи, этноснинг шаклланиши жараёнииз этномаданият йўқ ва ривожланмайди.

Этногенез масалаларига эътибор қаратадиган бўлсак, ер юзидағи барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам тарихан қадимда ва ўрта асрларда турли номлар билан аталган қабила ва элатлардан шаклланган¹. Ўзбек халқи этномаданиятига хос белгилар ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ кўзга ташланиб, кейинги тарихий-ижтимоий тараққиёт босқичларида ҳам яққолроқ намоён бўла борди, хусусан, бу халқларнинг ярим кўчманчи, кўчманчи, ўтроқ ва ярим ўтроқ турмуш тарзига ўхшаш белгиларида кузатилади². Жумладан, академик К.Ш.Шониёзов ёзганидек, “Этнография фанида элат (миллат)ни белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд: ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматнинг умумийлиги, онг тизими, этноснинг уюшқоқлиги, маълум бир давлат доирасида бўлиши, ўз этник номи (этноними)га эга бўлиши, дин умумийлиги ва бошқа бир қанча аломатлар мавжуддир. Албатта, бу аломатлар ҳар бир этносни шаклланишида иштирок этиши лозим бўлган. Аммо амалда буларнинг барчаси элат шаклланаётган кезларда муайян бир вақтда ҳозир бўлиши ёки бир вақтда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлмаган. Этник аломатларнинг бири, балки бир нечтаси бир вақтда содир бўлса, бошқалари эса бошқа даврда содир бўлиши мумкин. Маълум бир этноснинг пайдо бўлишида тил асосий роль ўйнаган бўлса, иккинчи бир

¹ Толстов С.П. Древняя культура Узбекистана. Ташкент, 1943. С. 5.

² Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Ташкент: Узбекистан, 1968. С. 8-9.

элатнинг пайдо бўлишига хўжалик, учинчисида эса моддий маданият етакчи аломат бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас”¹. Демак, этномаданият этногенезда ҳам муҳим омил бўлиб, бироқ унинг барча компонентлари бир вақтда тўла намоён бўлавермайди. Этноснинг ижтимоий-тарихий тараққиётда муҳим ўрин олиши билан этномаданий белгилар ва этноснинг ўзига хос хусусиятлари кўзга ташлана боради. Қолаверса, ўзбек халқи этномаданиятидаги ўзига хос бундай хусусиятларни моддий ва маънавий², ижтимоий, бадиий-эстетик, аҳлоқ, хулқ-атвор, имо-ишора, майший ҳаёт³ каби кўринишларда аниқлаб ўрганиш мумкин.

Этномаданият масалаларини этносоциологик жиҳатдан ёндашиб тадқиқ қилган С.А.Арутюнов, уни инсоннинг микрокесимида кечадиган маънавий ва моддий маданиятлар тизимиға ажратиб қарашни таклиф қиласди. Шу билан бирга, у икки тизимни уйғунлаштириб, диалектик боғлаб келувчи жисмоний ёки инсоний “вужудий ҳатти-харакатлар маданияти” ҳам бор деб кўрсатади⁴. У ушбу тизимлар борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш, инсон ўзини англаш ва шакллантириш, истеъмол қилиш (*озик-овқатдан тортиб бадиий-эстетик асарлардан ҳузур олишгача*), кишилараро муносабатларни ва жамиятдаги иерархик боғлиқликни таъминловчи мулоқот (коммуникация) норматив функцияларни бажаради⁵, деб ҳисоблайди. У этномаданиятни бундай классификация қилишда албатта, назарий концепцияларга таянади.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақасида этнослараро ва миллатлараро маданий интеграциялашув таъсирида тарихий-маданий ва маҳаллий анъаналар йўқолиб

¹ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. № 6. 33-бет.

² Қаранг: Философская энциклопедия. М., 1983. С.292-295.

³ Қаранг: Соколов Э.В. Культура и личность. Л., 1972. С. 67.

⁴ Арутюнов С.А. Народ и культура. Развитие и взаимодействие. М.: Наука. 1989. С. 129.

⁵ Арутюнов С.А. Кўрсатилган асар... 130-бет.

борди. Айни пайтда этник гурухлар ва маданиятлааро ҳамкорликнинг ривожланиши, глобаллашувнинг кучайиши натижаси ўлароқ миллий ўзига хосликка қизиқиш ортиб борди. Бу эса бугунги кунда халқларнинг маданий хилмачиллиги ва ҳар бир халқ ўзига хос маданий хусусиятларини сақлаб қолишга интилишини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихий томирларидан куч олган ўзбек халқи маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш-тарзида ўзига хос уйғониш ва янгиланиш палласига қадам қўйди, ўзбек халқининг этник ўзликни англаш, этник идентикилиги ва ушбу масалаларни тадқиқ ва талқин қилиш янгича мазмун касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир этноснинг ўзига хос хусусиятлари (*этномаданияти*), уларнинг нега, нима учун ва қандай эҳтиёж туфайли айнан ушбу халқقا мансублигини ўрганиш ва бу орқали бошқа этнослардан фарқли жиҳатларини аниқ ажратган ҳолда кўрсатиб бериш-замонавий этнологияда этномаданият масалаларини тадқиқ қилишда асосий мезон бўлиши керак.

Т.ф.д. У.С. АБДУЛЛАЕВ
Андижон машинасозлик институти

Этнос хўжалик фаолияти билан боғлиқ айrim назарий масалалар

Хозирги кунга келиб ўзбекистонлик элшунослар томонидан халқимизнинг этногенези ва этник тарихи, бу ҳудуддаги анъанавий ва замонавий этник жараёнларнинг турли масалаларига бағишлиланган қатор мавзуларда жиддий тадқиқотлар олиб борилдики, қўлга киритилган натижа ва илмий хулосалар кўплаб хорижлик ҳамкасларимиз томонидан эътироф этилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоиз, айни пайтда бажарилаётган илмий тадқиқотларда масалаларнинг назарий жиҳатларига

кам эътибор қаратилаётгани ҳам сезилиб қолмоқда. Бу ҳолат этнология соҳасида бажарилаётган илмий ишларнинг савиясига таъсир қилади. Шундай бир шароитда анъанавий ва замонавий этник жараёнларни тақиқ этишда унинг назарий томонларига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. Шу ўринда биз қуида этнос хўжалик фаолияти билан боғлиқ айrim назарий масалаларни Фарғона водийси материаллари асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай этноснинг турмуш тарзи ва маданий хусусиятлари, хусусан хўжалик юритиш маданияти мазкур этник жамоа яшаётган ҳудуднинг табиий-географик шароитига билан узвий боғлиқ бўлади.

Маълумки, Фарғона водийси бир қатор хусусиятлари билан, хусусан, табиий-географик шароитига кўра Марказий Осиёning бошқа тарихий-этнографик вилоятларидан фарқланиб туради¹.

Фарғона тоғлар орасида жойлашган водий. Унинг ҳудуди шимоли-ғарбдан Курама ва Чотқол, шимоли-шарқдан эса Фарғона, жанубдан Олой ва Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган. Фарғона водийси ҳудудини текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига ажратиш мумкин. Тоғолди зоналари, асосан, адирлардан иборат бўлиб, жанубда Конибодом, Шўрсув, Риштон, Чимён, Аввал, Муян, Сўх, Кипчағай, шарқда Навқат, Хўжаобод, Қува, Андижон, шимолда Наманган, Чуст, Поп, Қўқумбой, Ертикан, Сарсончўп каби адирлар Фарғона водийси текислик қисмини ҳалқасимон тарзда ўраб туради².

Фарғона водийсининг иқлимий хусусиятлари унинг географик жойлашиш ҳолатидан келиб чиқади. Бу ҳолат, аввало, йирик ва баланд тоғ тизмалари орасида жойлашганлиги ва берк ҳолати совуқ ҳаво оқимларининг

¹ Қаранг: Акрамов З.М. Фарғона водийси. Тошкент, 1957.

² Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Наманган, 2000.18-бет.

түғридан-түғри кириб келишига йўл қўймайди ҳамда нисбатан барқарор об-ҳаво шаклланишига олиб келади.

Водийнинг бундай ўзига хос географик ўрни ва унинг табиий шароити қулайлиги бу ҳудудда кечган этник жараёнларни, хусусан, аҳоли хўжалиги ўзига хос йўналишда ривожланиши учун сезиларли таъсир кўрсатган. Натижада XIX аср бошларига келиб бу ҳудудда бир неча “хўжалик-маданий тип”лар таркиб топган.

Дарвоқе, элшунослик фанида инсон хўжалик фаолиятини таснифлаш борасида ўзига хос тамоил ишлаб чиқилган ва бу “хўжалик-маданий типлар” номи билан илмий истеъмолга киритилган. “Хўжалик маданий типлар” деганда муайян табиий-географик шароитда ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир хил даражасида яшовчи халқлар учун характерли бўлган хўжалик ва маданиятларнинг тарихан таркиб топган мажмуи тушунилад¹. Демак, “хўжалик-маданий типлар” тушунчаси шунчаки хўжалик типлар тушунчасидан фарқ қилиб, қуидаги жиҳатлари билан унга нисбатан кенгроқ маъно касб этади:

Биринчидан, ўхшаш географик муҳитда яшовчи, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши жиҳатидан бир хил даражада турган турли этносларда ҳам, гарчи улар бошқа-бошқа ҳудудларда яшасалар-да, айнан бир хилдаги хўжалик-маданий тип таркиб топиши мумкин.

Иккинчидан, у ёки бу ҳудудда мавжуд бўлган хўжалик-маданий тип маълум тарихий изчиллик касб этади, яъни аниқ бир тарихий шароитда бир тип асосида бошқаси ривожланиши ҳам мумкин.

Учинчидан, ҳар бир хўжалик-маданий тип учун хос бўлган маданият хусусиятлари аввало, ушбу тип мавжуд

¹Левин М.Г. Чебоксаров. Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области (К постановке вопроса) //СЭ. 1995. №4. С.3-17; Андрионов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и проблемы их картографирования // СЭ. 1972. №2; Андиранов Б.В. Хозяйственно-культурные типы и исторический процесс//СЭ. 1968. №2; С. 32-37.; Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А. Народы, расы, культуры... М., 1971.

бўлган географик шароитдаги хўжалик йўналиши билан белгиланади. Яъни, этнос хўжалик фаолиятининг асосий йўналиши кўп жиҳатдан унинг турмуш тарзини ва у билан боғлиқ муҳим этнографик жиҳатларини белгилайди.

“Хўжалик маданий типлар” илмий концепциясига илк бор С.П. Толстов томонидан асос солинган. У ўзининг бир қатор асарларида, хусусан, «Очерки первоначального ислама» номли мақоласида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига хос хўжалик-маданий типларни таърифлаб берган эди¹. Кейинчалик ушбу илмий концепция қатор археолог ва этнографлар томонидан ижодий ривожлантирилди. Айниқса, М.Г. Левин ва Н.Н. Чебоксаровларнинг 1955 йилда чоп этилган «Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области» номли мақоласида ушбу масала ўзининг тўла ифодасини топди². Мақола мазкур илмий концепцияни ер шарининг қатор минтақаси халқлари учун ҳам ишлаб чиқилишига асос бўлди. Хусусан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихий-этнографик атласини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда ушбу минтақа халқларининг этнографик материаллари асосида хўжалик-маданий типлар янада чуқурроқ ўрганилди.

Бу соҳадаги илмий изланишлар натижасига асосланиб тадқиқотлар XIX–XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида яшаётган аҳолини қуидаги уч етакчи хўжалик-маданий типга мансуб эканлигини кўрсатиб ўтадилар. Яъни, ўтроқ дехқонлар, яримўтроқ аҳоли ва кўчманчи чорвадорлар. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, улар бир қатор хўжалик-маданий хусусиятлари билан, жумладан, этнографик жиҳатларига кўра ўзаро фарқланганлар.

¹ Қаранг: Толстов С.П. Очерки первоначального ислама //С.Э. 1932. №2. С. 163-164.

² Қаранг: Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области // СЭ. 1995. №4. С. 3-17.

Чунончи, ўтрок дехқонлар хўжалигининг асосини ерни шудгорлаб, сунъий суғориш йўли билан дехқончилик қилиш ташкил этади. Дехқончилик билан доимий машғул бўлиш, албатта аҳолининг мазкур қисми учун турғун ҳаёт кечиришни тақазо этган. Бу эса ўз навбатида ўтрок маданият қарор топишига олиб келган. Яъни ушбу хўжалик-маданий типга мансуб аҳолида доимий типдаги тураг-жойлар шаклланган, кийим-кечаклар асосан ип-газламадан тайёрланиб, озиқ-овқат рационида эса дехқончилик маҳсулотлари устувор бўлган.

Яримўтрок хўжалик-маданий типга мансуб аҳоли эса бир вақтнинг ўзида чорвачилик, дехқончилик ва баъзан (табиий-географик шароитдан келиб чиқиб) балиқчилик билан ҳам машғул бўлганлар. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг хўжалиги мажмуавий характерда бўлган. Одатда, аҳолининг ушбу қисми асосан сунъий суғорилмайдиган лалми (ёки баҳори) ерларда дехқончилик қилиб, айни вақтда дехқончилик воҳаларининг атрофидаги яйловларда ўз чорваларини ҳам боққанлар¹.

Яримўтрок хўжалик-маданий типга мансуб аҳоли хўжалиги чорвачиликдан дехқончилик сари тобора ривожланиб, дехқончилик устуворлик касб қила борган бўлса-да, XIX–XX аср бошларида аҳолининг ушбу қисми учун хос турмуш тарзи ва бу билан боғлиқ ҳолда қарор топган этнографик хусусиятлар сақланиб қолган эди. Чунончи, маскур хўжалик-маданий типга мансуб этнослар хўжалик фаолиятида дехқончилик тобора етакчи аҳамиятга эга бўлиб борсада, чорвачилик хўжалигини юритиш анъаналари ҳам яхши сақланган ва унга эътибор катта эди. Бошқача қилиб айтганда, чорвачиликдан олинадиган даромад ҳали оила эҳтиёжининг катта қисмини қондирап эди.

¹ Андрианов Б.В. Хозяйственно-культурные типы Средний Азии и Казахстана // Народы Средний Азии и Казахстана. М., 1963. Т. I. С.32-37.

Яримўтрок хўжалик-маданий типга мансуб этнослар моддий маданиятиниң ўзига хослиги шундан иборат эдики, бунда бир вақтнинг ўзида анъана ва инновацияниң уйғунлашуви кузатилади. Яъни кўчманчи чорвадорларга хос маданият ва ўтрок маданият симбиози шаклланади. Яримўтрок аҳолининг анъанавий кўчмас уй-жойларида астасекин ўтрок маданитга хос белгилар шакллана борган. Бундай ҳолат кийим-кечакларда, қолаверса моддий маданиятиниң бошқа компонентларида ҳам намоён бўлган.

Маълумки, Ўрта Осиёning бепоён чўл ва дашт ҳудудларида қадимдан турли этник номлар билан аталувчи кўчманчи чорвадор қабилалар истиқомат қилишган. Мазкур этнослар хўжалигида чорвачилик етакчи ўрин эгалаган. Кўчманчи чорвадор аҳолида ўзига хос маданий-маиший хусусиятлар қарор топиб, асрлар давомида анъанавийлик касб этиб келган. Вақтинчалик уй-жойларни тиклаш, кийим-кечак ва таомларни тайёрлашда асосан чорва маҳсулотларидан фойдаланиш анъанаси ушбу халқлар анъанавий маданиятиниң асосий хусусиятларидан бири эди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган хўжалик-маданий типлар ўз ўрнида қатор турларга ажralади.

Бевосита, Фарғона водийси аҳолисини XIX-XX аср бошларида хўжалик-маданий типлар бўйича икки гуруҳга – ўтрок дехқонлар ва яримўтрок (яримкўчманчи) чорвадор-дехқонларга ажратиш мумкин. Маълумки, Фарғона водийси Марказий Осиёning энг қадимги ўтрок дехқончилик маданияти ривожланган ўлкаларидан бири ҳисобланади¹.

XIX аср бошларида водийдаги суғориладиган ерлар асосан Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Араван, Оқбўйра, Куршоб, Қорадарё, Норин, Косон, Ашт каби дарё ва сой қирғоқларидағи дехқончилик воҳаларида

¹ Қаранг: Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИИ. 118. М.;Л., 1962.

жойлашган эди. Ушбу воҳаларда яшовчи аҳоли асосан суғорма дехқончилик билан машғул бўлган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, узоқ вақт мобайнида юқорида кўрсатиб ўтилган дехқончилик воҳалари сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир-биридан алоҳида-алоҳида тарзда мавжуд бўлиб, одатда у ердаги ер-мулклар маълум бир шахснинг хусусий мулки ҳисобланар, ишлаб чиқариш асосан яrim натурал характер касб этарди.

Кўкон хонлиги ташкил топиши ва у марказлашган давлатга айланиши, қолаверса, хонликнинг иқтисодий жиҳатдан мавқеи кучайиши бу ҳудудда муҳим иқтисодий ўзгаришларга, чунончи, ирригация тармоқларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда суғорма дехқончилик янада ривожланишга олиб келди. Бу эса водий ҳудудидаги барча воҳаларни ўзаро иқтисодий жиҳатдан ҳам бирлаштириди. Турли табиий-географик зоналарда жойлашган водий аҳолиси орасида иқтисодий ва маданий алоқалар авж олди. Ўтрок дехқон ва чорвадор аҳоли орасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан, товар айрибошлиш янада кенгроқ қўламда ривожланди. Фарғона водийси энди яхлит бир иқтисодий-сиёсий ҳудудга айланди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган дехқончилик воҳалари атрофида жойлашиб қолган турк, юз, қипчоқ қирғиз ва қорақалпоқ каби яримўтрок (яримкўчманчи) этник жамоа вакилларида XIX–XX аср бошларида чорвачилик хўжалигини юритишнинг турлича усуллари мавжуд эди. Аввало, чорва молларини боқиши ва назорат қилиб туриш тарзига қараб чорвачиликни икки мустақил тармоққа – яйлов чорвачилиги ва хонаки (*боғлаб боқиладиган*) чорвачиликка ажратиб кўрсатиш мумкин.

Яйлов чорвачилиги учун характерли бўлган асосий хусусият – бу чорвани йил бўйи (ёки йилнинг кўп вақтида) яйловдаги ўтлар билан озиқлантиришdir. Унинг эгаси эса бу

даврда ўз оиласи ёки оила аъзоларининг бир қисми билан чорва жойлашган яйловда яшайди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, узоқ вақт мобайнида бир гурӯҳ тадқиқотчилар томонидан чорвадор халқлар билан ўтрок дехқон, ҳунарманд аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларга, асосан, бир ёқлама баҳо бериб келинди. Яъни гўёки бу муносабатлар фақат урушлардан, кўчманчи қабилалар томонидан ўтрок дехқон, ҳунарманд аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож этишдангина иборат бўлган, деб қаралди¹. Албатта, бу нотўғри хулоса. Аксинча, тарихий тараққиётнинг илк босқичларидан бошлабоқ чорвадор кўчманчи аҳоли билан ўтрок аҳоли ўртасидаги муносабатлар хўжалик алоқалари асосида қарор топиб борган. Шундай бўлиши табиий ҳам. Негаки, чорвадор хўжалик билан дехқон ва ҳунарманд хўжалик ўзаро боғланмасдан, алоҳида-алоҳида тарзда мавжуд бўлаолмас эди. Чорвадор доимо ўтрок аҳоли томонидан ишлаб чиқилган дехқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёжманд бўлганлар. Айни вақтда, уларнинг ўзлари ҳам ўтрок аҳоли яшайдиган воҳаларни гўшт, тери ва жун сингари чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар. Бир сўз билан айтганда, ўтрок дехқон, ҳунарманд аҳоли ва кўчманчи чорвадор қабилалар ўртасида маҳсулот айрибошлиш қадимданоқ йўлга қўйилган. Бундай шароитда икки хил хўжалик-маданий типга мансуб этнослар орасидаги ўзаро муносабатлар, асосан, ижобий характер касб этганлигига шубҳа йўқ.

¹ Бундай нуқтаи назар, айниқса америкалик тарихчи Р. Пайпс асарида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Қаранг: Pipes. R Muslims of Soviet Central Asia: trends and prospects. The Middle East Journal. Vol. 9, № 2,3. Washington.

Т.ф.н. А.Р. КАЮМОВ
ЎзР ФА Тарих институти

Замонавий хўжалик муносабатларини ўрганишда янгича ёндашувлар ва методлар

Ўзбекистон мустақил Республика сифатида тан олинган дастлабки йиллардан бошлаб аграр масалани ҳал этишга асосий эътибор қаратилди. Узоқ давр ҳукмрон бўлган ерга ижтимоий мулкчилик шакли, бошқарувда маъмурий буйруқбозлик тизими ва хўжалик юритиш шаклларида жамоа ва давлат мулки, қатъий белгиланган давлат буюртмаси, давлат таъминоти, нархни давлат томонидан бошқарилиши қишлоқ хўжалигида инқирозни юзага келтирган эди. Ўзбекистонда юзага келган бу каби аграр масалани қатор аграр ислоҳотлар асосида ҳал этишга киришилди.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан бошлаб собиқ давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида хусусий мулкчиликка асосланган нодавлат хўжалик юритиш шакллари вужудга кела бошлаган эди. Турли хўжалик юритиш шакллари орасида *ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари* истиқболли деб топилиб, улар ўзаро рақобат ва тенг ҳуқуқли фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Замонавий қишлоқларнинг хўжалик муносабатлари: деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, қурилиш, тадбиркорлик соҳаларидағи ўзгаришлар ва инновацияларни этносоциологик жиҳатдан кам тадқиқ этилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқларидаги аграр муносабатлар, бозор иқтисодиёти тамоиллари ва ҳозирги глобаллашув жараёнлари таъсирида қишлоқ аҳолисининг хўжалигидаги ўзгаришларни этносоциологик жиҳатдан таҳлил этилиши нафақат илмий, балки айни пайтда амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Шу мақсадда замонавий хўжалик муносабатлари масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда этнология ва

социологиянинг тадқиқот услубларини бир мақсадда умумлаштирилган ҳолда қўлланилиши қўйилган масалага ўзига хос янгича ёндашувни юзага келтиради. Албатта, расмий ҳужжатлар, статистик маълумотларни ўрганиш билан биргаликда, тадқиқотчидан шахсий кузатув, интервью, анкета саволлари ўтказиш услубларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Ушбу масалаларни ўрганишда мавзунинг қуидаги жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши мақсага мувофиқ ҳисобланади:

- мустақиллик йилларида аграр ислоҳотларни ўзбек қишлоқлари аҳолисининг ҳаёт таризга таъсири, хусусий мулк эгалигини шаклланиши масаласининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш;
- замонавий қишлоқларда янгича аграр муносабатлар ривожланиши билан шакллана бошлаган турли даражадаги мулк эгалари бўлган ижтимоий стратларни аниқлаш ва уларнинг мулкка бўлган муносабатларини ўрганиш;
- ўзбек қишлоғи аҳолисининг деҳқончилик хўжалиги ва унинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар, деҳқончилик хўжалигининг маҳсулдорлиги ва маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳамда аҳолининг иқтисодий манфаатдорлиги масалаларига эътибор қаратиш;
- қишлоқ мулкдорлари – фермер, деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалиги ҳамда ижараби деҳқонларнинг янгича аграр муносабатлар ва инновацион жараёнларга бўлган муносабатини этносоциологик тадқиқотлар асосида ўрганиш;
- деҳқончиликда техника экинлари (пахта), сабзавотчилик, дон ва дуккакли экинлар ҳамда боғдорчиликдаги иқтисодий манфаатдорликни, қизиқишларни бевосита интервью орқали аниқлаш;
- деҳқончиликнинг ташқи ва ички бозор талаблари, табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва бу жараёнларга кишиларнинг ижтимоий мослашувчанлик механизмини очиб бериш;

— дәхқончиликда ижтимоий мулкчиликдан хусусий мулкчиликка ўтилиши билан халқ анъаналари, фенологик билимлар ҳамда анъанавий агортехника, мелорация, селекционерликнинг самарали ва илғор услубларидан қандай даражада фойдаланилаётганлигини этнологик кузатишлар орқали таҳлил этиш;

— қишлоқларда чорвачилик хўжалиги ва унинг хўжалик-маданий хусусиятлари, чоравга бўлган давлат ва ижтимоий мулкчиликнинг барҳам топиши, ер ва дәхқончиликка нисбатан чорвачиликда хусусий мулкчиликнинг қатъийлашуви, оилавий-сулолавий чорвачиликнинг ривожланиш омилларини этносоциологик тадқиқотлар асосида аниқлаш;

— чорвачиликда яйловларга эгалик қилиш ва яйловлар ареалининг кенгайиш ва аксинча торайиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таъсири каби омиллар натижасида ўзига хос анъаналарнинг шаклланиш масалаларини ёритиши.

Фарғона водийсининг Миндон қишлоғи Олой тоғ этакларидаги кенг текисликда жойлашган. Асосий сув манбалари Олой тоғларидан оқиб келадиган Шоҳимардонсойдан кўплаб ирригация тармоқлари ёрдамида суғорилган. Қишлоқ Ўзбекистоннинг Қирғизистон Республикаси билан чегара минтақаларида жойлашган. Асосий сув манбалари қўшни республика ҳудудида жойлашган бўлиб, трансчегаравий сув манбаларига боғлиқ ҳолда барқарор бўлмаган дәхқончилик хўжалиги шаклланган. Шунингдек, дәхқончиликдан самарали фойдаланиш ёғингарчиликнинг йиллик миқдорига ҳам боғлиқ бўлиб, ҳар йили ҳам об-ҳаво қулай келавермайди. Шу сабабли ҳам дәхқончиликнинг самарали ривожланиши учун артезан қудуқларидан фойдаланиши кўзда тутувчи Давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, ер эгалари бўлган қишлоқ мулкдорлари ҳам ўз сармояларини артезан қудуқларини ташкил этишга қаратдилар.

Миндон қишлоғида томорқа хўжалиги, дехқон хўжалиги ва фермер хўжалиги кўринишидаги мулк эгалари мавжуд бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳар бирининг ўзига хос ўрни бор. Томорқа хўжалиги ва дехқон хўжаликларининг асосий машғулотлари – полиз экинлари, боғдорчилик, айниқса ўрик, узумнинг хилма-хил навларини етиштиришга ихтисослашган.

Миндон қишлоғида ширкат хўжаликлари ўрнида дастлабки фермер хўжаликлари 2001 йилда ташкил этила бошлаган. Унда фермерлар 10-12, 15 гектар ер майдони билан ўз фаолиятларини бошлаган. 2005 йилдан кейин эса ер майдонлари кенгайтирилиб, камида 25 гектар ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликлари қайта ташкил этилди. 2009 йилда фермер хўжаликларини оптималлаштириш ва қолоқ фермер хўжаликларини тугатиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан фермер хўжаликларининг ер майдонлари янада кенгайтирилди. Уларнинг жами ер майдони 1055, 0 минг гектар бўлиб, шулардан буғдой 502,0 гектар, пахта майдонлари эса 438 гектарни ташкил этади.

Шунингдек, Миндон қишлоғида 29 нафар боғдорчилик фермер хўжаликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга жами 229,3 гектар ер ажратилган. Миндондаги фермер хўжаликларининг ер майдонлари 2009 йилдаги оптималлаштиришдан кейин қайта тақсимланди. Унга кўра Миндон қишлоғига тегишли бўлган Миндонобод қишлоғи ер майдонидан ҳам ер ажратилди. Аммо бу ерлар ҳосилдорлиги паст ва сув ресурслари кам бўлганлиги учун Миндондаги илғор фермерларнинг рентабеллигига ҳам таъсир ўтказди. Аслида Миндонобод тақир ерлар бўлиб, ўтган асрнинг 80-йилларида ўзлаштирилган ва Қирғизистон ҳудудидан яқин йўл орқали ўтилган. Бироқ, бугунги кунда фермерлар Миндонободга 70 км йўл босиб, Фарғона шахри орқали қатнашади. Бу ҳолат Миндонлик фермерларга катта қийинчиликлар туғдиради. Миндонобод ер участкасидаги ерларнинг ҳосилдорлиги ҳам

Миндондаги ерлардан нисбатан паст бўлиб, фермерларнинг рентабл кўрсаткичларига таъсири кўрсатади.

Миндонда фермерлик билан биргаликда томорқа хўжалиги ва деҳқон хўжаликлари ҳам ривожланган бўлиб, айниқса боғдорчилик етакчи ўринни эгаллаган. Буни этносоциологик тадқиқот натижаларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, “Хусусий мулкнинг қайси шакли Сизни қониқтиради?” деган саволга респондентларнинг 34 % томорқа хўжалиги, 32 % хусусий деҳқон хўжалиги ва 30% фермер хўжалиги деб жавоб берганлигининг ўзи ерга эгаликнинг хусусий шакли қандай даражада ривожланганлигини кўрсатади¹. Боғдорчиликда ўрик, кейинги ўринда узум сердаромад ҳисобланади. Миндонликлар узум ва ўрикнинг янги харидоргир, бозор талабларига жавоб берадиган навларини экиб, нафақат ички истеъмол учун, балки кўп миқдорда Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари, МДҲ мамлакатларига экспорт қилиш даражасида катта маҳоратга эга бўлганлар. Бу меваларнинг юқори товарлилик даражасига эга бўлиши мииндонликларнинг манфаатдорлик даражасига боғлиқdir. Миндонда ҳафтанинг ҳар шанба куни ўрик пишиқчилиги даврида улгуржи бозор бўлиб, ўрикни қуритиш, унга қайта ишлов бериш билан шуғулланадиган тадбиркорлар кўп миқдордаги ўрикни сотиб олишади. Миндонлик тадбиркорлар ҳатто Фарғона водийсининг бошқа минтақалари ҳамда Бухоро, Самарқанд вилоятларидан ҳам ўрик йифиб олишиб, қайта ишлов бериб, кўп миқдорда экспорт қилиш билан шуғулланадилар. Ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда, қуритилган ҳолдаги ўрик олди-соттиси ҳам миндонликларга катта фойда келтиради. Албатта, ўрик ва узумнинг кўп сув талаб қилмаслиги ҳам Миндондаги сув танқислиги учун айни муддао бўлган.

¹ Фарғона вилояти Миндон қишлоғида ўтказилган этносоциологик тадқиқот натижалари. 2013 й.15.08.2013-15.09.2013. 4-бет. 6-жадвал.

Этносоциологик тадқиқот натижалариға мурожаат қилганимизда ҳам 59 % респондентлар боғдорчилик маҳсулотлари кўпроқ фойда келтиради ва товарлилик даражаси юқори деб ҳисоблайдилар¹.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Миндонда деҳқончиликнинг самарадорлиги бошқа минтақаларга нисбатан анча юқори бўлиб, бу кишиларнинг деҳқончилик борасидаги азалий анъаналарга ва кўнижмаларга эгалиги ва бозор тамоиллариға мослашганлигидан дололат беради.

Миндонда тўртта чорвачилик фермер хўжаликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг рентабеллиги унчалик юқори эмас. Шунингдек, аҳолининг томорқа хўжалигида боқиладиган қорамоллар ва майда туёқли чорвалар ҳам нисбатан кам эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ахборотчиларнинг маълумотлариға қараганда, илгари миндонликлар Олой тоғлари этакларида ўз чорваларини боқиш имкониятига эга бўлганлар. Аммо мустақил давлатлар ўртасидаги чегаралар қатъийлашгандан кейин чорва молларини Олой тоғлари этакларида боқиш имконияти бўлмай қолди. Яъни сиёсий жараёнлар ҳам кишиларнинг иқтисодий ҳаётига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

*Т.ф.н., доц. О. БЎРИЕВ
Қарши давлат университети*

Олий таълимда этнология фанини ўқитишининг долзарб муаммолари

Ўзбекистонда истиқлол даврида юз берган туб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар бой тарихимизни янада чуқур ва холисона тарзда ҳамда замонавий асосида илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

¹ Фарғона вилояти Миндон қишлоғида ўтказилган этносоциологик тадқиқот натижалари. 4-бет.7-жадвал.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...биз ўз тарихимизни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир бўлмоғимиз даркор”¹.

Юртбошимиз мамлакатимиз тарихчилари олдига қўйган энг долзарб вазифалардан бири – ўзбек халқининг шакланиш жараёни ва миллий давлатчилиги тарихини холисона ва илмий тадқиқ этишдир. Бунда этнология – элшунослик (халқшунослик) фани ҳам салмоқли ўринга эга.

Мамлакатимизда мустақиллик даврида ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида халқимизнинг этномаданий хусусиятилари ва миллий тарихимизни илмий асосда ўрганиш борасида қатор амалий ишлар рўёбга чиқарилди. Энг аввало, собиқ совет мафкураси ва тизимидан воз кечилди ва тарихий ҳаққонийлик тамойилига асосланган замонавий методологик ёндашувларга асос солинди, қатор янги йўналишлар шаклланди ва назарий методологик жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлилий материаллар асосидаги кўплаб тадқиқотлар яратилди.

Академик А. Асқаров таъкидлаганидек, ҳар бир халқнинг тарихи унинг келиб чиқиши (этногенези) ва этник тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Этногенез ва этник тарих эса тарих фанининг бош масаласидир². Ўрганилаётган ҳар бир халқнинг, жумладан ўзбекларнинг келиб чиқиши, унинг этник қатламлари таркибини аниqlамай туриб, у халқ ҳақида, унинг этник тарихи, маданий мероси, давлатчилик тарихи ҳақида муҳтасар фикр юритиб бўлмайди, албатта. Чунки

¹.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 52-бет.

² Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007. 3-бет.

халқимиз этногенези ва этник тарихи Ўзбекистон халқлари тарихининг муштарак қисми ҳисобланади.

Маълумки, этнология жаҳон халқларининг келиб чиқиши (этногенези), анъанавий хўжалиги, ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, антропологик ва лингвистик белгилари, маросимлари ва майший турмуш тарзларини ўрганиш жараёнида ҳар бир этнос жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга эканлиги ҳақидаги кенг қамровли маълумотларни беради. Бу, ниҳоятда кенг қамровли фан бўлиб, унинг энг асосий тадқиқот обьекти ер юзидағи барча этнослар ҳисобланади.

Этнология бўйича ўқув машғулотларида ер юзидағи маълум бир минтақада яшовчи халқларнинг табиий-географик жойлашуви, этногенези ва этник тарихи, антропологик (ирқий) ва этнолингвистик (лисоний) хусусиятлари, моддий маданияти, майший турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти ва оила – никоҳ муносабатлари, маросимлари ва урф-одатлари ва диний эътиқодлари каби энг устувор масалалар ўрганилади.

Бўлажак ёш тарихчи талабаларни жаҳондаги турли этнослар билан бирга шу жумладан, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, анъанавий хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти билан яқиндан таништиришда этнология ҳам энг асосий ўринни эгаллайди.

Этнология фани ёш авлодни Ватанга садоқатли, эътиқодли ва етук даражадаги баркамол авлод қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар жаҳон ва қардош халқлар, хусусан, ўзбекларнинг этногенези, этник тарихи, анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи, маданиятини этнология фани орқалигина пухта эгаллашлари мумкин.

Табиийки, XXI аср бошларига келиб жаҳоннинг этник манзараси ўзгариши сабабли этнологияда янги концепциялар ва йўналишлар пайдо бўлди. Этнологиянинг келгусидаги истиқболли мавзулари тўғрисида мутахассис олимлар

ўртасида баҳс-мунозара кучаймоқда. Этнологиянинг тадқиқот объекти муаммосига ҳам мурожаат қилинмоқда. Этнологик илмий тадқиқотларнинг аксарияти жамият хаётида кенг қўлланилмоқда¹.

Энди республикамиз Олий ўқув юртларининг тарих факультетларида этнология фанини ўқитилишига тўхталадиган бўлсак, бу фан республикамиз олий ўқув юртлари тарих соҳасининг бакалавр йўналишида ҳамда турли етакчи олий ўқув юртларида (Тошкент ислом университети, Тошкент давлат шарқшунослик, Тошкент давлат санъат ва маданият институтлари) ҳам ўқитилмоқда.

Олий таълим тизимидағи этнология фанини замонавий педагогика ва ахборот технологиялари асосида ўқитишини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан бири саналади. Лекин мазкур фан бўйича тузилган амалдаги намунавий дастурлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув адабиётларини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. “Жаҳон халқлари этнологияси”, “Ўзбеклар этнологияси”, “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” ўқув курслари бўйича замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратилиши муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Этнология бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтишда И. Жабборовнинг жаҳон халқлари ва ўзбек этнологиясига оид кўплаб ўқув қўлланмалари ва дарсликлиридан (“Жаҳон этнологияси асослари”. Т.2005; Ўзбеклар – Т, 2007 ва ҳ.к.), тарих фанлари доктори, профессор А.Дониёровнинг “Марказий Осиё халқларининг этнографияси, этногенези ва этник тарихи” (Т., 2003), “Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи” фанидан таълим технологияси” (Т., 2010), К.Шониёзовнинг кўплаб салмоқли монографиялари, хусусан сўнгги йирик асари “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”

¹ Аширов А. Этнологиядаги янги концепциялар ва йўналишлар // Ўзбекистонда археология ва этнология фанининг тараққиёти ва истиқболлари. Т., 2013. Б.8-15.

(Т., 2007), А. Ашировнинг “Этнология” (Т., 2007), шунингдек, тарих фанлари номзоди доцент О. Бўриевнинг “Этнология бўйича ўқув-услубий қўлланма” (Т., 1996), “Ўзбекистон тарихини ўрганишда этнография маълумотларидан фойдаланиш” (Т., 1996), “Марказий Осиё халқлари этнографияси” (Қарши, 1997), “Этнология бўйича ўқув-услубий қўлланма” (Т., 2000), “Этнология атамаларининг қисқача изоҳли луғати” (Қарши, 2004), “Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар” (С., 2008), “Марказий Осиё халқларининг этногенези, этник тарихи ва этнографияси” (Т., 2011) каби ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Этнология бўйича машғулотларда ЎзР ФА Тарих институти томонидан “Академик К.Шониёзов ўқишлари” туркумида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган илмий анжуман материалларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, дарсларда Р.Ф. Итснинг “Введению этнографию” (Л., 1991), Г.Е. Марков, В.П. Пименовларнинг “Этнология” (М., 1994) дарсликларига, С.В. Лурьенинг “Историческая этнология” (М., 1998), Я.В. Чесновнинг “Лекции по исторической этнологии” (М., 1998), А. П. Садохиннинг “Этнология” (М., 2000), В. П. Пименов таҳрири остида чиққан “Основы этнологии” (М., 2007) каби ўқув қўлланмаларига ҳам мурожаат қилинмоқда.

Маълумки, ҳозирги даврда ўқитиш ва таълим жараёнларида янги замонавий ахборот усул ва воситаларининг роли тобора ортиб бормоқда. Илғор педагогик технологиялар дарс боришининг интерфаол усулларини назарда тутади. Булар мунозара ва презентациялар, музокаралар, ишбилармонлар ўйинлари, муаммоли ҳолатларни, кейс стадияларини ечиш ва ҳ.к. Ушбу усуллар талабаларнинг ижодий фаоллигини оширишда, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўлларини топишда ёрдам беради. (А. Дониёров. Марказий Осиё халқлари

этнографияси, этногенези ва этник тарихи фанидан таълим технологияси. Т., 2010. 7-8 бетлар). Этнологияни ўқитишида ҳам турли замонавий педагогик ва ахборот воситалари, интернетдан фойдаланиш ва компьютерларни қўллаш ижобий самара бермоқда. Кафедрамиз қошида маҳсус жиҳозланган ахборот технологияси хонаси мавжуд. Айни пайтда фан бўйича электрон дарсликлар яратиш ҳам давр талаби ҳисобланади.

Ёшларга таълим беришда янги таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизими니 сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор” (Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь).

Аммо республикамиз олий ўқув юртларида этнологияни ўқитишида ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар ҳам мавжуд. 2010 йил Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ тарих факультетида “Этнология” кафедраси ташкил этилиб, тез орада яна “Археология” кафедрасига қўшиб юборилди. Мустақил мамлакатимизнинг олий ўқув юртлари тарих факультетларида этнология кафедрасининг мавжуд эмаслигини қийин ҳолат тарзида баҳолаш мумкин. Ўзбекистон миллий университети, Қорақалпоғистон давлат университети, Тошкент ислом университети, Қарши давлат университети, Термиз давлат университети, Бухоро давлат университети, Фарғона давлат университети, Наманган давлат университети каби салмоқли олий ўқув юртларидағина этнологияни илмий даражали ва унвонли мутахассис – элшунос олимлар ўқитишиади. Қолган олий ўқув юртларида эса бу фан бошқа тарихчи ўқитувчиларга юклама

сифатида бериб қўйилган, холос. Баъзи элшунос олимлар юртимизнинг бошқа олий ўқув юртларида тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан ҳам дарс беришмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тарих йўналиши бакалавр намунавий ўқув режасига кўра “Археология ва этнология асослари” фани таркибида “Этнология асослари” курси II семестрда ўтилади (78 соат). II курсда эса этнология бўйича малакавий амалиёт ўtkазилиши ҳам режадан ўрин олган (IV семестр). Лекин бу режага жаҳон халқлари, ўзбеклар этнологияси курслари, бу фан бўйича маҳсус курслар ва семинарлар, курс ишлари тайёрлаш кабилар киритилмаган. Вилоятлардаги олий ўқув юртлари тарих йўналишида этнология бўйича магистратура очилмаган ва катта илмий ходим – изланувчиликка ҳам ўрин ажратилмай келинмоқда. 2000 йилларда Қарши ва Термиз давлат университетларида ташкил этилган Этнология илмий марказлари 2-3 йил фаолият кўрсатди, холос. Табиийки, бу ҳолатлар мамлакатимизда этнология фани тараққиётига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Давлат университетлари тарих йўналиши намунавий ўқув режасида I курсда ўтилиши лозим бўлган этнология фани археология фани билан бирга “Археология ва этнология” тарзида берилган. Бу аҳвол фаннинг ўқитилишида ниҳоятда салбий таъсир этмоқда. “Этнология асослари”ни тарих йўналиши 1 курсида (II семестрда) ўтиш режалаштирилган. Бу ҳолат энг муҳим фанлар этнологиянинг ҳам, қолаверса, археологиянинг ҳам нуфузини пасайтиromoқда. Чунки, қисқа муддатда талабалар мазкур муҳим фанларни теран ўрганишга улгура олишмайди. Бир семестрда талабаларни бу фанни ўзлаштириши жуда қийин кечади, албатта. Тарих йўналиши бакалавр намунавий ўқув режасида ихтисосликка оид фанлар тобора камайиб ва қисқариб бормоқда.

Тарих факультетларида замонавий тарихчилар тайёрлаш учун ўқув режалариға жиддий тузатишлар киритиш, баъзи иккинчи даражали курслар олиб ташланиши лозим ва уларнинг ўрнига ўрганилмасдан келаётган бўлажак тарихчилар учун энг зарур курслар киритилиши шарт (тарихий антропология, палеография, эпиграфика, нумизматика ва ҳ.к.).

Элшунос олим А.Аширов ниҳоятда тўғри таъкидланганидек: “Олий ўқув юртларида этнология фани ўқитилишини сифат жиҳатдан такомиллаштириш ва бу соҳадаги назариётчи олимлар ва амалиётчи педагоглар ўзаро ҳамкорликда янгича руҳдаги дарсликлар яратишлари зарур. Маданий антропология ва ижтимоий антропологияга оид дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш лозим” (А. Аширов Этнология. Т., 2008. 42-бет).

Республика олий ўқув юртларида этнология кафедралари ва илмий марказлари, шунингдек этнологияга ёндош фанлар натижасида вужудга келган этник антропология, этник социология, этнодемография, этноиктисодиёт, этногеография, этнопедагогика, этнопсихология, этнолингвистика каби янги йўналишлар бўйича маҳсус курслар ташкил этиш зарур.

Бизнингча, мамлакатимиздаги ижтимоий-гуманитар йўналишдаги лицейлар, ўрта маҳсус касб-ҳунар коллежлари ҳамда шу йўналишдаги олий ўқув юртлари ўқув режасига ҳам “Ўзбеклар этнологияси” курсини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Республика олий ва ўрта маҳсус таълим ҳамда халқ таълими вазирликлари қошида этнология бўйича маҳсус бирлашган ўқув-услубий Кенгаш тузилиб, унга етакчи элшунос олимлар ва услубчиларни киритиш лозим. Шунингдек, этнология бўйича малакавий амалиёт ва дала экспедицияларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам ниҳоятда зарур.

Хуллас, олий таълим тизими тарих факультетларида этнология фанини ўқитиши бўйича юқорида таъкидлаб ўтилган долзарб муаммоларнинг ўз вақтида ечимини топиши бу фанинг нуфузини янада оширишда юксак малакали мутахассисларни вояга етказишга яқиндан ёрдам беради.

*Т.ф.н., доц. Т. Ў. САЛИМОВ
Ўзбекистон миллий университети*

Этнолог мутахассисларни тайёрлаш ҳолати: ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашувда халқимизнинг этногенези ва этник тарихини ўрганиш қанчалик долзарб эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Олий таълимда 1998 йилда тарих факультети ўқув режасига “Ўзбекларнинг этногенези ва этник тарихи” курси киритилган, унга “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари асос бўлгани шубхасиз.

Тарихчи бакалаврларни тайёрлашда дастлаб 90-йилларнинг охирида ЎзМУда янги фан “Ўзбеклар этнологияси” ўзбек ва рус гуруҳларига жорий этилди. Кўп ўтмай соф этнологияга хос “Этнос ва этниклик” курси танлов фани сифатида ўқув режасига жорий этилди. Шу тариқа 2005 - 2010 йиллари бакалаврлар 4 йил ўқийдиган бўлса ундан 2,5 илида “Жаҳон этнологияси асослари”, “Ўзбеклар этногенези ва этник тарихи”, “Ўзбеклар этнологияси”, “Этнос ва этниклик” каби асосий ҳамда танлов фанлари ўқитилиб, кафедрани “Этнология” номи билан мустақил фаолият юритишига замин тайёрланди.

Мухим жиҳати ушбу фанлардан К.Ш.Шониёзовнинг “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”, И.М.Жабборовнинг “Жаҳон этнологияси асослари”, “Ўзбеклар”, А.Аширов

Ш.Атажановларнинг “Этнология” каби монография ва дарслерлари, ўқув қўлланмалари ўзбек тилида нашр этилиб, қисман бўлса-да, адабиётлар билан таъминланиш имконияти юзага келди.

Лекин бу борада қатор муаммолар бўлиб, мазкур йўналишдаги дарс соатларининг аввал ҳафталик аудитория юкламаси 34 соатдан 32 соатга, сўнгра 28 соатга туширилди. Аста-секин профессор-ўқитувчилар ўқув юкламаси 750 соатдан – 1000 соатга етказилди. Кафедралардаги штатлар сони 7 тадан кам бўлмаслиги лозимлиги ҳақида кўрсатмалар яратилди. Оқибатда “Этнология” фани бир йилда 1 семестрга қисқартирилиб, “Археология ва этнология асослари” номини олди. “Ўзбеклар этногенези ва этник тарихи” курси ўқув фани сифатида сақлаб қолинди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистоннинг этнографияси нисбатан яхши сақланган тоғли туманларга амалиётни ўташ учун этнографик экспедиция ташкил этилди. Университет ўқув режасида бўлмаган бу экспедициялар бир ойча давом этиб, унда I-III курс талабаларидан 15-16 нафари қатнашарди. Г. Юлдашева, Б. Убайдуллаева, М. Ибрагимова, М. Жуманиязова, Г. Нуруллаева, М. Усмонов ва яна қатор этнолог-тадқиқотчиларни ўша этнографик экспедициямиз маҳсули деб кўрсатишимиш мумкин. 2000 йилдан бакалавр талабаларга II курсдан этнографик танишув амалиёти (2 ҳафта) ўқув режасига киритилди. Лекин, ўтган давр ичida Бўстонлик тумани ҳокимияти ҳомийлигига Оқтош, Сойлик, Газалкент ва Хумсонга талабалар 1–2 марта гина олиб бора олдик холос. Ўтиш даври қийинчиликлари, маблағ этишмаслиги сабабли танишув амалиёти Тошкентнинг эски шаҳар маҳаллаларида ва Ўзбекистон давлат тарихи музейида сақланаётган этнографик коллекция асосида ўтказилмоқда. Талабаларимиз ўтган асрларда яратилган, бугунги кунда хўжаликда деярли учрамайдиган ёғоч ашёлар, теридан турли оёқ кийимлар, эгар-жабдуғлар, кийимлар ва ҳ.к. ларни кўриб

ўрганиши учун имконият яратилди. Талабалардан 70–80 нафарини маҳаллага олиб бориб, ёши улуг ахборотчиларимиз билан сұхбат уюштиришда маҳалла раислари ёрдами хам тобора сусайиб бормоқда. Аслида, халқимизнинг хаётида анъаналар нисбатан сақланиб қолган узок қишлоқларимизга сафар уюштирасак айни –муддао бўлар эди.

Шунга қарамасдан, имкониятларимизни кенгайтириш, кафедрани сақлаб қолиш учун доимо ҳаракат қилишга тўғри келди. Этнология кафедрасида 3600 соат юклама қолганидан сўнг, 2012–2013 ўкув йили бошида “Этнология” кафедрасини учинчи бор “Археология” кафедраси билан қўшиб юборилди.

Лекин ҳафталик юклама 32 соатга чиқарилиши билан “Ўзбеклар этнографияси” ни янги стандартга киритдик. 2013 – 2014 ўкув йилидан барча олий ўкув юртларида 3-курс тарихчи бакалаврларга яна ушбу фанни ўқитиш бошланади. Археология бўлими талабаларига “Этнос ва этниклик” танлов курси жорий этилди. Бакалавр талабалар билан этнологик тўгарак ишини фаоллаштириб, малакавий битириув иши ёзишга кўпроқ кишини жалб этмоқдамиз. Нурота тумани ҳокимияти билан шартнома тузиб, амалиётни тиклашга ҳаракат қилинмоқда.

Ўтган икки ўн йилликда Этнографиядан этнологияга – икки босқичли олий таълим тизимиға ўтиш осон кечмади. Хусусан, 1998 йилнинг ёзида этнографиядан магистратурага стандарт тузиш лозимлигини таъкидланган эди. Профессор-ўқитувчиларимизнинг илмий салоҳиятидан келиб чиқиб: “Ўрта Осиё этнографиясининг долзарб муаммолари”, “Ўзбекларнинг анъанавий моддий маданияти”, “Маънавий маданият”, “Дала этнографик тадқиқотлар ўtkазиш усуслари” каби фанлар режага киритилди. Биринчи магистрларимиздан И. Хўжахонов, А. Тоғаевлар айнан ана шу стандарт бўйича битириб, тарих институти аспирантурасига кирган эдилар.

Хозирда магистрларимизга “Этнопсихология”, “Этносоциология”, “Этнопедагогика”, “Этнопсихологик амалий машғулотлар” каби долзарб фанларни киритганмиз. Эндиликда магистратурамиз 5 – 10 йил олдингисидан тубдан фарқ қиласы. Сүнгги йилларда битирган магистрларимиздан Р.Т. Сатторов, З.А. Расуловалардан бизнинг умидимиз катта. Бу йилги битирудиларимиздан У. Ҳамидов, З. Ахмедовалар ҳам магистрлик диссертацияларида ўз иқтидорларини намоён этишди

Шунингдек, мутахассисликни “Этнография” эмас, “Этнология” деб ўзгартирилиши ҳам қийинчиликлар билан кечди. Чунончи, 1990 йили Алматида этнографларнинг сўнгги бутуниттифоқ конференциясида қатнашганимизда минбарга В.Н. Басилов чиқиб “Этнология ва антропология” институти директори В.А. Тишковга нима сабабдан институт номини илмий ходимлар билан маслаҳатлашмасдан этнографиядан этнологияга ўзгартирсанлигини, ким унга бундай ваколат берсанлигини сўрагани ёдимда.

Албатта, бугунги кунда этнология номи эътиroz туғдирмайди, лекин 5-10 йилдан кейин у Маданий ёки Ижтимоий антропология деб аталса ажабланмаслигимиз лозим. Ёш ҳамкасларимиз бугун фанимиз учун дунё эшигини очишмоқда, келажакда биз истаймизми-йўқми улар ўрнимизга келишади. Улар Гарб мамлакатлари антропологияси методларини, инструментарийларини ўзлаштирган, инглиз тилида эркин гаплашиб халқаро ҳамкорликка йўл очадилар. Бизнинг этнологияга хизматимиз, шу кафедрани Олий таълим доирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилиш, мақсадимиз Миллий университетда шундай антропология марказини яратиш, унда энг иқтидорли ёш олимларни етиштириб, хорижий мамлакатлар университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишидир.

Академик А.А. АСҚАРОВ
Ўз Р ФА Шарқшунослик институти

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалаларини ўқитиш муаммолари

Кейинги йилларда ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида фанда қабул қилинган назарий ва илмий-методологик назария руҳияти асосида ёзилиб чоп этилган тўлақонли асар, ушбу сатрлар муаллифининг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” номли ўқув кўлланмаси бўлди. Ушбу китоб қўлёзмаси Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маҳсус гувоҳномаси асосида Ўзбекистон Миллий университетининг нашриётида З минг нусҳада чоп этилиб, Республика Олий ўқув юртларига тарқатилди. Ўз вақтида китоб қўлёзмасига, унинг чоп этилган нашрига Республикализнинг қатор таниқли олимларининг матбуотда ижобий тақризлари чиқди.

Бироқ, шу йил Ўзбекистон Миллий университети илмий-техникавий кенгаши қарори (25.01.2013) билан чоп этилган “Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар” номли илмий тўпломда, юқорида кўрсатиб ўтилган китоб чиққанидан 6 йил ўтгач, ушбу университет проф., т.ф.д. А.Сагдуллаевнинг “Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории)” номли танқидий мақоласи чоп этилган. Авваламбор, тарихимизнинг ўта мураккаб ва баҳсли муаммосига бағишлиланган китоб юзасидан билдирилган танқидий муносабат учун мақола муаллифига миннатдорчилик билдираман. Чунки, тарихимизнинг у ёки бу масалалари бўйича матбуотда, интернет саҳифаларида, ҳатто монографик асарлар сифатида шунчалар кўп илмий таҳлилларсиз, мутахассислар тавсияларисиз ишлар чоп этилмоқдаки, уларнинг ҳар бирига

тегишли жавоб қилишга олимларимизда на вақт, на илмий жасорат етишмаяпди.

А.Сагдуллаев ўз мақоласида, илм-фан оламида анъанага айланган талаблар ҳақида сўз юритиб, илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳозирча кўпчилик томонидан қабул қилиниб, фанда ўз ўрнини топиб улгурмаган қарашлар ва концепцияларни эркин ўртага ташлаш, уларни айниқса, ўқув қўлланма ва дарсликларга киритиш одат тусини олмоқда. Худди шундай асарлар сирасига А.Аскаровнинг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” ўқув қўлланмасини киритиш мумкин¹, дейди.

Бир жиҳатдан мақола муаллифи ҳақ. Чунки, ўқув қўлланмада ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси, мавжуд қарашларга зидли ўлароқ, антик даврдан сўнгги бронза даврига қадимиylаштирилди. Чунки қўлланма муаллифининг бу нуқтаи назари 1996 йилда “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида илк бора эълон қилинди². Сўнгра 2002 йилда ва кейинги йилларда чоп этилган қатор мақолаларимизда бой археологик материалларни чуқур илмий таҳлили асосида ривожлантирилди³. Бир сўз билан айтганда 20 йил ўтибдики, бу ғоя илмий адабиётларда ўз ифодасини секин-аста топмоқда.

Маълумки, тарихда азалий мутлақ ҳақиқат бўлмайди, балки у фан дарғалари томонидан айтилган бўлса ҳам, манбаларга янгича таҳлилий ёндашувлар асосида ривожланиб, ўзгариб боради. Бу ҳар бир тадқиқотчига маълум бўлиши керак. Боз устига А.Сагдуллаев Республика Президентининг халқимиз тарихини илмий асосда қайта

¹ Сагдуллаев А.С. Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории). //Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар. Тошкент, 2012. 267-268-бетлар..

² Аскаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №6. Тошкент, 1996. 64-71-бетлар.

³ Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослар //Ўзбекистон тарихи. №4. Тошкент, 2002. 55-62 бетлар.

қўриб чиқиш ҳақидаги тавсияларини унуган кўринади. Чунки, мустақиллигимиз қўлга киритилгач, Республика Президенти И.А.Каримов 1998 йилда тарихчилар билан учрашганда Республика ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари олдига ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи масаласида истиқболли дастур тавсия этиб, “эндиликда ўз тарихимизни ўзимиз ёзишимиз керак, қачонгача “улуғ оғалар”дан йўл-йўрик кутамиз. Материалларни, яъни бирламчи манбаларни энди ўзингиз таҳлил этинг ва тегишли илмий хулосалар чиқаринг, тарихга эскича қарашингизни ўзгартириб, илмий асосда муаммолар ечимиға янгича ёндашинг, у ёки бу тарихимиз муаммолари юзасидан айтмоқчи бўлган илмий асосли фикр-мулоҳазаларингизни дадил айтинг”, деб ҳақли кўрсатмалар беришига қарамай, айrim тарихчи-археологлар ҳамон евроцентристик ғоялар таъсиридан қутула олмагани яққол кўзга ташланмоқда.

Кейинги 30-40 йил ичида хитойлик мутахассислар япон олимлари билан ҳамкорликда Шимолий Хитой подшоликларининг 24 сулолавий тарихини яратишида катта ютуқларга эришдилар. Ушбу сулолавий тарихнинг дастлабки бир неча жиллари Евроосиёнинг қадимги туркий қабила ва элатлари тарихи билан боғлиқ. Ушбу асарлар асосида битилган Хитой энциклопедияларида Евроосиё даштларининг чорвадор андронова маданияти аҳолисининг тили масаласида аниқ маълумотлар келтирилган. Бронза даврининг андронова маданияти аҳолисининг ёдгорликлари Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти ҳудудларидан ўнлаб-юзлаб пунктларда топиб ўрганилган. Совет даври тарихшунослигида уларни эроний тилли аҳоли деб талқин қилинарди. Бироқ, уларнинг тили масаласидаги янги маълумотлар Евроосиё даштларининг чорвадор аҳолиси, шунингдек, андронова этномаданий қатламга тегишли ўрта осиёлик бронза даври чорвадорлари туркийда сўзлашганликларини тасдиқлайди. Мана шу бирламчи ёзма

манбадан олинган маълумотлар ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтасини мавжуд қарапларга зидли ўлароқ, антик даврдан сўнгги бронза даврига қадимилаштириш имкониятини берди. Бу фактларни “улуг оғалар”сиз ўзимиз билатуриб, яна собиқ Марказдан йўл-йўриқ кутишимиз керакми?

Биз олимлар яхши биламизки, фан оламига кириб келган ҳар бир янгилик ва улар асосида туғилган янгича қараплар, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида, кўпчилик томонидан тан олиниб, фанда ўз ўрнини топмагунча турли талқиндаги илмий ёки ғаразли қаршиликлар ва эътиrozларга учраб туради. Шу боис, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси юзасидан биз ўртага ташлаган масалага евроцентрик қараплар таъсирида бўлган олимларнинг асосли ва асоссиз шубҳалари бўлиши табиий эди.

Тўғри, китоб кўпроқ муаллифнинг шахсий кузатувлари ва илмий мулоҳазалари асосида битилган. Шу билан бирга, қўлланмада ўзбек халқи этногенези масаласида ўзга муаллифлар фикр-мулоҳазалари ҳам тўлақонли ўз аксини топган. Негадир китобнинг бу жиҳати танқидчи эътиборидан четда қолган.

Юртбошимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисоласида ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи жиддий қўйилишига қарамай, бу масалада мустақиллик йилларида мунтазам изланишлар олиб бораётган олимлар саноқли бўлиб, ҳаёт бу масалада ёш авлодга тарихга янгича қараплар асосида илмий тизимга солинган асар яратишни талаб этарди. Расмий тарихда ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида А.Ю.Якубовский ва С.П.Толстовларнинг илмий асосли қонцепциялари мавжуд бўлишига қарамай, маҳаллий матбуотда, интернет саҳифаларида мазкур муаммога алоқаси бўлмаган эркин ижод ахлиниң турлича фикр-мулоҳазалари баён этила бошлади. Мавжуд сиёсий ва мафкуравий вазият ушбу ўқув қўлланмасини туғилишига олиб келди. Танқидий

мақола муаллифи эса тирноқ остидан кир қидириш йўлини танлаб, “танқидни” китоб аннотациясидан бошлади, яъни “нега аннотацияда эронзабон сұғдийлар қаторига боҳтарийлар, хоразмийлар ва сак-массагетлар киритилмади. Ҳатто, тарихдан мактаб дарсликларида ҳам улар ўзбеклар аждодлари деб тан олинганку¹, деб таажжубланди.

Одатда ҳар қандай китоб аннотациясида бериладиган мақсад жуда қисқа ва лўнда бўлади. Шу боис, китоб аннотациясида ўзбек халқининг шаклланиши узоқ асрлар давом этган туркий ва сұғдий аждодларимизнинг ўзаро қаришуви асосида юз берди, дейилган. Китобга аннотацияни жуда қисқа ёзишини ҳамда аслида сұғдийлар, боҳтарийлар, хоразмийлар, сак-массагетлар келиб чиқиш ва тил жиҳатидан эроний тиллар оиласига тегишли эканлигини ҳисобга олиб, аннотацияга улардан бирини киритишни ўзи кифоя қилса керак деб топилди. Чунки, ўзбек халқининг аждодлари сифатида туркий ва сұғдий этнотопонимлар қаторида хоразмийлар, боҳтарийлар, сак-массагет ва бошқалар, танқидчи эътироф этганидек, қўлланманинг VI-VIII бобларида кенг берилган.

Мақола муаллифи китобнинг 239-бетида “неолит ва бронза даврларида Ўзбекистон ҳудудининг туб жой аҳолиси эроний тиллар оиласининг шарқий лаҳжаларида сўзлашувчи сұғдийлар, боҳтарийлар, хоразмийлар ва сак қабилалари бўлганлиги фанда эътироф этилган”. Аммо неолит, ҳатто бронза даврида ҳам улар номаълум эди. Эҳтимол бу қўпол ҳато таҳририй характерда бўлса ажаб эмас, дейди². Ҳа, бу жойда мақола муаллифи ҳақли. Мен қўлёзмамни қайта кўриб чиқдим. Қўлёзмада ”...эроний тиллар оиласининг шарқий лаҳжаларида сўзлашувчи сұғдийлар, боҳтарийлар, хоразмийлар ва сак қабилаларининг аждодлари бўлганлиги фанда эътироф этилган” деб ёзилганлиги маълум бўлди.

¹ Сагдуллаев А. Проблема инноваций в учебном процессе... С. 268-269.

² Сагдуллаев А. Проблема инноваций в учебном процессе... С. 269.

Замонавий этнология сўнгги йилларда фан тараққиёти натижасида пайдо бўлган янги мактаблар ва концепциялар билан бир қаторда ёндош фанлар, жумладан, маданиятшунослик, социология, ижтимоий антропология, сиёсатшунослик, археология, тарих, география, политология, фольклоршунослик ва бошқа кўплаб йўналишларда ишлаб чиқилган қатор янги назарий-методологик қарашлар кириб келиши билан бойимоқда. Колаверса, замонавий назарий-методологик қарашлардан фойдаланишда этнос назарияси билан боғлиқ қарашлар, дунё халқлари классификацияси, маданият ва унинг этник функциялари, этномаданият муаммолари ҳамда ўзбек кийимларини ўрганишда жиддий эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бу борада кўплаб бир-бирига қарама-қарши, ҳатто бирини иккинчиси инкор этадиган назариялар ҳам, концепциялар ҳам мавжуд бўлиб, ҳар бир тадқиқотчи ўз ўрнида таҳлилий жиҳатдан ёндошиб, муаммони этнографик ёритишдан чеклангани мақсадга мувофиқдир. Ривожланган дунё мамлакатларида этнологияга ёндош кенг қамровли фанлардан антропология: ижтимоий антропология, маданий антропология, лингвистик антропология каби йўналишларидан тадқиқотларда фойдаланиш ўринлидир. Ушбу услублар ўзига хос назариялар ва ёндашувларга таяниб, тадқиқотнинг турли методларини амалиётда қўллаган ҳолда илмий фаолият олиб боришни талаб этади. Чунки, этнослараро коммуникация ва глобаллашув жараёнларида миллий хусусиятларни сақлаб қолиш омилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ҳар бир методологик ёндашув ўзига хос методлар асосида тадқиқот олиб боришни талаб этади. Буни биз анъанавий кийимларни ўрганишда қўйидагича кўришимиз мумкин.

Машҳур француз этнологи Клод Леви Стросс ўзининг машҳур “Таркибий (структурная) антропология”¹ асарида

¹ Клод Леви Стросс. Структурная антропология. М., 1963. С. 424-426.

этнологларнинг биринчи вазифаси тўпланган маълумотларни у хоҳ архив манбалари, хоҳ дала материаллари, хоҳ тарихий ёки статистик маълумотлар бўлсин уларни илмий таҳлил этиш ва турли даврларга оид фактларни қиёсий ўрганиб, назарий хулоса беришдан иборатлигини қайд этади. Қолаверса, кийимлар семантикасини ўрганишда ҳам К. Леви-Стросс¹ тадқиқотлари муҳим методологик механизм ҳисобланади. Унинг структуравий лингвистика методини қўллаш орқали маданиятнинг у ёки бу тизимини акс эттирувчи рамз-белгилар тизимини яратиш мумкинлиги ҳақидаги ғояларни ўртага ташлайди. Яъни, структурализм концепцияси қандайdir доимий, тарихга боғлиқ бўлмаган, доимо мавжуд бўлган инсон онгининг маҳсули структураси ҳисобланади. Структурализмнинг таъсири ниҳоятда чекланган бўлиб, унинг инсон онгининг универсаллиги ғояси қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Шунингдек, структуравий таҳлилнинг моҳияти этнографик материалларни маълум компонентларга бўлиб минимал инвариант бирликларини олиш, улар ёрдамида ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча томонларини акс эттирувчи моделларини конструкция қилишдир². Демак, буни этнос маданияти тизимида олиб қарасак, у бевосита бошқа маданиятлар таъсирида, жумладан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, моддий ва маънавий муносабатлар замарида тараққий этиб бораётганлигини кузатиш мумкин³. Қолаверса, маданиятда янги элементлар пайдо бўлишини ва уларни этногенетик жараён билан боғлиқ эканлигини ўрганиш

¹ Леви-Строс, К. Первобытное мышление - М., 1994.-384 с.; Унинг. Мифология // Сыroe и пригoтвленное. М.: Спб., 1999. Т. 1.- 406 с.; Унинг. Структура мифов // Вопросы философии. 1970. № 7. С. 152-164.; Унинг. Структурная антропология / К. Леви-Строс. М., 1985. - 535 с.

² Садохин А.П. Грушевицкая Т.Г. Этнология: Учебник для высших учебных заведений. М., Academia. 2000.

³ Этнические процессы в современном мире. М.: 1993.

антропология ва ёзма манбаларни ўрганиш билан узвий боғлиқдир¹.

Ўзбек миллий кийимларини ўрганишнинг методологик асосларига эътибор қаратадиган бўлсак, аввало кийимларни тадқиқ қилишда мустаҳкам системали ёндашув асосида, мавжуд классик ва постклассик фалсафага, турли хил ва бошқа йўналишли механизмга эътибор қаратмоқ керак.

XIX аср ўрталарида “амалий эстетика” (практическая эстетика) вакиллари кийимни ва тақинчоқларни бадиий белгилар сифатида кўрсатиб ўтганлар. Г.Земпер² биринчилардан бўлиб костюм элементларини таҳлил қилишда предметларнинг бадиий-образлилик томонларидан ҳоли тарзда ёндашади. Бунда асосий эътибор тақинчоқларнинг класификацияси, макро-микрокосмик, тарқалувчанлиги, йўналтирилган даражаларига бўлиниши ва уларнинг вазифаларини кўрсатганлиги билан катта қизиқиш уйғотади.

Бугун фан сифатида культурология фанида системали ёндашув ўзида методологик асосни намоён қиласди³. Шунинг учун ҳам кийим – костюм анъанавий маданиятнинг жуда мураккаб таркибий қисми сифатида кўриниш олади. Системали ёндашув айнан ўзбек анъанавий кийимларини тадқиқ қилишда функционализмнинг назарий ғоялариға суюнишни тавсия этади. Функционализм асосчиларидан бири Б.Малиновский⁴ ҳам кийимларни маданиятнинг кўриниши эканлигини таъкидлаб, ундаги элементларнинг тузилиши мужассамлиги бир-бирига боғлиқлигини четлаб ўтади. Унинг фикрича, жамият ўзига хос биологик организм(бирлик) бўлиб, у табиий адаптив тизим сифатида, жамият ва унинг аъзолари талабларини қондиришга йўналтирилган. Хуллас,

¹ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // O’zbekiston tarixi. 2002. №4. 57-бет.

² Земпер Г. Практическая эстетика. М., 1970.-320 с.

³ Осокин Ю. В. Системный подход в культурологии // Культурология. XX век. Спб., 1997. С. 426-428.

⁴ Малиновский, Научная теория культуры. М., 1999. - 112 с.

Малиновский маданиятни фактлар асосида ёритишдан, тавсифийликдан воз кечиши уқтиради. Колаверса, хозир этнологияда кўпроқ инсоният ва унинг маданиятини илмий аналитик тарзда таҳлил қилишга эътибор қаратилмоқда¹.

Маданият инсоннинг биологик хусусиятлари маҳсули, чунки инсон дастлаб ўзининг биологик талабларини қондиришга ҳаракат қиласи. Бунинг учун одам ўзига озиқ: иссиқлик топади, уй-жой барпо этади, кийим-кечак тайёрлайди ва ҳ.к. Маданиятлар орасидаги фарқ бу – инсонларнинг элементар эҳтиёжларини қондириш усулларидаги тафовутдир. Ушбу методологик йўналишда маданият моддий ва маънавий тизимлар бўлиб, улар орқали инсон ўзининг ҳаётини таъминлаб, ўз олдидаги вазифаларни бажаради².

Умуман олганда, функционал таълимотнинг асосий ғоялари маданият шахсининг эҳтиёжларига, энг аввало унинг учта асосий талаблари: асосий (таом, уй-жой, кийим-кечак ва бошқалар), ишлаб чиқариш (меҳнат тақсимоти, ҳимоя, ижтимоий назорат) ва интегратив (руҳий хавфсизлик, ижтимоий етуклиқ, қонунлар, дин, санъат ва бошқалар) хизмат қиласи.

Т. Парсонс ҳам ўзининг структуравий функционализм йўналишидаги қарашларида жамият ва жамиятдагилар ҳақида, ундаги мавжуд иерархия улар ўртасидаги система ўзаро боғлиқликда, маданиятнинг барча кўринишларида костюмни мавжудлигини кўрсатиб ўтади³. Бу ўринда Р.Мertonнинг битта нарса жуда кўплаб вазифаларни бажаришини, битта вазифа ҳам турли хил бажарилиши

¹ Лурье С.В. Историческая этнология. М., 1997. С. 36.

² Емельянов Ю.Н. Основы культурной антропологии. Спб., 1994.

³ Парсонс Т. Система координат и общая теория систем действия: культура, личность, и место социальных систем // Американская социологическая мысль. Тексты. М., 1994. С. 167-236.

мумкинлиги ҳақидаги функционал таҳлил теоремасини назарда тутмоқ керак¹.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, анъанавий кийимларни ўрганиш структурализмнинг методологик йўналишларини ҳам четлаб ўтмаслиги керак. Бошқа томондан, структурализмни маданиятнинг белгиси сифатида ва унинг белги назарияси асослари аҳамияти семиотика муаммолари билан чамбарчас боғлиқлиги Ч.Пирс² ишларида ҳам шакллантирилган.

Француз структурализмининг буюм-белгилар борасидаги тадқиқотлари позитив ёндашувлардан ҳоли тарзда фалсафий ва рухий кечинмалар(психоанализ)таҳлили билан узвий боғланган. “Буюмлар дунёси” Ж. Бодрийяр³ ишларида таҳлил обьекти ҳисобланади.

Ташқи дунёни семиотик йўналиш қобиғида ўрганиш учун аввало менталитет(ментальность), дунё манзараси, яъни тасвири, унинг анъанавий жамиятдаги хусусиятлари каби тушунчаларга аниқлик киритиб олиш керак. Менталитет тарихига оид тадқиқотларда⁴, менталитет шахсий ва жамоавий тафаккур даражасида тушунилиб, теран таянадиган мінтақа, жамият ва маданий анъаналарга берилган ўзгарувчан ва шу ўринда ҳаётий зарурат, хулқ-атвор модели, эмоция ва кайфият ҳам бўлиши мумкин. А.Бюргъер⁵ қайд

¹ Николаев, В. Г. Функционализм. // Культурология. XX век: словарь. Спб., 1997. С. 512-513.

² Pirs, Ч.С. Что такое знак? // Вестник Томского Государственного Университета. Философия. Социология. Политология. 2009. № 3 (7). С. 88-95.; Пирс, Ч.С. Начала pragmatизма. Том 2. Логические основания теории знаков / Пер. с англ. В. В. Кирющенко, М. В. Колопотина, послесл. Сухачева В. Ю. СПб.:Лаборатория Метафизических исследований философского факультета Спб ГУ; Алетейя, 2000. 352 с. (Серия «Метафизические исследования. Приложение к альманаху»).

³ Бодрийяр, Ж. Система вещей. М., 2001.- 328 с.

⁴ Гачев, Г. Д. Ментальности народов мира. М., 2003.-544 с.;Гуревич, А. Я. Категории средневековой культуры.М., 1972.-315 с.; Унинг. Средневековый мир: культура безмолвствующего большинства М., 1990. - 396 с.; Лурье, С. В. Историческая этнология. Спб., 1997.- 346 с.; Унинг. Метаморфозы традиционного сознания. Спб., 1994.- 330 с.

⁵ Бюргъер А. Историческая антропология// История ментальностей, 119

этитика, менталитет худди руҳий чегарани ўз ичига олганидек, ғоялар тарихини ҳам ўз ичига олади.

Ўзбек кийимлари семантикаси эса ўзида ижтимоий структуравий кўринишни жамлаб, ёшга қараб бўлиниш, инсоннинг миллийликка ва конфессионалликка алоқадорлигини, ижтимоий табакага мансублигини ҳам кўрсатади. Бу элементлар ўзбек анъанавий кийимларида яққол кўзга ташланади.

Юқоридаги қарашлар ва концепциялардан келиб чиқиб, анъанавий кийимларни тадқиқ этишда қандай методлар муҳим ўрин тутади? Бунда бир қатор методларни кўрсатиб ўтиш мумкин: Улар асосан, *системали тарихий-этнографик таҳлил метод*, *тарихийлик методи*, *тарихий-таққослаш методи*, *типологик метод*, *ретроспектив-реконструкция методи*, сон жиҳатдан анализ қилиш методи ва этнографик картографиялаш методи кабилар. Шунингдек, график тасвирлар, режалар, чизмалар қилиш, тарихий ҳақиқатни англашда миллий ва умумбашарий қадриятларга, анъана ва урф-одатларга суюниб иш юритиш, холислик ва объективлик тамойиллари кабилардан фойдаланилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бир нарсага эътиборни қаратадиган бўлсак, бу методларни қўллаш бугун замонавий этнологияда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, айниқса, моддий маданият масалаларини социологик аспектда ўрганишда ҳам қўллаш ўринлиdir.

Тарихий-этнографик тизимили таҳлил методи айнан кийимлар ва кийим бичимлари, мато ва мато ишлаб чиқариш технологиясининг яратилиши, кийимларнинг трансформацияга учрашининг ташқи-ички омилларининг илмий таҳлили, кийимларга ўша давр кишиларининг

историческая антропология зарубежные исследования в обзорах и рефераатах. М., 1996. С. 30 – 37; Унинг. От серийной к комплексной истории: генезис исторической антропологии // Homo Historicus: К 80-летию со дня рождения Ю. Л. Бессмертного: В 2 кн. М., 2003. Кн. I. С. 191-219.

муносабати, анъанавий миллий кийимлар мажмуидаги ўзгаришларни вақт динамикаси нұқтаи назаридан таҳлил қилиш, ўрганилаётган даврға хос кийимларда этник алматылар камайиши, замонавийлашув, түғрироғи, кийимларга янги инновацияларнинг кириб келиши сабабларини аниқлашга эътибор қаратади.

Тарихийлик методи – кийимларни археологик материаллар, ёдгорликлар асосида тиқлаш, уни тайёрлашда ишлатилған матолар ва кийим белгилари генезиси мазмунига эътибор қаратиш, унинг ривожланишини асосий босқичларини аниқлаб беради.

Тарихий-қиёсий метод орқали ўзбек кийимларини ўрнишни диахрон (тарихий-тадрижий) йўналишда олиб бориш, бунда кийимларнинг минг йиллар давомида ўзида сақлаб қолған символик белгилари таърифи ёритилади.

Семиотик метод орқали кийимга маданиятнинг бир қисми сифатида қараб уруғ-қабилавий бўлинишини, халқларни қайси уруққа мансублигини аниқлаш, белги-символик системаси ўрганилади.

Структуравий ва функционал таҳлил методи бир томондан кийимларнинг барча белгиларини кўрсатса, бошқа томондан унинг функционал вазифалари қонунийлигини аниқлайди.

Идеографик, систематик ва типологик методлар эса, археологик ва этнографик дала материалларини идеографик тарзда йиғиши, классификация қилиш ва уларни илмий тадқиқот учун назарий хулосалар чиқаришни назарда тутади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бугун замонавий этнологияда ўзига хос кўплаб метод турлари мажмуи шаклланган бўлиб, буларнинг барчасидан ҳам тадқиқотчи фойдалана олмайди. Шунинг учун тадқиқотчи ўз тадқиқоти учун муаммони тўла ёритадиган методлардан фойдаланиш ўринлидир.

Жумладан, замонавий этнологияда асосий тадқиқот учун зарур методлардан дала тадқиқотлари, ёзма манбаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, статистик материаллар (аввало турли даврларда бажарилган аҳолини рўйхатга олиш материаллари)ни таҳлил қилиш ҳам киради¹.

Тадқиқот давомида муаммони ёритишида, назарий-методологик ёндашувлар ва методлардан ўринли фойдаланишда, ишнинг вазифаларини аниқлашда нималарга эътибор қаратиш керак?: костюм- кийимларини системалаш ва классификациялаш, кийимлардаги этномаданий комплексларни кўрсатиш, аҳоли кийимларидаги локал хусусиятларни ёритишида этномаданий маданиятлар, алоқалар ва муносабатлар таъсирини, яъни маданий фарқлар²ни аниқлаш лозим. Булар, асосан, маданий алоқалар таъсири, ўтмиш аждодлар анъаналари ва иноэтник кўринишлар билан боғлиқлиги, аҳоли кийим-кечакларининг анъанавий мажмуини ёритишида диний қарашлар ва эътиқоднинг тарихий типларини аниқлашдан иборат. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир халқ ўзига хос шаклланиш ва этник ривожланиш тарихига эга экан, албатта миқдор жиҳатдан катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, бетакрор хусусиятларни ўзида мужассам этган ўзига хос тарихга эга. Ҳатто, айтиш мумкинки, инсоният тарихи ана шундай кичик халқлар тарихидан ибтидо олади³. Шунингдек, анъанавий кийимларни ўрганиш борасидаги замонавий омиллар: истеъмол, оиласа кийимлар тақсимоти, кийимлар билан боғлиқ ирим-сирилар. (Табу. Легитимация.), гендерли ёндошув, мода – замонавийлашув, кийимлар семантикасига ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

¹ Аширов А.А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2007. 28-бет.

² Тишков В.А. О феномене этничности // ЭО. 1997. №3. С.5-6.

³ Конрад Н.И. Запад и Восток. М., 1972. С.454.

Кийимларнинг *истеъмоли* – кишиларнинг диди ва кийиниш манераси, ижтимоий аҳволи, эҳтиёж, талаб ва танлов, оила иқтисоди, хоҳиш-истак ва мажбурийлик, кишиларнинг дунёқараши (сиёсий, маънавий, иқтисодий, эстетик, фалсафий, аҳлоқий ва руҳий) ва эътиқоди, кийим турлари, матолар ва ундан кийим тайёрлаш, тақинчоқлар, космитека, кийимнинг экологик сифати ва хусусияти (табиийлик ва нотабиийлик), ташқи муҳит таъсири, мода ва замонавийлик, хусусийлик ва умумийликни ўз ичига олади.

Кийимлар *тақсимотида*: кийим тақсимловчи, ижтимоий аҳвол, шахсий ва жамоавий, иқтисодий ёндашув, гендер муносабат, экологик муносабат, ҳадя, “қурбонлик”, тўлов, дифференциация, мода каби муносабатларга эътибор қаратиш керак.

Кийимларда *гендерли* ёндашувларни ўрганишда эса, аввало инсонлардан кийимларга жинслараро муносабат, кийимларнинг жинсларга қараб бўлиниши, яъни кийимларнинг турлари ва унга аҳолининг муносабати, жинслараро кийим тақсимоти ўзлаштирилиши керак. Негаки, бу анъанавий кийимларни социологик аспектда ўрганишнинг энг долзарб кўринишларидан бири ҳисобланади.

Кийимлар *семантикасини* ёритишида кийимларда акс этувчи рамз, белги, ранг, ғоя кўриниши билан боғлиқ халқ тасаввурлари, эътиқодий қарашлари ўрганилади. Яна шунингдек, кийимларнинг ўзига хос этноижтимоий рамзлилиги – анъанавий кийимларнинг халқ турмуш тарзи билан алоқадорлигини аниқлашда аҳолининг маълум бир этник мансублиги, маданиятлар ва технологиялар тараққиётига оид қонуниятлар, ҳудуд тарихи ҳамда у ерда яшовчи халқлар ўртасидаги кўп асрлик мулоқотлар билан боғлиқ умумхудудий белгилар, кийимларни авлоддан-авлодга узатувчи этник ҳолатлар ва улар билан боғлиқ этнобириктурувчи хусусиятлар ёритилади. Бу хусусиятлар кўпинча турли этник гуруҳ кийимларидағи ўзига хос, бир

хил күринишларда, яъни либос бичими, мато турлари, кийим функцияси ва тикилиш технологияси умумийлигида ва кийимлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ҳам акс этади.

Кийимлар билан боғлиқ ирим-сиirimларни ўрганиш учун кийим турлари ва ранги, бичим, матолар, урф-одатлар, маросимлар, чегарага оид бўлган қарашлар, халқ эътиқодлари ва инончларига эътибор қаратиш керак.

ХХ аср охирларида Россия этнологиясида анъанавий маданиятни диний аспектда ўрганишга қизиқиш кучайди. Бу йўналишнинг асосчиларидан бири А.К.Байбурин¹ ўз қарашларида моддий маданиятнинг таркибий қисмлари(белбоғ ва бошқа кундалик буюмлар)ни семантик тадқиқот усуллари асосида диний маросимларда ва мифларда буюмларнинг семиотик белгиларини таҳлил қилиб беради.

Этнографлар этник костюмларнинг символик-интерпритатив генезиси муаммоларига ҳам жипслик билан ёндашиб, кийимларнинг семантик таҳлил ва структуравий мазмунини анъанавий илмий дунёқараш асосида кўрсатиб ўтадилар².

Охирги йилларда анъанавий кийимларни тадқиқ қилиш ҳажми кенгайиб, кийимларга, яъни костюмларга фақат манфаатдорлик нуқтаи назаридан эмас, балки унинг шакл-

¹ Байбурин, А. К. Семиотический статус вещей в мифологии.// Материальная культура и мифология. / Музей антропологии и этнографии. М.; Л., 1981. Т. 37. С. 215-226.;Ўша муаллиф. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян. Л., 1983. 191 с.;Унинг. Некоторые общие вопросы реконструкции архаического мировоззрения.// Мировоззрение народов Западной Сибири по археологическим и этнографическим данным Томск, 1991. С. 3-4.;Унинг. Пояс (к семантике вещей).// Из культурного наследия народов Восточной Европы. Спб., 1992. С. 5-13.;Унинг. Ритуал в традиционной культуре (Структурно-семантический анализ восточно-славянских обрядов).Спб., 1993. 240 с.; Семиотические аспекты функционирования традиционной культуры восточных славян: дис. доктора ист. наук в форме науч. докл.: 07.00.07. Спб., 1995. - 46 с.

² Жукова Л. Н. Одежда юкагиров: генезис и семантика: автореф. дис. канд. ист. наук: 07.00.07. Якутск, 1999. 24 с. Самбуева, С. Символика традиционного бурятского женского костюма: дис. канд. ист. наук: 07.00.07. Улан-Удэ, 2000. 192 с.

семантикасини тушунтириб изоҳлаб беришга эътибор қаратилмоқда¹.

Бундан ташқари, тарихчилар ва санъатшунослар ўздиқкат марказини модага қаратиш билан бирга асосий эътибори юқори табака кийимларига, костюм композициясига, кийиниш услубларига, ташқи кўринишига, ранглар мажмуига, шунингдек кийимларнинг тарисформацияси ва бадиий дид эпохасига кўпроқ қаратадилар. Агар кийимларнинг дизайнерлик ва технологик жиҳатдан тадқиқ этилишига эътибор қаратадиган бўлсак, кийимлар инсоннинг руҳий дунёқарашидан ҳоли тарздаги моддий обьекти сифатида қаралади.

Сўнгги пайтларда кийимларни маданий йўналиш (культурологическое направление)да ўрганиш муаммоларини маданиятшунослар³, ишларида кўпроқ кузатиш мумкин. Бу тадқиқотларда, асосан халқ анъанавий кийимларини тадқиқ қилишдаги янги йўналишлар этнокостюмология, семантика, мифлар асосида, археологик топилмалар, миниатюра, декоратив тасвир, маданий ёдгорликлар, музей

¹ Доде, З. В. Костюм как репрезентация историко-культурной реальности: к вопросу о методе исследования.// Структурно-семиотические исследования в археологии. Донецк, 2005. Т. 2. С. 305, 329.; Крыласова, Н. История прикамского костюма. Костюм средневекового населения Пермского Предуралья. Пермь, 2001. 253 с.; Яценко, С. А. Костюм ираноязычных народов древности и методы его историко-культурной реконструкции: автореф. дисс. доктора ист. наук: 24.00.01. Рос. гос. гуманитар, ун-т. М., 2002. 55 с.

² Кирсанова, Р. М. Костюм в русской художественной культуре. М., 1995. 448 с.

³ Вайнштейн, О. Одежда как смысл / О. Вайнштейн // Иностранная литература. 1993. №7. С. 146-168.; Вайнштейн, С. И. Об орнаменте как историко-этнографическом источнике.//Народное прикладное искусство. Рига, 1989. С. 79-90.; Давыдова, В. В. Костюм как феномен культуры: дисс. канд. филос. наук: 24.00.01 Спб., 2001. 156 с.; Исенко С. П. Этнокостюмология в контексте современной культуры: дисс. докт. культурологии: 24.00.02. М., 1999. 488 с.; Калашникова, Н. М. Народный костюм: (Семиотические функции): уче пос. М., 2002. 374 с.; Унинг. Народный костюм в контексте традиций российской культуры: дисс. докт. культурологии: 24.00.02 Спб., 1999. - 428 с.; Козлова, Т. В. Костюм как знаковая система. М., 1980. 134 с.; Полихова, М. П. Символика костюма в контексте культуры: дисс. канд. философ, наук: 24.00.01 Рост. гос. ун-т. Ростов-на-Дону, 2003. 142 с.

материаларини ўрганиш, битиклар таҳрири кабиларда ўз ифодасини топган.

Шу боис ҳам бугунги кунда ўзбек миллий кийимларини тадқик қилишда бутун жаҳон этнослари анъанавий алоқалари, хамжиҳатлиги, кийим–костюмнинг тарихий–тадрижий тараққиёт давомидаги кўринишларини инсон тафаккури ва санъатининг космологик тасвирлари орқали қараш лозим бўлади¹.

Энди кийимларнинг вазифаларига эъхтибор қаратадиган бўлсак, уларнинг ҳимоя, биостимуляцион, чегара, покланиш, эротик, ижстимоий, белги, экологик, коммуникатив, магик, муқаддаслик, эстетик ва бошқа вазифаларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади². Ва бу вазифаларнинг ҳар бири ўзига хос таърифга эга бўлиб, алоҳида тизимли ёндашувни талаб этади.

Кийимларнинг ўзгариб бориши ва трансформацияга учрашига оид сабаблар ва омиллар:

- *табиий омил* – коинот, ер, ташқи муҳит, иқлим, фасл ва бошқалар;
- *ижстимоий–иқтисодий омил* – жамоанинг тузуми, халқнинг тарихий тақдири, этник гурӯҳи ва миллати, дини, турмуш тарзи, фан-техниканинг ривожланиши, глобализация, этномаданий ва миграция жараёнлари ва бошқалар;
- *инсоний омил* – жинси, ёши, гавда тузилиши, психологик тури, кийимлар учун зарур бўладиган матоларнинг фабрикаларда оммавий равишда ишлаб чиқарилиши, савдо алоқалари, шаҳар “мода”си (урфи)нинг қишлоқ аҳолиси ҳаётига жадал кириб келиши ҳисобланади.

¹ Корнишина, Г. А. Знаковые функции народной одежды мордвы: уче пос. Саранск, 2002. 68 с.; Унинг. Традиционная обрядовая культура в системе мордовского этноса: Структура, субъекты, состав, компоненты: дисс. доктора ист. наук: 07.00.07/ Саранск, 2001. 496 с.; Каргина, М. И. Пространство и время в мифологии мордвы: дисс. канд. культурологии: 24.00.04.Саранск, 1997. - 178 с.; Кармин, А. С. Культурология. Спб., 2001.- 364с.

² Давлатова С.Т. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, Янги аср авлоди. 2006. 138-бет.

Анъанавий кийимларнинг турлари кишининг ёшига қараб – болалар, катталар ва кексалар либоси; жинсга мос равиша – эркаклар ва аёллар; мақсадига мувофиқ – байрам, маросим, кундалик ва иш кийимлари; ижтимоий ҳолатига мувофиқ – бой ва камбағаллар кийимлари(қуи, ўрта ва юқори табақалар мисолида); худудий ва табиий иқлим шароитига қараб – тоғликлар, дашт ҳудудида яшовчилар, шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси кийимлари; мавсумий – баҳорги, ёзги, кузги ва қишки кийимларга бўлинади.

Кийимлар – моддий маданиятнинг асосий кўринишларидан бири бўлиб, авлоддан-авлодга ўзига хос маданий мерос сифатида ўтиб боради. Кийимларда яна ўзаро мужассамийликни, ўзига хос анъанавийлик(барқарорлик ва ижодкорлик)ни кўриш мумкин. Маданий ёндашув шу боис ҳам кийимларни моддий ва маънавий функциялари бирлигida, этник менталитетни кўрсатувчи маданият феномени тарзида тадқиқ қилишни талаб қиласди. Қолаверса, ўзбек миллий кийимларини ўрганишда унинг маросим кийимларига бўлиб ўрганишга ҳам эътибор қаратиш керак.

Костюмнинг образлилиги борасида биз Барт¹ гипотезаларига суюнган ҳолда, костюмнинг иконик тузилишини инсоннинг кўз илғамас даражадаги билими учун асос сифатида қабул қилишини кўриш мумкин. Қисқача қилиб айтганда, Барт терминологиясига кўра костюм (кийим – С.Д) ни инсон ўз нутқида таърифлайди.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, буларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ва мазмун касб этади. Негаки, улар ўзаро боғлиқликда акс этиб, тараққий этиб боради. Тўғрироғи, шаклланиб, трансформацион кўринишни олади. Кийимлар доимо одамлар дунёқарашига кўра шаклланиб, ўзига хос белгиларда ҳам ифодаланади. Бу борада этнолог олима

¹ Барт, Р. Мифологии. М., 2000. 320 с.; Его же. Система моды. Статьи по семиотике культуры. Б -М., 2003. 512 с.

Г.Ш.Зунунова ўзининг китоби¹да Тошкент ўзбекларининг моддий маданияти трансформацион механизимини, яъни анъаналарнинг мослашувини, интеграциялашви ва модернизациялашувини анъанавий кийимлар мисолида кўрсатиб берган. Муаллиф айнан тарихий-қиёсий метод орқали Шарқ ва Европа маданияти симбиозини кўрсатиб беради.

Хуллас, замонавий этнология фанида моддий маданиятнинг энг муҳим кўринишларидан бири – анъанавий кийимларни янгича методологик ёндашувлар асосида ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти, тадқиқот обьекти ва методлари ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамиятини кенг қамровли манбалар, маҳсус илмий адабиётлар ва янги материаллар асосида таҳлил этиб, дала-этнографик материалларни қўллашда ўзига хос янгича методлардан фойдаланиб таҳлил этиш, тавсифлаш, яхлит бир тизимли равишда умумлаштириб кийимлар семантикасини ёритиш долзарб илмий аҳамиятга эга бўлиб қолади.

*Т.ф.н. Б.Р. УБАЙДУЛЛАЕВА
Ўз Р ФА Тарих институти*

***Болалик даври этнографиясини ўрганишига доир назарий-
методологик ёндашувлар***

Болалик даври кишилик жамияти маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун мазкур масалани тадқиқ этиш барча ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, этнология учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Болалик даври этнографияси тадқиқотларида илгари сурилган назарий қарашлар ва қўлланилган методологик усулларни мазмунига кўра умумлаштирилса, уларда тўрт ҳил ёндашувни фарқлаш мумкин.

¹ Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX- начало XXI в.). Ташкент, 2013. - 299 с.

Бириңчи ёндашувда мавзу оиласы турмуш тарзига оид урф-одат ва маросимлар негизида ўрганилган. XIX асрга келиб, Ғарб дунёси ижтимоий фанларида турли халқлар миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилувчи маданий антропология ва социология йұналишлари маҳсус фанларга айланди. Бу фанлар “бошқа” маданиятга мансуб халқларни ўргана бошлади. Дастанлабки тарихий-этнографик тадқиқотларда ўрганилаётган халқнинг хулқ-автор нормалари ва оила хусусиятлари ҳақида батағсил маълумот берилар экан, бола тарбиясига доир урф-одатлар, оиласы ва жамоада болаларга бўлган муносабатлар ҳам тавсифлаб кетилган¹. Бундай ишлар сирасига Н.Н.Миклухо-Маклайнинг Адмираллик оролларида², Б. Малиновскийнинг Тинч океани ғарбий қисмидаги оролларида³ олиб борган тадқиқотларини ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, Н.Н.Миклухо-Маклай онанинг эмизикли боласини қандай тебратиб ухлатиши, маҳаллий аҳоли айб иш қилган болаларни қандай тарзда жазолаши ва шу каби маълумотларни беради. Мазкур тадқиқотларда ўрганилаётган масала юзасидан мустақил назарий хулосалар чиқариш ёки бола тарбиясига доир маҳсус методология ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилмаган. Балки, муайян халқнинг оиласы турмуш тарзига оид урф-одат ва маросимлари таркибида бола тарбияси хусусиятлари ҳам тадқиқ этилган. Шунга қарамай, бундай ишлар бола тарбияси масаласини ёритишда катта илмий аҳамиятга эга.

Иккинчи ёндашувда мавзу халқ педагогикаси ёки болалар фольклори сифатида ўрганилган. Халқ педагогикаси кенгроқ маънода этнопедагогика деб юритилиб,

¹ Костомаров Н.И. Очерк домашней жизни и нравов великорусского народа в XVI и XVII столетиях. Спб., 1887; Терещенко А. Быт русского народа. Т. 1-2. Спб., 1848; Ивановская Т. Дети в пословицах и поговорках // Вестник воспитания. 1908. Кн. 2.

² Бутинов Н.А. Детство на островах Адмиралтейства // Этнография детства. Традиционные методы воспитания детей у народов Австралии, Океании и Индонезии.– М.: Наука, 1992. С.56-59.

³ Малиновский Избранное: Аргонавты западной части Тихого океана / Пер. с англ.– М.: РПЭН, 2004.

у маълум этносга хос тарбия усули мазмунини беради. Ушбу йўналиш хорижда “Antrhropology of education” деб номланиб, анъанавий халқ педагогикаси усулларини болалар ўйинлари, фольклор ва шу кабилар билан қўшиб қиёсий ўрганувчи, этнография, социология ва педагогика ўрталиғидаги оралиқ фан соҳасидир¹.

Мазкур йўналиш собық Совет давлатида 1920 йиллардан бошланди, десак хато бўлмайди. Шу даврдан Г.С.Виноградов, О.А.Капица ва бошқа совет фольклоршунослари ва этнографлари бола тарбияси масаласида мустақил тадқиқотлар олиб бордилар, яъни улар бола тарбияси билан боғлик урф-одатларнинг фольклорга оид жиҳатлари устида ишладилар². Хусусан, Г.С.Виноградов “болалар олами”нинг ўзига хос томонларига эътибор қаратди ва уни этнографик фанларнинг мустақил тармоғи сифатида ажратиш ҳамда ўрганиш вазифасини қўйди.

Г.С. Виноградов ўз ишининг назарий қисмида “болалик этнографияси” ва “халқ педагогикаси” тушунчаларини бир-биридан ажратади. Унинг фикрича, биринчиси бевосита болалар билан боғлик бўлиб, фақат болалар муҳитида пайдо бўладиган ва амал қилинадиган субмаданиятнинг барча элементларини ўз ичига олади. Бу икки даврга бўлинади: катталар ҳаёт фаолиятида ёш авлоднинг улғайиш жараёни, яъни маданиятга оид тажрибалар вориси бўлиш ва уларни ўзлаштиришга киришиш, яъни маданий меросни бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказилиши.“Халқ педагогикаси” эса муайян шахсни шакллантириш мақсадида қўлланиладиган малака ва усуллар жамланмаси яъни билим ҳамда тажрибаларнинг умумий йиғиндисидир³.

¹ Этнография и смежные дисциплины. Этнографические субдисциплины. Школы и направления. Методы. – М., Наука. 1988.– С. 110.

² Виноградов Г.С. Детский фольклор и быт. Программа наблюдений. Иркутск, 1925; Народная педагогика. Отрывки и наброски. –Иркутск, 1928; Капица О.И. Детский фольклор. –Л., 1928.

³ Виноградов Г.С. Этнография детства и русская народная культура в Сибири. –М., 2009. С. 32.

Бошқа, мутахассисларнинг фикрига кўра, этнопедагогикани умумий ва бир бутунликда халқ тарбиясининг назарияси ва тарихи сифатида тасвирлаш мумкин. Этнопедагогика ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, тажрибаларни, шахс тарбияланадиган, ўсадиган ўзаро социал алоқадорлик ва ижтимоий таъсир кўрсатиш жараёнини ўрганади; шахснинг тарихий-маданий шаклланишига таъсир кўрсатадиган бутун педагогик салоҳият, яъни диний ривоят, эртаклар, достонлар, халқ қўшиқлари, топишмоқ ва мақоллар, ўйинлар ва бошқаларда оиласиди турмуш ва жамоатизими анъаналарида, шунингдек, фалсафий-этикага оид, хусусан халқнинг педагогик қарашлари акс этган халқ донишмандлиги, болаларни ўргатиш ва тарбиялашга оид халқ билимларини йиғади ва тизимлаштиради¹.

Халқ тарбияси усулларини ўрганишнинг назарияси ва методологиясини яратишида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган Г.Н.Волковнинг фикрича: “Этнопедагогика термини провардида предмети у ёки бу этник гуруҳнинг “психологик қиёфасига” таъсир қилувчи уруғ, қабила халқ ва миллатнинг педагогик маданияти бўлган фаннинг моҳияти ва мазмунини аниқ ва тўла англатади”². Г.Н.Волков собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб чуваш халқи мисолида халқ тарбияси усуллари, мазмуни, мақсадини кенг қамровли тадқиқ этди ва унинг замонавий педагогикада татбиқ этилиши шарт бўлган афзаллик жиҳатларини ҳам кўрсатиб бера олди³.

Халқ тарбияси анъаналарини факат педагогик нуқтаи назардан ўрганиш айрим камчиликлардан холи эмас. Аслида, анъанавий жамиятларда халқ тарбияси жараёнларини кузатиш осон ва қулай эди. Лекин, жамият тараққиётининг кейинги даврида кишилар турмуш тарзининг хилма-хиллиги, ижтимоий-иқтисодий табақалашув тарбия жараёни турли

¹ <http://psjournals.ru/psyedu/2005/n1/Radina.shtml>

² Волков Г.Н. Этнопедагогика.– Чебоксар, 1974. –С. 8.

³ Волков Г.Н. Этнопедагогика. Чебоксары, 1974; О времени, о детях и о семье. М., 1971; Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. –Ташкент: Фан, 2000.

кўринишида бўлишига олиб келади. Бу эса тадқиқотчига катта қийинчиликлар туғдиради.

И.С. Кон “этнопедагогик” тадқиқотларнинг “у ёки бу халқнинг педагогик тажрибаларига бағишлиланганлиги ва факат тавсифий характерда эканлиги, қиёсий тадқиқотлар амалда йўқлиги, турли халқларнинг педагогикаси жуда ўхшаш ва, ҳатто бир хилли”¹ гини тўғри таъкидлаб ўтган эди. Шу ўринда нима учун турли халқларнинг тарбия анъаналари мазмунан бир хил деган савол туғилади. Бу ўринда халқнинг яхши тарбия ҳақидаги тасаввурлари билан амалдаги тарбия тизими ўртасидаги фарқни англаш лозим бўлади. Педагоглар эса кўпроқ халқнинг педагогик ғоялари ва тасаввурлари ҳамда етук инсон тарбияси ҳақидаги қарашларини ўрганадилар. Бу ғоялар эса умуминсоний мазмунга эга, яъни педагоглар кўпинча халқнинг ижтимоий-ахлоқий идеаллари ва норматив хулқ тасаввурлари билан унинг амалдаги тарбия тажрибаларини ажратса олмайдилар. Жумладан, барча халқларда ҳам болаларни меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғри сўзлик ва шу каби ижобий хислатлар руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинади. Дунёнинг деярли барча халқлари анъанавий тарбиясида қиз ва ўғил болалар тарбияси жинсий меҳнат тақсимотига асосланади ва уларга муносабат ҳам фарқланади. Бу умуний жиҳатлар. Аммо гап амалдаги тарбия тизимидағи хусусий ҳолатлар, яъни халқнинг яхши инсонни (етук авлодни) тарбиялашга бўлган интилиши билан амалдаги тарбия усули, воситалари ва қўлланилган тарбия тизими берадиган натижалар ўртасидаги фарқланишдадир.

Барча халқлар барча даврларда ҳам ўз болаларини ҳалол, кучли, мард ва меҳнатсевар бўлишини хоҳлайди. Масала шундаки, бу умуминсоний қадриятларнинг моҳияти қандай аник мазмун касб этади ва халқ педагогикаси қандай

¹ Кон И.С. Этнография детства. Историографический очерк // Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. –М.: Наука, 1983. –С.18.

воситалар билан ҳамда қай даражада самарали тарзда бу қадриятларни амалда қўллай олади. Бошқача айтганда, “қиёсий тадқиқотнинг асосий нуқтаси алоҳида олинган маънавий-психологик жиҳат ёки қадрият (мехнатсеварлик, мустақиллик каби) ёки аниқ педагогик услуг (масалан, интизомга ўргатиш, рағбатлантириш ва жазолаш услублари) эмас, балки унинг доирасида ўзига мос социализация тизими ва авлодлараро маданият трансмиссияси шаклланадиган, ишлаб турадиган ва ўз кўринишини ўзгартирадиган бир бутунликдаги турмуш тарзидир”¹.

Учинчи ёндашувда мавзуу миллий характерни ўрганиш тадқиқотлари контекстида ўрганилган. Гап шундаки, XX асрнинг 20-йилларидан этнографларни болалар тарбияси масаласи нафақат оиласвий-маиший маданият аспекти сифатида, балки маълум шахс типини шакллантириш ва қайта яратиш, миллий характер хусусиятларини авлоддан-авлодга ўтказувчи тизим сифатида ҳам қизиқтира бошлади.

Ушбу тадқиқотларга туртки бўлган нарса – бу 1874 йилда Ф.Галтон томонидан илгари сурилган инсоннинг ўз табиатига хос бўлган, туғилгандан кейин дуч келадиган, яъни “туғма” ва тарбия натижасида шаклланадиган руҳий ҳолатлар ҳақидаги ғояси эди². Бу ғоя кейинчалик XX асрнинг 20-йилларида Фарб оламида биологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг инсон ривожланишига таъсири ҳақидаги муаммоли мунозараларнинг бошланишига сабаб бўлди. Шунингдек, бу даврда немис психиатри Зигмунд Фрейднинг англанилмаган руҳий жараёнларни ўрганиш методи, яъни психоанализ ёрдамида маданиятни ва халқларнинг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш назарияси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

¹ Кон И.С. Этнография детства. Историографический очерк // Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. –М.: Наука, 1983. С.19.

² Королев С.Н. Вопросы этнопсихологии в работах зарубежных авторов. –М., 1970. С. 37.

Халқларнинг бола тарбияси усулларини миллий характерни шаклланиши билан боғлаш ғояси АҚШ маданий антропология мактаби намояндалари томонидан илгари сурилган. Ўша пайтда АҚШда энг машҳур бўлган антрополог Ф.Боаснинг ғоялари этнопсихология алоҳида предмет сифатида пайдо бўлишига туртки бўлди. У маданий плюрализм нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир маданият ўзига хос ноёб тараққиёт йўлига эга, деган фикрни илгари сурди ва максимал даражада янги назариялар ва ёндашувларни яратишга ҳаракат қилди¹.

Боаснинг издошлари ҳам маданиятни психологик нуқтаи назардан ўрганиш катта аҳамиятга эгалигига эътибор қаратганлар ва унинг ғояларини янгича қарашларда ривожлантирганлар. Жумладан, унинг шогирди ва айни пайтда янги этнопсихологик оқим намоядаларидан бири Рут Бенедикт ўз тадқиқотларини болалик даврини ўрганиш билан боғлаб олиб борган. Бу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ у “Маданият моделлари”, “Жануби-Ғарб маданиятининг психологик типлари”, “Шимолий Америкадаги маданиятлар конфигурацияси”, “Хризантема ва шамшир” каби асарларини яратди². У ўзининг “Маданият моделлари” китобида: “Ҳар бир маданият элементлари ўзаро боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки уларнинг ўзаро мазмунини ҳам аниқлайдиган ноёб конфигурацияга эга”³, деб ёзади ва буни “маданият этоси” деб атайди.

XX асрнинг 30-йилларида АҚШда маданий антропология мактаби ва фрейдизм оқими таълимотчиларининг қўшилиши натижасида янги йўналиш – неофрейдизм шаклланди. Неофрейдизм тарафдорлари З.Фрейднинг биологизмига

¹ Аверкиева Ю.П. Франц Боас (1858-1942) //Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. Вып. 1. М., 1946. –С. 87.

² Benedict R.F. Patterns of Culture. –New York, 1946; Thai National Character. –New York, 1964; Яна қаранг: Аверкиева Ю.П. История теорической мысли американской этнографии. М., 1979; Королев С.И. Вопросы этнопсихологии в работах зарубежных авторов. М., 1970. –С. 34-38.

³ Лурье С.В. Историческая этнология... – С. 53.

қарши шахс руҳиятига таъсир қилувчи биринчи омил сифатида социал тамойил ёки маданий детерминизмни қўйганлар. Неофрейдизмнинг атоқли вакилларидан бири, болалик даври этнографиясини психология билан боғланган илк тадқиқотчи – А.Кардинердир. Асли мутахассислиги психиатр бўлган бу олим ўз атрофига этнографларни ҳам тўплаб АҚШда янги йўналиш – “этнопсихология” мактабига асос солди. У “Индивид ва унинг жамияти”, “Жамиятнинг психологик чегараси” номли икки асарида ўз ғояларини илгари суради¹.

Унинг фикрича, инсоннинг шахсий хусусиятлари у туғилгандан кейинги дастлабки пайтларданоқ шаклана бошлади. Бу шакланиш ташқи таъсирлар ва, айниқса ҳар бир жамиятдаги ўзига хос бола парваришлаш усуллари: овқатлантириш, йўргаклаш, кўтариш, кейинроқ эса юришга, гапиришга ва озодаликка ўргатиш кабилар орқали амалга ошади. Шу сабабдан ҳам инсон руҳиятининг шакланиши, асосан, 4-5 ёшгача давом этади ва ундан кейин мустаҳкамланади ва бутун умр деярли ўзгаришсиз қолади. Ҳар бир халқ орасида гўдак парваришлаш усуллари ўхшаш бўлса-да, лекин турли халқларда бу борадаги муносабатларда ўзгариш сезилади².

Мазкур ғоя тарафдорлари ҳар бир халқнинг бола тарбиялаш усули орқали ўша халқ маданияти ва руҳиятини билиш мумкин, деб турли жамиятларда болалик даврини ўрганишга эътибор қаратганлар.

Турли халқларда бола тарбияси тизимининг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги ва мазкур анъанавий тарбия тизими орқали болалар жамиятга мос тарзда тарбияланишини илк бор тадқиқ этган ва асослаб берган олима – машҳур этнолог

¹ Kardiner A., Linton R. The Individual and His Society. –New York, 1939; The psychological frontiers of society.–New York, 1945; Бу ҳақида батафсил қаранг: Этнография и смежные дисциплины... С. 173.

² Kardiner A. The psychological frontiers of society.– –New York, 1945; Токарев С.А. История зарубежной этнографии.–М.:Высш. школа, 1978. –С. 279.

Ф.Боаснинг шогирди М.Мид эди. У Ф.Боаснинг турли маданиятлардаги тарбия усули турли шахслар ва уларга хос фаолиятларни келтириб чиқариши ҳақидаги фикрни қувватлайди ва инсон хулқ-автори, фаолияти, шахсий хусусиятларини биологик омил (ирқ) билан эмас, балки маданият билан боғлиқлиги ҳақида илмий хуносага келади¹.

М. Мид Самоа, Адмираллик оролларида, Янги Гвинея, Индонезиянинг Бали ороли ва бошқа ҳудудларда узоқ вақт мобайнида этнографик дала тадқиқотлари олиб борди. Мазкур дала тадқиқотлари асосида ёзилган “Самоада балоғатга етиш”, “Уч ибтидоий жамоаларда жинс ва темперамент”, “Гвинеяда балоғатга етиш” каби асарларида турли жамиятлардаги гүдаклар ва ўсмирлар тарбияси усулларини чуқур тадқиқ этди ва илк бора этнолог сифатида тарбия жараёнларининг руҳий жиҳатларини ҳам таҳлил этди².

М.Миднинг дастлабки назарий қараши – инсон табиатининг эластиклиги ва халқлар орасидаги хилма-хилликнинг вужудга келишида бола тарбияси муҳим роль ўйнашини исботлашга қаратилган эди³. У инсоннинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади деб билган гўдак йўргаклаш усули, чўмилтириш тартиби ва озодаликка ўргатишни тадқиқ этиш билан бирга мазкур жамиятларда катта ёшлиларнинг болаларга бўлган муносабати ва катталар ҳамда болалар ўртасидаги коммуникация усуллари, болалар ўйинлари, уларни бошқариш анъаналарига ҳам эътибор қаратади”⁴.

¹ Косвен М. Проблемы воспитания и психологии ребенка в свете этнографического материала (работы Маргарет Мид) //СЭ. М.: 1946. № 2. С. 48.

² Mead M. Coming of Age in Samoa. N.Y., 1928; Growing up in New Guinea. –New York, 1930; Sex and Temperament in Three Primitive Societies. –New York, 1935. Мид М. Культура и мир детства. –М.: Главная ред. Восточной литературы, 1988.

³ Мид М. Культура и мир детства ... С. 59.

⁴ Mead M. Growing up in New Guinea. –New York, 1930. Р.5-10, 40, 158.

Этнопсихология мактабининг назарий-методологик йўналиши маданият ва шахснинг ўзаро таъсирини аниқлашдан иборат бўлган. Уларнинг назариясига кўра, ҳар бир маданият ўзига хос шахслар типининг эгасидир ва болалар тарбиясини ўрганиш шахс ва маданият ўртасидаги муносабатлар орқали шаклланадиган миллий характерни очиб беришда муҳим восита ҳисобланади.

Тўртинчи ёндашувда масала болалар социализацияси сифатида қиёсий тадқиқ этилган. Маълумки, жамият ривожланиши баробарида тарбия тизимидағи бир хиллик бузилади, анъанавийлик ҳам нисбий хусусият касб этади. Жамиятда тарбия жараёнига таъсир қилувчи янги институтларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тарбиявий таъсир доираси ўзгариши ёш авлод тарбияси жараёнларини социализация контекстида тадқиқ этишни тақозо қиласди. Аммо ушбу масаланинг болалар социализацияси сифатида қиёсий тадқиқ этилиши бирдан юз бермади. Бу жараён босқичма-босқич амалга ошди.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида муайян ҳудуд аҳолиси ёки бирон-бир халқни ўрганишга бағишлиланган тавсифий мазмундаги монографиялар¹ билан бир қаторда, қиёсий характердаги умумлаштирувчи ишлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, немис этнографи Г. Плосснинг икки томли китоби бола тарбиясига оид тадқиқотларнинг қиёсий таҳлилига бағишлиланган² эди.

Арнольд ван Геннепнинг 1909 йили чоп этилган “Ўтиш даври маросимлари” (Обряды перехода)³ китобида болалик даврида бажариладиган урф-одат ва маросимлар таҳлил

¹ Костомаров Н.И. Очерк домашней жизни и нравов великорусского народа в XVI и XVII столетиях. Спб., 1887; Терещенко А. Быт русского народа. Т. 1-2. СПб., 1848 ; Ивановская Т. Дети в пословицах и поговорках // Вестник воспитания. 1908, Кн. 2.

² Ploss H. H. Das Kind im Brauch und Sitte der Voelker. 2 Aufl., 2 B. Leipzig, 1911-1912.

³ Геннеп Арнольд Ван. Обряды перехода: систематическое изучение обрядов.– М., 1999.

этилган бўлиб, мазкур тадқиқот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XX асрнинг 30–60-йилларида этнографияда бола тарбияси ёки болалик даври масаласини ўрганиш кенг тус олди. Р.Фёрснинг тикопиялик полинезияликлар, М.Фортеснинг гарбий африкалик талленс халқлари, Ж.Уайтингнинг квомалик папуаслар, Х.Я.Хогбиннинг меланезиялик вогеолар, К.Дюбуанинг алораликлар, М.Риднинг африкалик нгони (Малави республикаси) халқларидағи болаларни (анъанавий – Б.У.) социализация қилиш тизими батафсил ёритилган монографиялари¹ чоп этилди. Бундан ташқари бола тарбиясига тегишли тўпламлар ва умумлаштирувчи ишлар² ҳам яратилди. Монографик тадқиқотларнинг сони кўпайиши болаларни парваришлаш усуслари, интизомга ўргатиш типлари, болаларга муносабат ва бошқа шу каби ҳодисларни қиёсий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишга рағбатлантириди.

Бу даврда катта илмий аҳамиятга молик тадқиқот сифатида француз олими Филлипп Арьеенинг “Эски тартиб шароитида бола ва оиласвий ҳаёт”³ китобини келтириш мумкин. Мазкур тадқиқот орқали Арьеес болалик тарихини ёритувчилар ичида бу масалага янгича ёндашишнинг новатори бўлди.

Арьеенинг ғоясига кўра, жамият болаларни қандай қабул қилиши ва қай тарзда тарбиялаши – бу бутун бир маданиятнинг асосий тавсифномасидир. Бундай

¹ Firth R. We, The Tikopia. L., 1936; Fortes M. Social and Psychological Aspects of Education in Taleland. Afrika. 1930. vol. 11(4) Suppl; Whiting J.W.M. Becoming a Kwoma. New Haven, 1941; Hogbin H.I. A New Guinea Infancy. – Oceania, 1946, vol. 16; Dubois C. The People of Alor. Minneapolis, 1944; Read M. Children of Their Fathers Growing Up among the Ngoni of Malawi. L, 1960. Бу маълумотлар И.С.Кондан олинди: Кон И.С. Этнография детства (Проблемы методологии) // Советская этнография. 1981, № 5. С.3-12.

² Hilger I. Field Guide to the Ethnological Stadi of the Child Life. New Haven, 1960 From Child to Adult. Studies in the Anthropology of Education.,Ed. By J. Middleton. Austin and London, 1970; Munroe R. L., Munroe R. H. Cross-Cultural Human Development. Monterey, 1975.

³ Арьеес Ф. Ребенок и семейная жизнь при старом порядке. Екатеринбург, 1999.

қарашларнинг ўзгариши бошқа чуқур макросоциал (масалан, оиланинг структураси ва функцияси бўйича) ўзгаришларга олиб келиши мумкин¹.

Франциялик африкашунос, тарбия этнологияси бўйича мутахассис П.Эрнининг XX аср 70-йилларида яратилган “Кора Африкада бола ва унинг муҳити. Анъанавий тарбия хақида очерк” китоби ҳам диққатга сазовор. Муаллиф ушбу асарда кўплаб махсус адабиётлар ва ўзининг кузатувларига таянган ҳолда, анъанавий африка институтлари тизимида боланинг ўрни ва тарбиясининг умумий ҳолатини кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу ўринда анъанавий тарбиянинг замонавий жараёнларга мос эволюциясига алоҳида эътибор қаратади².

А.Шлегел ва Г.Баррилар этнология соҳасида ушбу мавзу бўйича маданиятлараро кенг кўламли тадқиқотлар олиб борганлар. Улар турли жамиятларда инициация масаласини ўрганишга катта эътибор қаратганлар³.

XX асрнинг 80-йиллари охиридан болалик тарихига – антропологиянинг ижтимоий йўналишидаги соҳаси сифатида қарала бошлади ва унда предмет алоҳидалашуви (дифференциация) бошланди. Болалик тарихидан ажralиб чиққан мавзулар орасидан оналик, оталик ва ота-оналар ҳамда болалар ўртасидаги алоқаларни олиш мумкин. Демак, ўрганилаётган мавзу юзасидан XX аср бошларида муайян худуд ахолиси ёки бирон-бир халқни ўрганишга бағишлиланган тавсифий мазмундаги ишлардан секин-асталик билан жамият ва бола масаласи контекстида тадқиқ этила бошланди ва XX асрнинг 80-йилларига келиб алоҳида тадқиқот йўналишига айланди.

¹ Meckel R.A. Childhood and the Historians. A Review Essay. Journal of Family History. Winter 1984, vol. 9, № 4 . P. 415-424.

² Erny P. L`Enfant et son milieu en Afrique Hoire. Essai sur L`education traditionnelle. P., 1972.

³ Schlegel A., Barry H. Adolescent Initiation Ceremonies: Cross-Cultural Codes – Ethnology. 1979.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики АҚШ ва Ғарбий Европада болалик даври ва болалар дунёсини, бола ва жамият ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиш юзасидан турли соҳа мутахассислари (антрополог, психолог, психиатр, тарихчи, демограф, файласуф) томонидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган ва янги назариялар илгари сурилган. Аммо бу масалада россиялик олимлар бирмунча орқада эдилар. Тўғри, XX асрнинг бошларида ёқ Россияда ҳам болалик даврининг руҳий-психологик жиҳатларига оид тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур соҳа педология деб номланган¹. Н.А.Рыбников, Л.С.Выготский, П.П.Блонский каби қатор тадқиқотчилар Россияда педологиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Аммо 1936 йилдан собиқ СССРда педология ёлғон фан деб эълон қилинди ва шу тариқа педологик тадқиқотлар тўхтатилди ва узоқ вақтгача унутилди². Балки, айнан шу ҳолат кейинчалик ҳам болаларни ижтимоий жиҳатдан чукур ўрганишга тўсиқ бўлгандир.

Фақат XX асрнинг 80-йилларидан совет этнографиясида болалар социализацияси масаласини тадқиқ этишга қизиқиш кучайди. И.С.Кон раҳбарлигида Осиё, Африка, Океаниядаги кўплаб халқларнинг бола тарбиясига доир анъаналари, урфодатлари ҳамда тарбия усули – болалар социализациясини ўрганиш юзасидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилди. И.С.Кон болалик даврини чуқур тадқиқ этилишига раҳнамолик қилиш билан бир вақтда “Болалик даври этнографияси”³ деб номланган тўртта тўпламнинг масъул

¹ Аслида, педология болаларни психологик, биологик ва ижтимоий жиҳатдан ўрганувчи фан сифатида АҚШ ва Ғарбий Европада XIX аср охирларидан шакллана бошлаган.

² Рыбников Н.А. Детские дневники как материал по детской психологии. –М., 1946. С. 32.

³ Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. М.: Наука, 1983; Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Передней и Южной Азии.–М., Наука, 1983; Этнография детства. Традиционные формы воспитание детей и подростков Южной и Юго-Восточной Азии. –М.:

мухаррири бўлди ва ушбу мавзуни социологик, психологик ҳамда фалсафий жиҳатдан таҳлил қилди¹. Айниқса, унинг “Бола ва жамият”² монографиясида болалик даврини, унинг ёш босқичларини фалсафий-социологик таҳлили, ўзгараётган жамиятда социализация жараёни, жинсий социализация, ота-оналик муносабатлари ва унинг бола шахси шаклланишидаги таъсири каби масалалар ҳам тарихий-ижтимоий, ҳам педагогик, ҳам ижтимоий-психологик ва фалсафий жиҳатдан ўрганиб чиқилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, унинг раҳбарлигида XX асрнинг 80–90-йилларида олиб борилган кенг кўламли тадқиқотларда турли халқларнинг болалар ва ўсмирлар тарбиясидаги анъанавий усулларигина ўрганилган. Бу ҳақида И.С.Коннинг ўзи ҳам: “Бизнинг тадқиқотимизда умуман болалик олами ва болаларни социализация қилиш ҳақида эмас, балки фақат социализациянинг анъанавий институтлари ва методлари ҳақида гап кетади”³, – деб ёзади.

Анъанавий жамиятларни ўрганиш замонавий жамиятларда ҳам маълум даражада мавжуд бўлган, аммо ўз моҳиятини йўқотган ёки мазмунан ўзгарган ёки трансформацияга учраган ҳолатларни аниқлаш учун назарий асос берган дейиш мумкин.

Масалан, болалик ва ўсмирлик даври этнографиясининг энг умумий муаммолари бўлмиш жинсий дифференциация, ёш ва жинсга боғлиқ символизм, ўсмирлик инициацияси,

Наука, 1988; Этнография детства. Традиционные методы воспитания детей у народов Австралии, Океании и Индонезии. –М.: Наука, 1992.

¹ Кон И.С. Проблема детства в современной американской этнопсихологии // Советская этнография. 1977. № 5. –С. 148-159; Психология юношеского возраста. М., Просвещение. 1979; Возрастные категории в науках о человеке и обществе // Социологические исследования. 1978. № 3; К проблеме возрастного символизма // Советская этнография. 1981. № 6; Ребенок и общество. –М., Наука. 1988; Психология ранней юности. –М.: Просвещение, 1989.

² Кон И.С. Ребенок и общество: Историко-этнографическая перспектива. –М.: Наука, 1988.

³ Кон И.С. Введение // Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. –М.: Наука, 1983. С. 3.

эркаклар иттифоқи, жинсий (сексуал) ахлоқ нормалари каби масалалар илк маротаба анъанавий жамиятлар бўлмиш Австралия ва Океания халқлари тажрибасида ўрганилг¹. Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, анъанавий жамиятларда бола тарбиясини ўрганиш юзасидан дунё миқёсида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилганлиги ва бу соҳада катта илмий аҳамиятга эга бўлган бой этнографик маълумотлар йиғилганига қарамай, замонавий жамиятларда ёш авлод тарбияси ёки социализация масаласини тадқиқ этиш ўта долзарб ва айни пайтда мураккаб мавзудир.

Келтириб ўтилган маълумотлардан хулоса қилинадиган бўлса, ўрганилаётган масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлардаги назарий-методологик ёндашувлар мазмунан бир-биридан фарқланган.

Биринчи ёндашувдаги ишларни, асосан, тавсифий характерга эга тарихий-этнографик тадқиқотлар сифатида баҳолаш мумкин.

Иккинчи ёндашувда – масала халқ педагогикаси ёки болалар фольклори сифатида ўрганилган бўлса, учинчи ёндашувда масала – миллий характерни ўрганиш контекстида тадқиқ этилган.

Ҳар икки ёндашувда болалар тарбияси масаласини мустақил тадқиқот сифатида тадқиқ этиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. 1930–1940 йиллар давомида АҚШда неофрейдистик назария бўлмиш шахс ва маданият таъсири остида болаларни жамиятга қўшиш усулларини ўрганиш ҳам этнологлар, ҳам психолог ва психатрлар томонидан олиб борилди. Ҳар икки йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида катта илмий аҳамиятга эга бўлган ютуқларга эришилганига қарамай, назарий ва методологик жиҳатдан айrim камчиликлар ҳам йўқ эмасди. Ушбу ҳолат шу билан

¹ Кон И.С. Предисловие // Этнография детства. Традиционные методы воспитания детей у народов Австралии, Океании и Индонезии. –М.: Наука, 1992. С. 3.

ифодаландики, аввало, “этнопедагогик” тадқиқотларда бир томондан бу тадқиқотларнинг у ёки бу халқнинг педагогик тажрибаларига бағишланганлиги ва фақат тавсифий характерда эканлиги, қиёсий тадқиқотларнинг жуда камлиги бўлса, бошқа томондан мутахассисларнинг кўпинча халқнинг ижтимоий-ахлоқий идеаллари ва норматив хулқ тасаввурлари билан унинг амалдаги тарбия тажрибаларини ажрата олмаганларида эди.

Антраполог, этнолор ва психолорлар ҳамкорлигига олиб борилган миллий характерни ўрганиш тадқиқотларида эса бир томондан психологик омилга урғу берилган бўлса, бошқа томондан уларнинг бир қисми инсон характеристи фақат тарбия натижасида шаклланади деб, бошқа омилларнинг ролини инкор қиласи, қолганлари бир ҳил маданият фақат шу маданият мос шахс типларини яратади, дейди ва улар ҳам ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирига кўп эътибор қаратмайдилар.

Тўртинчи ёндашув – масаланинг болалар социализацияси сифатида қиёсий тадқиқ этилиши XX аср бошларига тўғри келади. Дастрраб, муайян ҳудуд ахолиси ёки бирон-бир халқнинг бола тарбияси анъаналарини тавсифий ўрганишдан секин-асталик билан болалар социализацияси масаласи – жамият ва бола контекстида тадқиқ этила бошлади ва XX асрнинг 80-йилларига келиб алоҳида тадқиқот йўналишига айланди. Бу йўналишда кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилди, янги ғоялар, назариялар илгари сурилди.

Совет этнографиясида XX асрнинг 80–90-йилларидан болалик даврини ўрганиш болалар социализацияси номи билан олиб борилган ва бунда этнографлар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аслида болалар тарбиясидаги анъанавий усуллар тадқиқ этилган. Замонавий жамият шароитида болаларни ўрни масаласи, янги шарт-шароитларда

болалар социализацияси масаласига этнологлар томонидан кам эътибор қаратилган.

Х.Д.ҲАҚНАЗАРОВ
Низомий номидаги ТДПУ

Ёшлар муаммосини ўрганиш методлари ва методологияси

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга давлат сиёсати даражасида юксак аҳамият берилмоқда. Мамлакат миқёсида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, фармон ва фармойишлар, айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”¹.

Ёш авлод муаммоларига оид тадқиқотларни методологик жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш, илмий-методологик қарашлар эволюциясини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар масаласини ўрганиш бўйича қатор методлар ва воситалар, методологик таҳлиллар билан шуғулланиш ҳам ўзига хос тарих ва тавсифга эга.

Ёшлар муаммоларини ўрганишга оид методологик тадқиқотлар ўтган асрнинг бошларидан бошлаб кенг доирада ўрганила бошлади. Хусусан, америкалик социолог Стенли Холл ўзининг “Ўсмирилик” (1940) номли китобида ёшлар муаммоларини ўрганишга оид дастлабки маълумотларни баён

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент, 2010. 74-75-бетлар.

қилган. Шунингдек, немис психологи К.Гросснинг 1912 йилда чоп этилган асари эса ёшлар муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш масалаларига бағишиланган. Бошқа бир немис социологи К.Мангейм ўзининг “Бугунги кунимиз ташхиси (диагнози)” номли 1943 йилда чоп этилган асарида турли ёш даврлари ҳақида фикр юритиб, ёшларни бир босқичдан кейинги босқичга ўтаётганидаги муаммолари ва уларнинг ечимларини топишга оид турли методологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Дастлаб ёшлар муаммоларини методологик жиҳатдан тадқиқ этишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчи йўналишда тадқиқотчилар асосий эътиборни фақатгина ёшлар гуруҳига эмас, балки бутун ёшлиқ, яъни индивидлик жараёнидан тортиб, ёшлар деб аталаған босқичгача қамраб олиши масаласига қаратдилар. Бунда авлодлар алмашинуви, ёшларнинг ўспиринлик, ўсмирилик ва ёшлиқ босқичларини алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувоғиқ бўлди. Бу борада Стенли Холл, Ш.Бюлер, В.Штерн, А.Фрейд, В.Райх ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Иккинчи йўналишда ёшлар “маданий гуруҳ” сифатида ўрганилиб, ўзига хос маданий урф-одатлар мажмуасини сақлаган ҳолда, мазкур жараёнларда ёшлар ўз маданий вазифаларини бажаришлари лозимлиги кўрсатилган. Бу борадаги масалалар юзасидан Э.Шпрангер, Р.Бенидикт, Б.Малиновский, М.Мид ва бошқалар ўз тадқиқот ишларида кенг тўхталганлар.

Учинчи йўналишда ёшлар жамиятнинг ўзига хос изчиллиги, кетма-кетлиги, авлодлар алмашинуви каби жараёнларнинг обьекти ва субъекти сифатида талқин этилган. Бу борада К.Мангейм асос солган мактаб давомчилари қатор тадқиқотлар олиб борганлар.

Тўртинчи йўналишда ёшлар социализациясига асосий эътибор қаратилиб, унда ёшларнинг ижтимоийлашув

жараёнлари, ёш йигит-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари тадқиқ этилган. Ш.Эйзенштадт, Л.Розенмайр ва бошқалар асарларида тўртинчи йўналишга оид маълумотлар учрайди.

Ёшларнинг жамиятдаги фаолияти, оила ва тенгқурлар жамиядаги функциялари, уларнинг таълим-тарбия муассасалари ва меҳнат жамоаларидаги роллари хусусида фикр юритилганда мазкур жараёнлардаги ёшлар фаолиятини ўрганишда қуидаги методологик тавсиялар мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, иш фаолиятидаги ёшларнинг муаммолари билан шуғулланиш ва уларга оид ишланмалар ишлаб чиқиш керак. Бу йўналишда, гарчи анча илгари тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, мазкур масала бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб турибди. Яъни, ёшлар муаммоларини тадқиқ этишда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшлар гуруҳини алоҳида тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида банд бўлган ёшларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда ўқувчи ёшлар, талаба ёшлар каби гуруҳларга тегишли масалаларни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш муҳим натижа беради. Бу борада Ўзбекистондаги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва қатор Farb мамлакатларидағи “Ёшларни тарбиялаш концепцияси”, “Ёшларни назорат қилиш концепция”си кабилар шулар жумласидандир. Россияда ёшлар таълим-тарбия олиши жараёнларининг назарий-методологик таҳлили П.П.Блонский ва Л.С.Выготский илмий тадқиқотларида учрайди.

Учинчидан, ёшларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва ёшларга оид давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш орқали аввало ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вужудга келиши сабаблари ва ривожланиши каби масалаларга ойдинлик киритиш мумкин. Бу борада мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ўзбек халқининг

бой маданий мероси, миллий анъаналарини қайта тиклаш, етакчи жамоатчилик ва маданият арбобларининг ижодий салоҳиятини бирлаштириш, ёш истеъдод ва иқтидор эгалари, ижодкор сулолаларни қўллаб қувватлашда фаоллик кўрсатаётган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси бугунги кунда ёшларга кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда¹. Шунингдек, мамлакатимиздаги кўпмиллионли йигит-қизларни бирлаштирадиган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Ташкилотнинг асосий мақсади – мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънан етук, дунёқараши теран, мустақил фикрловчи миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамоийилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чукур эгаллаган фуқароларни вояга етказишга кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг инсон ҳуқуqlари ва қадр-қимматини улуғлашга, халқимиз обрўси ва нуфузини оширишга хизмат қилишдан иборат.

Ёшлар муаммоларига оид тадқиқотлар олиб борган кўпгина мутахассисларнинг фикрича, ёшлар муаммоларини келтириб чиқарувчи сабабларни болалик, ўсмирилик ва ўспириилик даврида излаш керак. Улар мазкур босқичларнинг қай даражадаги изчиллиги ёшларнинг келажакдаги фаолиятига катта таъсир кўрсатишини таъкидлашмоқда.

Бугунги кунда ёшлар муаммосини олдини олишга оид социологик сўровлар асосан катта ёшлилар – ота-оналар, зиёлилар, бевосита ёшлар масалаларига даҳлдор бўлган муассасалар ходимлари кабилар ўртасида ўтказилади. Бундан асосий мақсад ёшлар муаммоларини ўрганишга оид қўшимча

¹ Шодмонов А. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. Тошкент, 2011. 36-бет.

тавсиялар олиш ёки маълум бир масала юзасидан ёшлар ва катта ёшлиларнинг фикрларини ўзаро солиштирган холда ягона бир тўхтамга келишдан иборат. Лекин бу борада ҳам муаммолар келиб чиқиши мумкин, яъни бу тизим охирги пайтларда у даражада ўзини оқламаяпти.

Масалан, яқинда Россияда ёшлар ташкилотлари етакчилари ўртасида ўtkазилган сўровда 14,3 фоиз респондентлар ёшларни оммавий ташкилий фаолият билан шуғулланишга тайёрлигини таъкидлашган бўлишса, бевосита ёшлар билан ишлайдиган ходимлар бу борада бор йўғи 1 фоизни ташкил этган. Чунки ҳар икки гурухдаги мутахассислар ёшлар муаммоларини ўз даражаларида тушунадилар ва талқин этадилар. Бу жараёнда ўзаро таққослаш орқали ягона фикрга келиш жуда мушкул.

Ёшлар муаммосини тадқиқ этишнинг методологик хусусиятларидан яна бири бу – ёшларнинг уйдан ташқаридаги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишdir. Ёшлар бўш вақтларини қандай ўтказиши, улардан қандай фаолият тури билан шуғулланиши, қачон, қаерда, кимлар билан учрашаётганлиги, бундан ота-оналарнинг қай даражада хабардорлиги каби масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб борилиши ҳам қатор муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Сабаби бугунги кунда катталарнинг бу борадаги қарашлари, ўзларининг ёшлик даврлари билан таққослаш оқибатида юзага келадиган фикрга амал қилиш ҳеч қандай натижа бермайди. Шу боис ёшлар муаммоларини ўрганишда кузатув-амалий, визуал, ёшлар турмуш-тарзига оид ҳужжатларни таҳлил қилиш каби методларга асосланиш, кўзланган натижани бериши мумкин. Ёшлар билан яккама-якка сухбат асносида уларнинг ўзларига, оилаларига, ўз даврларига нисбатан муносабатни, ҳаётдан қониқиши даражасини, ёшларнинг катталар ва катталарнинг ёшлар олдидағи вазифалари уларнинг фикрича

нималардан иборатлигини билиш ҳам илмий тавсиялар беришга ёрдам беради.

Ёшлар масаласини тадқиқ этишда этнографик методларга асосланиш ҳам муҳим натижаларни беради. Этнографик метод миллий қадриятлар тизимида ёшларнинг ўрни, урф-одат ва анъаналарнинг роли каби мавзуларда олиб бориладиган тадқиқотлар учун асқотади. Мазкур методнинг дастлабки намояндлари И.Ф.Девятко ва А.С.Готлиб бўлиб, улар ёшлар муаммоларига оид методологик тадқиқотларни этнографик нуқтаи назардан ўргангандар¹. Ёшлар турмуш тарзи билан боғлиқ илмий-методологик қарашлар эволюциясини В.А.Ядов ва В.В.Семеновалар давом эттиришган².

Бу метод орқали ёшларнинг кундалик турмуш тарзи, ўзига хос қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини, уларнинг бу борадаги субъектив қарашларини илмий тилда тушунтириб беришга ёрдам беради. Шу билан бирга ўтказиладиган сўровномалар орқали анъанавийлик ва замонавийлик хусусиятларини ўзаро бир-бирига таққослаш натижасида ундаги ўзгаришларни билиш мақсадга мувофиқдир. Ёшлар масаласини этнографик метод орқали ўрганишни шартли равишда уч турга бўлиш мумкин:

1. Эркин мулоқот (сухбат) йўналиши – бунда турли миллат, халқ, элат ва жамоаларда эркин мулоқот, сухбат олиб бориш асосида қатор маълумотларни қўлга киритиш мумкин.
2. Жорий йўналиш – бунда турли ижтимоий гурухлар, миллат, халқ, элат ва жамоа вакилларидан интервью орқали материаллар тўпланади.

¹ Қаранг: Девятко И.Ф. Методы социологического исследования, М., 2003, Унинг: Модели объяснения и логика социологического исследования, М., 1996; Готлиб А.С. Введение в социологическое исследование: качественный и количественный подходы, Самара, 2002;

² Қаранг: Семенова В.В. Качественные методы: введение в гуманитарную социологию, М., 1998; Ядов В.А. Стратегия социологического исследования: описание, объяснение, понимание социальной реальности. М., 1998.

3. Анъанавий йўналиш – бунда кузатув методлари орқали маълумотлар тўплаш мумкин.

Этнография нафақат замонавий халқларни, балки халқлар тарихи, этногенези, ижтимоий бирлиги ва халқларнинг ёзма ёдгорликларини ҳам ўрганади. Бу борада халқларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш орқали ҳам жуда кўп ахборотларни қўлга киритиш мумкин. Ёшлар муаммоларини этнографик методлар орқали ўрганишда лингвистик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Чунки тил халқ маданиятининг энг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ қилиш, уни замонавий методлар орқали ўрганиш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш катта аҳамиятга эга. Зоро, бугунги глобаллашув шароитида ёшлар ҳаёти ва фаолиятининг ҳар бир жиҳатига жиддий ёндашиш, баркамол авлод тараққиётининг кафолати бўлажак.

II. МИЛЛИЙЛИК ВА ЭТНОМАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

*К.и.н. А.Р. ТАГАЕВ
Институт истории АН РУз.*

Концепция экологической ниши в этноэкологии

Важными понятиями этнической экологии являются понятия *экологическая ниша* и частично перекрывающийся с ней по содержанию, но далеко не совпадающий *хозяйственно-культурный тип*. Их изучение может быть обоснованно отнесено к сфере этноэкологических исследований.

Понятие экологическая ниша обычно трактуется как “функциональное место вида в экосистеме, определяемое прямыми и обратными связями ... с остальными видами ... и абиотическими факторами среды”¹. Широко известна метафора, что экологическая ниша обозначает своего рода “профессию” биологического вида, а местообитание - его “адрес”, и что, следовательно, это разные (притом разноуровневые) экологические понятия. В наиболее полном виде экологическая ниша обычно определяется биоэкологами как совокупность (а) необходимых для данного вида условий среды обитания [многомерная ниша], (б) положения вида в пищевой сети [трофическая ниша], и (в) местообитания [пространственная ниша]².

Проблема ниши в этнологии разработана основателем конструктивистской школы современной этнологии Фредериком Бартом. Апробация концепции “экологических

¹ Реймерс Н.Ф. Азбука природы (микроэнциклопедия биосферы). М., 1980. С.208; Он же. Экология (теории, законы, правила, принципы и гипотезы). М., 1994. С. 367.

² Одум Ю. Экология. Т. 2. М., 1986. С. 376.

ниш” впервые осуществлена Ф. Бартом на примере территории Северного Пакистана в 1956 г¹. В своем следующем труде, вышедшем в свет в 1969 г., он попытался более четко сформулировать данную концепцию². Он описал, как три этноса - пуштуны (патаны), кохистанцы и гуджары - сосуществуют друг с другом в одном горном регионе, расселяясь отчасти чересплосно, но занимая в значительной степени неперекрывающиеся экологические ниши и потому минимизируя конкуренцию за ресурсы и потенциал межэтнической конфликтности. Это объясняется тем, что пуштуны как наиболее многочисленный и организованный в военно-политическом отношении народ несколько столетий назад захватили в регионе все те участки речных долин, где по климатическим условиям можно выращивать два урожая в год, и где, поэтому можно эффективно заниматься орошающим земледелием, проживая оседло и круглогодично выпасая скот в окрестностях поселений. Оседлые земледельцы-кохистанцы были оттеснены в верхние части речных долин, где они занимаются богарным земледелием, выращивая один урожай в год, и отгонным скотоводством, используя летом недалекие альпийские пастбища и заготавливая на зиму корма для скота в окрестностях своих поселений. Наконец, гуджары в регионе занимаются либо кочевым скотоводством, проводя со своими стадами лето в горах рядом с пастухами-кохистанцами и спускаясь на зиму в места расселения пуштунов, либо работают по найму в поселениях пуштунов и, реже, кохистанцев, выпасая их скот летом в высокогорье, а зимой - в районе пуштунских селений. Таким образом, Ф. Барт ввёл понятие экологическая ниша в культурную экологию и, шире, в социально-культурную антропологию, определив его следующим

¹ Barth F. Ecologic relationships of ethnic groups in Swat, North Pakistan // American Anthropologist. Vol. 58 (6). 1956. P. 1079-1089.

² Barth F. Ethnic groups and boundaries (Introduction). Oslo, 1969.

образом: "... ниша - положение, которое группа занимает в среде обитания, с учётом её связей с ресурсами и конкурентами"¹. С тех пор термин в трактовке Ф. Барта и резюме его исследования практически всегда включается даже в университетские учебники по экологической антропологии² или культурной экологии³.

С другой стороны, и в экологически ориентированных исследованиях в англоязычной социально-культурной антропологии в действительности не очень много работ, в которых плодотворно использовался бы этот термин. По сути исследование Ф. Барта, основанное на операциональном использовании понятия экологическая ниша применительно к человеку и разграничении экологических ниш различных этнокультурных групп в полигэтничном регионе, осталось одним из немногих успешных опытов такого рода. В целом ряде других случаев этот термин тоже применялся специалистами в области археологии или социально-культурной антропологии, но чаще всего некорректно, т.е. для обозначения местообитаний или биотопов⁴.

Действительно, говоря о культурной адаптации какого-либо сообщества, мы в первую очередь локализуем и описываем район его расселения и анализируем природные ресурсы, за счёт которых существует данная группа. Эти ресурсы во многом определяют образ жизни и систему питания населения, а к природно-географическим условиям территории расселения и образу жизни приспособлены одежда, жилище, поселения этих людей. Изучение системы жизнеобеспечения заставляет нас более пристальное внимание уделять технологиям изъятия ресурсов

¹ Barth F. Ecologic relationships of ethnic groups... P. 1079.

² Moran E. Human Adaptability. An Introduction to Ecological Anthropology. Boulder: Westview Press, 1982. 404 + XII pp.

³ Netting R. Cultural Ecology. 2nd edition. Prospect Heights (II): Waveland Press, 1986. 131 + VII pp.

⁴ Ellen R. Environment, Subsistence and System: The Ecology of Small-Scale Formations. Cambridge: Cambridge University Press, 1982. 324 + XVI pp.

географической среды и их переработки либо иных способов постоянной эксплуатации, а также организации потребления получаемой продукции. Таким образом, в результате оперирования только этими понятиями адаптации и жизнеобеспечения, мы в сущности получаем почти всю ту информацию, которую могло бы дать последовательное использование понятия экологической ниши при изучении данного сообщества. Кроме того, в советской этнологии сложилась концепция хозяйственно-культурных типов¹ (далее - ХКТ), а в англоязычной социально-культурной антропологии - практически аналогичные представления о "системах обеспечения средствами существования", или системах жизнеобеспечения (systems of subsistence). Параллельно к подобным идеям пришли и американские социально-культурные антропологи², но это произошло несколько позже и к тому же у них до сих пор выделение систем жизнеобеспечения не основывается на столь строгих и детальных исследовательских процедурах, как в случае с ХКТ.

Однако, когда мы в итоге относим изученную группу населения к какому-то ХКТ, например, к "хозяйственно-культурному типу кочевников-скотоводов степей и полупустынь умеренного пояса", то тем самым фактически характеризуем занятую этой группой экологическую нишу. Так, в данном случае в названии ХКТ практически представлена следующая информация: прямо - о местообитании (степи и полупустыни), косвенно - о климатических и иных абиотических и биотических условиях среды обитания, типичных для этой природной зоны. Термин "кочевник-скотовод", конечно же, несёт в себе информацию об основных используемых ими природных ресурсах

¹ Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области (к постановке проблемы) // Советская этнография. 1955. № 4. С. 3-17.

² Netting R. Cultural Ecology. 2nd edition. Prospect Heights.

(естественный растительный покров), позволяющих скотоводам получать пищу (молочные и мясные продукты), топливо (кизяк) и материалы (шкуры, шерсть и производимый из неё войлок) для изготовления одежды и переносных жилищ-юрт, а также товары (скот, шерсть и шкуры, сыр и масло) для обмена с земледельцами на растительные продукты питания (муку), ткани и одежду из растительных волокон, орудия труда и т.п. Таким образом, мы получили, если вдуматься, почти законченное описание соответствующей экологической ниши кочевников-скотоводов по всем её основным параметрам - местообитанию, природным ресурсам и природным условиям.

Из сказанного можно понять причину того, почему термин экологическая ниша оказался столь непопулярен среди этноэкологов, в отличие от биоэкологов. Однако отсюда ещё не следует, что его использование в этноэкологических исследованиях в действительности не является оправданным или продуктивным. Напротив, есть как минимум две области этноэкологических исследований, в которых именно последовательное применение понятия экологическая ниша позволяет вскрыть весьма интересные закономерности, которые иными путями обнаружить почти невозможно. Прежде всего, речь может идти о выявлении вероятных причин этнических конфликтов. Вспомним, что Ф. Барт писал о полигэтничном регионе (Свате) и конкуренции населяющих его этнических групп за ресурсы, которая снимается в случае занятия ими разных экологических ниш, т.е. при переходе к эксплуатации различных природных ресурсов. Но ведь может быть справедливым и обратный вывод - появление конкуренции и конфликта между этническими группами там, где они из прежде разных экологических ниш "стягиваются" в одну нишу под воздействием демографического роста и вынужденного

отказа от более экстенсивных форм природопользования либо процессов социо-культурной модернизации, переходя к зависимости от одних и тех же ресурсов полиэтничного по составу населения региона.

Таким образом, территориальные этнические конфликты в регионах былого распространения кочевого и пастушеского скотоводства отличаются наибольшей сложностью, поскольку обе стороны (потомки скотоводческих и оседло-земледельческих этнических групп) убеждены в принадлежности спорных территорий, прежде всего им на основе справедливости, исторического права и здравого смысла. Однако в любом случае нельзя игнорировать особый характер такого рода территориальных конфликтов, где обе стороны по-своему правы и в своих территориальных требованиях опираются на реальные рассказы собственных отцов или дедов, а не только на исторические документы или предания и мифы.

Другим примером продуктивности использования понятия экологическая ниша в этноэкологии могут служить исследования исторической эволюции хозяйства и природопользования. Историю человечества можно рассматривать сквозь призму этноэкологии, т.е. как процесс последовательной смены экологических ниш на Земле, занятых представителями одного биологического вида *Homo sapiens* или видами-предшественниками. Важнейшая отличительная особенность человека, не имеющая параллелей в живой природе Земли, заключается в возможности занятия этим единым видом принципиально разных экологических ниш, что обеспечивается приоритетной ролью социо-культурной составляющей в процессах его адаптации.

Следует отметить, историческую трансформацию энергетических связей человека со средой обитания, ярко отражающую качественные изменения в механизмах

культурной адаптации при смене освоенных экологических ниш. Первым фундаментальным преобразованием энергетических связей с природной средой у предшествовавших современному человеку видов гоминид стало применение огня. Использование огня, для приготовления пищи, привело к тому, что при ее употреблении в вареном или жареном виде увеличилась положительная разница между количеством энергии, усваиваемой из термически обработанных продуктов питания, и энергетическими затратами организма на их переваривание. Важную роль сыграла также возможность обогревать жилища, поэтому использование огня, наряду с совершенствованием жилища и одежды, позволило человеку выйти из тропиков. Значительную роль огонь сыграл также в организации охотничьего хозяйства (выжигание растительности в травянистых экосистемах с целью привлечения копытных животных молодой порослью трав и уничтожения древесно-кустарниковых видов растений, применение огня в загонных охотах) и в обеспечении безопасности стоянок от крупных хищников¹. Видимо, именно регулярное использование огня стало тем рубежом, после которого мы и можем говорить о появлении Человека как биологического вида, качественно отличного от всех других видов животных с точки зрения принципиально важных особенностей занятой им экологической ниши.

Н.Н. НАРЗИЕВ
ЎзР ФА Тарих институти

Муомала этикетининг этнологик аспектда ўрганилишига доир

Бугунги кунда давлатларнинг маданият борасида олиб бораётган муҳим вазифаларидан бири ўз миллий маънавияти

¹ Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области (к постановке проблемы) // СЭ. 1955. № 4. С. 3-17.

тарихини тадқиқ этиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда умуминсоний маданиятининг бир қисмига айлантиришдан иборат бўлмоқда. Бу мақсадга эришишда этнологик тадқиқотларнинг ўзига хос ўринлар бор.

Этнология фанининг халқларни ўрганиш борасидаги муҳим мақсадлари ва илмий даъволари билан кенгайиб бориши бежиз эмас¹. Шундай долзарб ва янги мавзулардан бири – мулоқот маданиятини этнологик аспектда ўрганилишидир. Кўпгина адабиётларда бу масала “муомала маданияти” ёки “мулоқот этикетлари” номи остида ўрганилиб², масалага филологик ва социологик нуқтаи назардан кенгроқ ёндашилган. Аслида, ушбу мавзу этнологиянинг фан сифатида шаклланиши билан бир вақтда кўзга ташланиб, Америка, Африка, Австралия ва Океания халқлари тарихий-этнографик тадқиқ этила бошлаганида, маҳаллий тилларни ўрганиш жараёни, шу халқларга хос муомала этикетларини ўрганишга бўлган қизиқишларда кенг кўзга ташланади³.

Дастлаб, муомала маданияти билан боғлиқ одат ва анъаналарни ўрганишда, асосий мавзу оиласидаги ички муносабатлар ва жамоавий турмушда кечадиган вазиятлар кенг ўрин эгаллаган. Жумладан, оиласидаги ички муносабатлар этикетларида: масофали этикетлар ва субардинация этикетлар, яъни, оила аъзоларининг даражама-даражага катталарга бўйсениш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Кўпгина мусулмон халқлари ва Кавказ халқларида муомала маданиятида ёшнинг катта бўлиши муҳим роль ўйнаб келганлиги ўрганилган⁴.

¹ Основы этнологии. Под редакцией В.В.Пименова. М., 2007. С 3.

² Қаранг. В.Хусанов, Й.Ғуломов. Муомала маданияти. Тошкент, 2009. 153 бет., Гидденс Э. Социология. М., 2005. С. 632.

³ Қаранг. Льюис Генри Морган. Лига ходеносауни или ирокезов. Под ред. Ю.П.Аверкиева. М., 1983. С. 48-71.

⁴ Қаранг: Гимбатова М. Культура поведения и этикет ногайцев в XIX- начале XX века: коммуникативные нормы в семейном и общественном быту.

Дастлабки этнографик тадқиқотларда күпроқ бир халқнинг бошқа халқдан нимаси билан ажралиб туриши, ҳайратлантирадиган анъаналари, одат тусини олган жиҳатлар: хатти-харакатлар, мимикалар, белгиларга күпроқ эътибор қаратганлар. Сўнгги йиллардаги изланишларда асосий эътибор: муомала вақтида танадаги харакат ва этикетларнинг семиотикаси, тана ва этикетлардаги ахлоқий белгилар, диний маросимлардаги хис-туйғу ва этикетлар, меҳмондўстлик ва дастурхон атрофидаги одатлар каби жиҳатларни турли халқлар мисолида назарий очиб берилмоқда¹.

Ушбу мавзу юзасидан Кавказ халқлари ҳам ўрганилиб², уларда асосан мулоқот жараёнидаги одатлардан ташқари, күпроқ оилада кечувчи муомала одатлари кенгроқ ёритилган.

Марказий Осиё халқларига оид тадқиқотларда, турли этник компонентларнинг турмуш тарзи, маросимлари ва хўжалик шаклларидаги анъанавийлик тадқиқ этилганда мулоқот маданиятига оид этнографик маълумотлар тарқоқ ҳолатда учрайди³. Сўнгги йилларда фақат қозоқ халқлари мулоқот маданияти этнологик аспектда ўрганилиб, унда мулоқот вақтидаги саломлашиш ва хайрлашиш тартиблари, меҳмон кутиш, оила ичидаги этикетлар, миннатдорчилик рамзлари тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганилган⁴.

Мулоқот маданиятини этнологик аспектда ўрганилганда унинг жуда ҳам аниқ бўлмаган феноменологик (камдан-кам учрайдиган ноёб) ҳақ-хуқуқлардан (статус) бири эканлиги маълум бўлади. Этикетда жами одатий қоидалар, инсонлар

Автореферат. Махачкала, 2009. С.19

¹ Қаранг. Байбурин А, Топорков А. У истоков этикета. http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Culture/bayb/04.php

² Қаранг. Камбачокова М.Ю. Обрядовая культура и традиционный этикет абазин. Нальчик, 2008; Гимбатова М. Культура поведения и этикет ногайцев в XIX- начале XX века: коммуникативные нормы в семейном и общественном быту. Махачкала, 2009.

³ Қаранг.Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. Тошкент, 1992. 18-бет.

⁴ Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета. диссертация ... кандидата исторических наук. М., 2009. С. 159.

билин бўладиган ташки фаол муносабатлар (атроф билан муомалада бўлиш), муносабат шакллари ва саломлашиш, жамоат жойларидаги одатлар, хатти-ҳаракатлар ва кийинишларни кенг қамровда ўрганиш кўпроқ кўзга ташланади. Яъни, муомала этикетларини ўрганишда уч хил ёндашув: шартли гаплашиш, белгилар, муомалага киришиш одатлари асосий обеъкт сифатида қаралган.

Этикет жестлари ҳамма вақт кўп функцияли бўлади. Мулоқот этикетларини ўрганишда муомаланинг шакллари, тузилиши, функциясига кўпроқ эътибор қаратилади. Этнологик аспектда ўрганилиши ижтимоий стереотипларни янада кенгроқ ўрганиш имкониятини беради.

Маданиятлараро муносабат масаласига бўлган қарашлар иқтисод, сиёsat, психология, социология, санъат каби соҳаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Юқорида санаб ўтилган соҳаларда мулоқот маданияти ўрганилаётганда этнографик манбаларга кўпроқ таянилмоқда.

Муомала маданиятини этнологик аспектда ўрганилишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- фарзанд тарбияси давридаги муомала одатлари;
- оила аъзолари ўртасидаги мулоқот шакллари;
- оиласада эр-хотин муносабатларидағи муомала этикетлари;
- дастурхон атрофидаги муомала одатлари;
- меҳмон кутиш билан боғлиқ этикетлар;
- оиласавий ва жамоавий маросимларда кузатиладиган муомала одатлари;
- мулоқот маданиятининг ҳудудлараро фарқланиши;
- мулоқот маданиятининг турли этник групҳуда хосланиши;
- ижтимоий турмушда мулоқот маданиятининг ўрни ва аҳамияти;
- муомала маданиятида жинс, ёш, ижтимоий аҳвол масалалари;
- мулоқот маданиятидаги умумий талаблар;

– мулокот маданиятининг моддий маданиятларда акс этиши;

– қариндошлар орасидаги муомала шакллари ва ҳ.к.

Бундай ёндашиш орқали тадқиқотлар олиб борилганда халқнинг этнопсихологияси ва этноижтимоий муносабатларидағи ўзига хослик ва инновацияларни яқиндан ўрганиш имконияти пайдо бўлади.

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимиизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади¹. Сабаби, XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, анъаналар устун бўлган жамиятлар камайиб, уларнинг ўрнида умуминсоний қадриятлар таъсирига берилиб бораётган маданиятлар кўпайиб бормоқда. Ҳозирда этнология фанида кўплаб шу каби долзарб мавзуларни ўрганишга эҳтиёж сезилиши табиийдир.

*Ш.Ф. МАЖИДОВ
преподаватель СамГосМИ*

О некоторых зарубежных концепциях понятий «нация» и «национализм»

Проблематика этничности, этноса, нации, национализма, этнических процессов, этнической государственной политики, межэтнического взаимодействия имеет весьма значительную историю. Актуальность и значимость данной проблемы определяется тем, что в политической жизни современного общества роль, к примеру, национализма как системы идеино-политических взглядов и как социального

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 29-бет.

движения вопреки предсказаниям некоторых учёных второй половины XX века не только не снижается, а наоборот резко возрастает. Закрепление статуса нации нормами международных организаций в начале XX века и затем документами ООН только подтолкнуло и обусловило больший интерес учёных и политиков к данному феномену¹.

Всплеск националистических настроений в бывших социалистических странах, рост сепаратистских настроений в стабильных демократиях Бельгии, Испании, Великобритании, активизация ультраправых в Германии, Франции, Нидерландах, разжигающих ненависть к иммигрантам, нарастающая агрессивность самих иммигрантов в отношении политических и социокультурных традиций и практик европейских стран, зарождение и крайне опасное развитие этноконфессиональных конфликтов, ставших питательной основой для невиданного ранее размаха международного терроризма, только укрепили уверенность в том, что в ближайшие десятилетия проблемы наций и национализма будут находиться в центре мирового политического процесса.

Иными словами, рост этнического национализма на современном этапе развития общества в разных регионах мира поставил вопросы об истоках, природе и последствиях национализма еще более остро. Только лишь последние десятилетия ознаменовались феноменальным ростом во всем мире количества исследований, посвященных национализму и связанных с ним явлений.

Несмотря на порой диаметрально противоположные различия во взглядах, слабую аргументированность и конъюнктурность, работы в частности западных

¹ Мадалиева Р.Х. Фактор межнационального согласия в обеспечении социально-политической стабильности общества в Узбекистане.. Автореф. дисс...канд. пол. наук. Ташкент, 2008. С. 12

исследователей, в насыщенности фактами и материалами «полевых исследований» практически не имеют равных.

Начало научного осмыслиения феномена наций и национализма было положено в 19 – первой половине 20 века такими исследователями, как лорд Актон, О.Бауэр и К.Реннер, Э. Ренан, Ж. Мишле и Г.фон Трейчке, Дж. Стюарт Милл. В то же время проблема национализма не рассматривалась ими в качестве ключевой для определения вектора развития человеческой цивилизации. Большинство исследователей вплоть до второй половины 20 века были убеждены во временном торжестве национального государства и национализма как политической идеологии.

В середине 20 века наиболее интересные работы по национализму были написаны К. Хейесом, Г. Коном, А. Коббаном, Э.Х. Карром и Л. Снайдером. Они все еще воспринимали нацию как само собой разумеющееся, что неизбежно ограничивало эффективность их анализа. Тем не менее, их работы открыли новый этап в изучении феномена национализма и выступают в роли неиссякаемого методологического источника вдохновения для современных западных теоретиков.

В рамках современной политической науки, необходимо особо выделить работы таких зарубежных исследователей, как Э. Геллер, Э. Смит, Б. Андерсон, Дж. Бройи, Т. Нейрн, Э. Хобсбаум, М. Хрох, Г. Балакришнан, М. Биллиг, Т. Колхаун, М. Хечтер, Н. Юваль-Дэвис, Х. Бхабха и ряда других¹. Правда следует заметить, что в работах вышеуказанных исследователей понятие «национализм» используют и для обозначения национальной идеологии, национального сознания и национального движения, и в качестве синонима каждого из этих явлений в отдельности – в любом веке, в любой стране, на любом континенте¹. В

¹ Мусаев И.М. Национализм в современной Европе: эволюция идей и политической практики. Автореф. дис. докт. полит. наук - СПб., 2006. С. 4

настоящее время в зарубежной политологии в основном сложилось три подхода или школы к изучению «нации» и «национализма», это - примордиализм (Пьер Ван дер Берге, Клиффорд Гирц), модернизм (Эрнест Геллер, Эрик Хобсбаум, Бенедикт Андерсон, Эли Кедури), этносимволизм (Энтони Смит, Джон Хатчинсон, Джон Армстронг).

Кратко характеризуя каждое из них, следует сказать, что все они, и примордиализм, и модернизм, и этносимволизм - это подходы, а не теории. Так примордиализм это своего рода «зонтичный» термин, помогающий описать взгляды тех исследователей, которые считают национальность – «естественной» характеристикой, присущей человеческим существам, такой же, как речь, обоняние или зрение, и что нации существуют с незапамятных времен.

Сторонники модернизма считают, что нации и соответственно национализм, это прежде всего продукты нового и новейшего времени, и связывают процесс их появления с Великой Французской буржуазной революцией, и, соответственно по их мысли, они являются продуктами специфических современных процессов, таких как капитализм, индустриализация, возникновение бюрократического государства, урбанизация и секуляризм¹.

Ведомые общим почтением к прошлому, этносимволисты убеждены, что процесс формирования наций должен быть исследован в рамках достаточно большого промежутка времени, поскольку возникновение современных наций не может быть понято по-настоящему без учета их этнических предшественников. Различия между современными нациями и коллективным культурными единицами более раннего периода скорее носят

¹ Самсонкина Е. С. Эволюция идеологии баскского национализма (конец XIX в. – 1975 г.). Автореф. дис. ...канд. полит. наук - М., 2007. С. 3

² Мусаев И.М. Национализм в современной Европе: эволюция идей и политической практики. Автореф. дис. ...докт. полит. наук - СПб., 2006. С. 11-12

количественный, чем качественный характер. Это означает, что этнические идентичности меняются медленнее, чем это обычно считается. Однажды сформировавшись, они имеют тенденцию к весьма долгому существованию при условии «нормальных» превратностей истории (таких как миграции, нашествия, смешанные браки) и сохраняются на протяжении многих поколений, даже веков. Они отрицают жесткую «заданность» примордиалистов и соглашаются с модернистами в весомости процессов трансформации. Однако они одновременно в противовес модернистам утверждают, что между «традиционной» и «современной», или «аграрной» и «индустриальной» эрами существует более высокий уровень преемственности. Отсюда необходимость формулирования более широкой теории этнических формирований, которая выявит различия и схожесть между современными национальными единицами и этническими сообществами премодерна¹.

В отличие от западной, в российской научной литературе наряду с примордиалистским подходом, речь, как правило, идет не о разделении на сторонников модернизма и этносимволизма, а на так называемых «конструктивистов» и «инструменталистов». Согласно первому подходу, к пониманию этнической общности, порождаемое на основе дифференциации культур этническое чувство и формулируемые в его контексте представления и «доктрины» представляют собой интеллектуальный конструкт писателей, ученых, политиков. Широкое распространение образования и средств массовой информации позволило передавать их идеи самым широким массам. К примеру, такого мнения наряду с видным российским исследователем В.А.Тишковым, придерживаются и известные западные исследователи –

¹ Мусаев И.М. Национализм в современной Европе: эволюция идей и политической практики. Автореф. дис. ...докт. полит. Наук. СПб., 2006. С. 13

Э.Хобсбаум и Б.Андерсон¹. Согласно конструктивистскому подходу к пониманию этнической общности, порождаемое на основе дифференциации культур этническое чувство и формулируемые в его контексте представления и «доктрины» представляют собой интеллектуальный конструкт писателей, ученых, политиков. Широкое распространение образования и средств массовой информации позволило передавать их идеи самым широким массам. Ключевую роль в мобилизации членов этнической группы на коллективные действия во имя политических или социальных целей играют лидеры, которые нередко преследуют собственные цели и совсем не всегда выражают волю народов. В учебниках и работах по социальной и культурной антропологии часто цитируют Б. Андерсона, Р. Бурдье, Э. Геллнера, Э. Хобсбаума как выразителей идей конструктивизма.

Конструктивисты широко и специфическим образом иллюстрируют образование традиций, в частности приводят пример об изобретении знаменитой шотландской мужской юбки, которая была придумана англичанином и благодаря деятельности любителей гэльской культуры стала ассоциироваться с гэльскими кланами. Именно с позиций конструктивизма В.А. Тишков формулирует понимание народа (этнической общности) как группы людей, члены которой разделяют общее название и элементы культуры, имеют общее происхождение и историческую память, обладают чувством солидарности. Все эти признаки - «результат особых усилий, особенно процесса нациостроительства»².

Считая этнонациоию социальным конструктом, конструктивисты вместе с тем признают ее значимой

¹ Цит. по: Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии («проблема сартов» в 19-начале 21в.). Автореф. дис. ...докт. полит. наук М., 2008. С. 7 - 8

² Тишков В.А. Концептуальная эволюция национальной политики России. М., 1998. С. 17

реальностью, способной определять действия людей, их мобилизацию для достижения целей.

Сторонники второго подхода, инструментализма, объясняют сохранение этнических групп потребностями людей в преодолении отчуждения, характерного для современного общества массовой культуры, потребительских ценностей и прагматизма. Подобные объяснительные мотивы исходят из социально-психологических теорий личности, общения. В известной мере они согласуются с теорией аффилиации и компенсаторных потребностей. Этническая группа способна поддержать людей в реализации таких потребностей, мобилизовывать на их осуществление, то есть этническую мобилизацию объясняют также потребностью в изменении социальной стратификации (стремлением подняться в высшие слои общества), в разделении рынка, для чего требуется участие во власти¹. Также его сторонники объясняют сохранение этнических групп потребностями людей в преодолении отчуждения, характерного для современного общества массовой культуры, потребительских ценностей и прагматизма. Подобные объяснительные мотивы исходят из социально-психологических теорий личности, общения. В известной мере они согласуются с теорией аффилиации и компенсаторных потребностей. Этническая группа способна поддержать людей в реализации таких потребностей, мобилизовывать на их осуществление. Этническую мобилизацию объясняют также потребностью в изменении социальной стратификации (стремлением подняться в высшие слои общества), в разделении рынка, для чего требуется участие во власти. Поэтому данное направление в объяснении этничности называют также гедонистическим

¹ Мусаев И.М. Национализм в современной Европе: эволюция идей и политической практики. Автореф. дис. ...докт. полит. Наук. СПб., 2006. С. 15

Среди российских исследователей к данному направлению можно отнести, например, З.В. Сикевич, которая заявляет о своей позиции следующим образом: «Под этничностью мы понимаем особое константное, хотя и различное по интенсивности, переживание групповой идентичности и солидарности, формирующееся первоначально на основе биогенетического и биосоциального единства и проявляющееся в форме сравнения «нас» с «ненами» в ходе группового взаимодействия в этносоциальном пространстве»¹.

Причём на коренной вопрос, что чего порождает – «национа» - «национализм», или же наоборот, исследователями ещё не дан единодушный ответ. Но всё же большинство зарубежных исследователей едины во мнении касательно важной роли национального государства в формировании нации. Государственным деятелем Массимо д'Азеглио в конце 19-го века было замечено: «Мы создали Италию, теперь нам необходимо создать итальянцев»².

Резюмируя можно отметить, что значительность понятия «национа» определяется не временной давностью, а глубинными смыслами широко используемой в настоящее время в науке данной категории, обозначающей существование культурно-отличительных, в первую очередь этнических форм индивидуальных и групповых идентичностей, и процессом её политизации на современном этапе развития человеческой цивилизации.

¹ Сикевич З.В. Этносоциология: национальные отношения и межнациональные конфликты. Спб., 1994. С. 20

² Цит. по: Мусаев И.М. Национализм в современной Европе: эволюция идей и политической практики. Дис. ...докт. полит. Наук. СПб., 2006. С. 107.

Т.ф.н З.С.ИСОКОВ
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари этнографик манба сифатида

*(Зироатчилик ва у билан боғлиқ атама ва урф-одатлар
хусусида)*

Маълумки XI асрнинг иккинчи ярмида Махмуд Кошғарий томонидан Бағдод шаҳрида ёзилган “Девону луғотит турк”(Туркий сўзлар девони) асари ҳозиргacha кўплаб тилшунослар, тарихчилар, шарқшунослар, туркологлар ва этнографлар эътиборини тортиб келади. Бу асар 1928 йилда немис шарқшуноси Броккељман томонидан немис тилига, 1943 йилда Басим Аталай томонидан турк тилига, 1960 йилда эса иқтидорли ўзбек филолог олим С.Муталибов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган¹.

Асар бошқа соҳа мутахассислари каби этнографлар учун ҳам қимматли манба ҳисобланади. Ушбу асарда кўплаб туркий қабилалар, жой номлари, турли урф-одатлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда мақол, масал, тўртликлар моҳирона таржима қилинган ва изоҳланган. Бу, ўз даврида илм аҳли, жумладан, К.Шониёзов томонидан юқори баҳоланган². Шу билан бирга, асардаги баъзи маълумотларга олим ўзининг танқидий фикрларини билдириб ўтган. Жумладан, асардаги туркларнинг шажараси Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфас, унинг ўғли Тур ёки Туркга бориб тақалиши хусусидаги маълумотни олим ҳеч қандай тарихий-илмий асосга эга эмаслигини таъкидлайди³. Шунингдек, асарда қарлуқларнинг туркманлар

заведения, независимо от формы собственности, обеспечивают знание и развитие узбекского языка как государственного, а также изучение русского языка в соответствии с государственным общеобязательным стандартом для каждого уровня образования. Те или иные аспекты этнополитики РУз освещены в таких документах как: Конституция РУз, Законы РУз, Указы Президента РУз, Постановления Кабмина РУз. Основными правовыми источниками обеспечения этнополитики РУз являются: Конституция РУз и другие законодательные акты в данной сфере (Закон «О государственном языке», Закон «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан», Закон «О гражданстве», Закон «О свободе совести и религиозных организациях» и т.д.); Международные договора в области прав человека и гуманитарного права, ратифицированные РУз; принятые и ратифицированные резолюции и рекомендации международных организаций, членом которых является РУз; двусторонние и многосторонние межгосударственные соглашения, регулирующие статус этнических меньшинств, Национальная программа действий в области прав человека¹.

Вопросы освещения участия граждан Узбекистана в культурной жизни страны и пользования родным языком и культурой осуществляются в периодических изданиях в рамках тематических направлений. Наиболее активную и целенаправленную работу по освещению данной темы ведут национальные издания. В Узбекистане издаются газеты «Нурлы жол» (на казахском языке), «Овози тожик» (на таджикском), «Еркин Каракалпакстан» (на каракалпакском), «Правда Востока» (на русском), «Шофар» (на бухарско-еврейском), «Луйс» (на армянском) и т.д.²

¹ Назаров Р.Р. Этническая политика постсоветского Узбекистана: основные параметры и этапы // <http://www.ia-centr.ru/expert/535/>

² Алиева В.Р., Назаров Р.Р., Юнусова Д.М. СМИ на языках этнических меньшинств (на примере Узбекистана)// VII Конгресс этнографов и

Мероприятия, проводимые в сфере развития национальных культур и языков, ориентированы на стандарты Конституции Республики Узбекистан, Всеобщей декларации прав человека и Международного пакта ООН об экономических, социальных и культурных правах человека¹.

Важными показателями эффективности этнополитики РУз являются функционирование системы образования на 7 языках, прессы - на 12 языках. В настоящее время в Узбекистане функционирует более 140 национально-культурных центров, охватывающих 27 национальностей, представляющих как крупные этнические группы, насчитывающие сотни тысяч (русские, таджики, казахи и т.д.), так и небольшие по численности группы, насчитывающие лишь сотни человек (литовцы, дунгане и т.д.)². Координацию их деятельности осуществляет РИКЦ – Республиканский интернациональный культурный центр. В целом этнополитика РУз имеет достаточные теоретические, историко-демографические, правовые, культурные основания для своего дальнейшего развития и совершенствования в условиях демократизации, модернизации и обновления, развития правового государства и гражданского общества³. Проблема участия диаспор в политической жизни государств включает в себя взаимодействие не только государства и «своей» диаспоры, но также использование во внешнеполитических контактах и тех диаспор, которые проживают на территории

антропологов России. Доклады и выступления. Саранск, 2007. С.387.

¹ Права этнических и религиозных групп Республики Узбекистан: проблемы и решения. Ташкент, 2000; Раҳманкулов Х.Р., Раҳманов А.Р. Права человека: История и современность. Ташкент, 1998.

² Назаров Р.Р. Национально-культурные центры как фактор развития полигэтнического гражданского общества (на примере Республики Узбекистан) // Журнал ЕвроАзия. Россия – Узбекистан: история и современность. Ч 5. Март 2009 (№ 7). М., 2009. С. 51-58.

³ Каххаров А.Г. Экологические и социальные проблемы межнациональных отношений в Узбекистане //Этничность. Национальные движения. Социальная практика. СПб., 1995. С. 245-247.

полиэтнического государства. О роли и значении диаспор заговорили даже в США¹.

Таким образом, в РУз созданы условия для удовлетворения потребностей представителей национальных меньшинств и гармонизации межнациональных отношений. Меры по защите прав национальных меньшинств соответствуют стандартам «Декларации о правах лиц, принадлежащих к национальным или этническим, религиозным или языковым меньшинствам». Таким образом, можно считать, что решение этнополитических и национально-языковых проблем в РУз осуществляется в целом в русле цивилизованных международных стандартов и принципов толерантности.

*Сиёсий фанлар доктори Н. НАЗАРОВ,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти*

Лақайлар этник тараққиётининг айrim жиҳатлари

Буюк ипак йўли чорраҳасида кўплаб миллат ва элатлар яшаб, минтақдаги этник тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. Жумладан, ўзбек миллати ҳам нафақат савдо-иктисодий омилнинг ривожига, балки ушбу чорраҳа худудида жойлашган барча миллат ва халқлар маданияти ривожига ҳам ҳисса қўшиб келганлиги барчага аён.

Лақайлар ҳам ўзбек миллати таркибидаги элат сифатида минтақа этноижтимоий ва маданий тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Лақайлар, асосан, ҳозирги Тожикистон Республикасининг маркази ва жанубида, яъни Сомониён (собиқ Ленин), Кофарниҳон (собиқ Орджоникидзеобод), Ҳисор туманларида, Хатлон вилоятининг Қўрғонтепа ва Кўлоб минтақаларида муқим аҳоли сифатида истиқомат

¹ Шубин А. Обама и Маккейн: диаспоры против аристократов // <http://www.psdp.ru/Main/Obama-i-Makkejn-diasporu-protiv-aristokratov>

қилишади. 1929 йилги маълумот бўйича элат сони 46 минг кишидан иборат бўлса¹, «Лақай овози» ассоциациясининг маълумотларига кўра бугунги кунда элатнинг умумий миқдори 500 минг кишидан ортиқ. Шунингдек, лақайлар Афғонистоннинг Бағлон ва Балх вилоятлар²ида, Покистоннинг Караби шаҳри ва атрофларида, Саудия Арабистонидаги Макка, Мадина ва Жидда шаҳарларида, Туркияning Жайланпанар, Антакия, Истамбул, Шонли Урфа ва Зайтун Бурни минтақаларида, Эроннинг Техрон вилоятидаги Қизил Ҳисорда, Арабободда ҳамда Шероз, Зоҳидон, Кермон, Фазвин ва Ҳурмузгон вилоятларида яшайдилар.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларигача Бухоро амирлигининг Ҳисор беклигига яшовчи лақайларнинг Есенхожа ва Бадрахли уруғлари Ҳисор лақайлари (айни пайтда ҳам ушбу этнотопоним фаол қўлланилади), Балжувон беклигига яшовчи лақайларнинг Байрам ва Тўртуул уруғлари Балжувон лақайлари (ҳозирги пайтда Кўлоб лақайлари) деб аталган.

Лақайлар есенхожа, бадрахли, байрам ва тўртуул уруғларига бўлиниб, есенхожа ўз навбатида курдек, нарин, ақсари, отарчи, озден, туечи, қул баче, миরзағул, алтмиш, малиш, кунтув, қулумбет шохчаларига, бадрахли уруғи эса қизилбай, келекей, парча, жунус, катте мерген, киччи мерген шохчаларига, байрам уруғи – тўрт ата, шекей, давет, чегене шохчаларига, тўртуул уруғи – учуул, суюндик, бурундуқ, чал, кўсе шохчаларига бўлиниб, ҳар бир шохча ўз навбатида кичик этник шажаралардан иборат бўлиб, буларнинг умумий миқдори 160дан ортиқ³.

¹ Маллицкий Н.Г. Учебное пособие по географии Таджикистана. Ташкент-Самарканд, 1929. С. 64.

² «Лақай овози» ҳафтаномаси. Душанбе, 1992. №14.

³ Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад, 1954. С. 10-11.

Лақай әлатининг шаклланиш жараёни ҳам бошқа туркий тилли әлатларнинг шаклланиш жараёнлари билан жуда ўхшашдир. Лақайлар тарихи ҳақида илмий адабиётларда бир-қанча қарашлар мавжуд. Булар қўйидагилар:

1. Лақайлар ушбу ҳудудларда шаклланиб, ривожланган автохтон (муқим, доимий) этник гурух.

2. Лақайлар турк ҳоқонлиги туркийларининг авлодларидирлар (VI аср).

3. Лақайлар бу ҳудудларга қарлуқлар билан келганлар (VIII аср).

4. Лақайлар бу ҳудудларга мўғуллар билан келганлар (XIII аср).

5. Лақайлар, Мовароуннаҳрни Шайбонийхон бошлилигига эгаллаган Дасти Қипчоқ ўзбекларидан (XV ва XVI асрлар).¹

Лақайлар ҳам туркий тилли әлат сифатида асосий этник қатlam ҳозирги яшаб турган ҳудудларда шаклланиб ривожланган. Этник тараққиёт натижасида XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Дасти Қипчоқ ўзбеклари ва тарихнинг кейинги босқичларида бошқа туркий халқларнинг ҳам айrim гуруҳлари келиб, асосий этнос таркиби табиий равишда сингиб кетиш ҳолатлари ҳам содир бўлган. Лақайлар Буюк ипак йўли чорраҳасида яшаб, фаолият курсатганлиги боис, уларда чорвачилик яхши ривожланган. Ижтимоий-тарихий тараққиёт натижасида вужудга келган Лақай от зотлари ва Ҳисори қўйлар Марказий Осиёда машҳурдир².

Лақайларнинг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланиб, чавандозлик (кўпкари)да донг таратиб, лақай зотли отлари билан амирлик оламида муайян мавқега эга бўлганлар. Тарихий шарт-шароит Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган лақайлардан ҳам шуни талаб этганлиги табиий.

¹ Кўрсатилган асар. 14-15-бетлар.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-том. Тошкент, 2003. 239-бет.

Мустақиллик ва эркин яшашни ҳәётиning асосий мазмуни деб билган бу этник бирлик XX асрнинг 20–30- йиллардаги истиқлолчилик харакатида юрт мудофааси ҳамда эрку имон ҳимояси учун фаол курашди. Яъни ҳозирги, янгича тафаккур тарозусида ўлчаб айтсак, эътиқодига событ қолиб ватанпарварлик мавқеини тутди. Шу туфайли собиқ тузум шароитида лақайлар ҳам ўзга этник қатламлар сингари репрессив сиёsatнинг асосий объектига айланди.

Лақайлар ўзига хос урф-одат ва анъаналарга эга. Этнограф олима Б.Х. Кармишеванинг гувоҳлик беришича, лақай қизлари тикадиган мапремеч, жук чарифич, айнахалта, кеште ва бошқа шунга ўхшаш миллий маданият намуналари нафақат Марказий Осиё ёки ҳамдўстлик давлатлари музейлари, балки Ғарбий Европа этнографик музейларига ҳам Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган халқлар маданияти намуналари сифатида кўрк бағишилаб турибди. Айниқса, лақайларда тикиладиган торлама ва бостирма тақиялар, яъни миллий бош кийимлар, ўзига хос миллий маданият намуналари сифатида ажralиб туради. Лақайларнинг урф-одати, анъаналари, бетакор фольклори ҳамда ўзига хос шеваси муайян илмий тадқиқотни талаб этади.

Маълумки, Буюк ипак йўли чорраҳасида истиқомат қилувчи халқлар асосан чорвадор бўлганлар. Чорвачилик турмуш тарзи янги-янги яйловлар ахтариб, доимий харакатда бўлишни, яъни кўчиб юришни талаб этади. Бундай кўчиб юришларда мавсумий турар жойлар зарур бўлади. Буюк ипак йўлидаги шарт-шароитлар, ижтимоий-тариҳий эҳтиёж ҳамда турмуш тақозоси ўтмишда лақайларнинг аждодлари миллатимиз таркибидаги бошқа элат вакиллари аждодлари сингари ўтов тикиб, ўтовларда яшаш ва унинг ичи ҳамда ташқи қисмини безаш элат этник маданиятининг ажralmas қисмига айланиб келган. Ушбу жиҳат Буюк ипак йўли

чорраҳасидаги туркий халқлар тарихий маданиятида ҳам кузатилади.

Ўтовлар оқ ва қора ўтовларга бўлиниб, ҳар бир уруғ оқсоқоллари ва бойлар ўзлари учун оқ ўтов тикишган. Чунки, оқ ўтов фақатгина яшаш учун мўлжалланмасдан, у ушбу уруғ вакилларининг оқсоқол ҳузурида вақти вақти билан тўпланиб, мавжуд муаммолар ечимини топиш учун йиғиладиган маъмурий идора вазифасини ҳам ўтаган. Бундан ташқари, оқ ўтовлар асосан оқ қўйнинг жуни асосида қилинган кийизлардан иборат бўлганлиги учун ҳамманинг ҳам қўлидан оқ ўтов тикиш келавермаган. Оқсоқолларнинг гувоҳлик беришларича оқ ўтовлар бундан бир ярим икки аср илгари оқ қўйнинг жунидан ясалган кийизлар ҳисобига қад кўтарган бўлсалар, ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, қора кийизлардан тикилган баъзи ўтовларнинг устига оқ бўзлар тортилиб, оқ ўтов дейиш расм бўлган. Лақайларда ўғил уйлантиришда албатта оқ ўтов тикилиб, унинг қурилиши ва ташқи қўринишига куёв томон масъул бўлса, ўтовнинг ичкари қисмини безаш масъулияти келиннинг зиммасида бўлган. Безак жиҳозларнинг асосий қисми ўтовнинг тўрига, эшикдан киришда чап тарафга осилган бўлади. Ўтовнинг эшиги кун чиқар томонга қаратиб қурилади. Чунки:

1. Тонг отгач ўтовнинг эшиги очиб қўйилиб, қуёш чиққач унинг нурлари ўтов ичини ёрита бошлайди, демак, тонг сахардан ўтовнинг ичи қуёш нурларидан баҳраманд бўлади.

2. Ётишда бош ўтовнинг тўр қисмига қўйилиши шарт. Тўр эса қибла томонда бўлади. Демак, ушбу жиҳатлар бевосита элат вакилларида ўтов тикиш маданиятини шакллантирганки, бугунги кунда ўтовлар деярли тикилмай қолган бўлса ҳам лой ва ғиштдан уй қуриш жараёнida кузатилади.

Кечаси ўтов ичи қорачироқ ёрдамида ёритилиб, узун кечалари қизлар ва ёш аёллар қорачироқ атрофида тизилишиб ўтириб кашта тикишган¹.

Ўтовлар асосан икки қисмдан иборат бўлиб, чап томон эркаклар учун, ўнг томон аёллар учун мўлжалланган бўлади. Шунингдек, аёллар қисми ошхона вазифасини ҳам бажарганки, озиқ-овқат маҳсулотлари ўтовнинг ўнг қисмida жойлашган бўлади. Қўзилатиш мавсумининг аёзли кечалари нимжон қўзи, улок, қулун ва бузоқларни «аязда қаришип» қолмаслиги учун ўтовнинг қуи қисмida сақлаш ҳолатлари ҳам бўлган. Қиши мавсумидан ўтовни иситиш учун ўртадан ўчоқ кавланади ва бу ўчоқда олов ёқилади. Тутун чиқиб кетиши учун зарурат бўлганда жапсалар очилган. Бу олов чой қайнатиш ва овқат қизитиш учун ҳам фойдаланилган. Элат вакиллари оддий чой билан бир қаторда, жайлар чай, яъни кийикўти ва бўтакўзларни яйловда териб, қуритиб олинган қуритмалардан ҳам чой сифатида фойдаланганлар. Зирадан ҳам чой сифатида фойдаланилган.

Оқсоқолларнинг гувоҳлик беришича илгари лақайлар турмуш тарзида чорвачилик етакчи ўринни эгаллаганлиги боис, ҳар бир оила ўз шароити доирасида кеч куздан ҳўккиз, от ва бўрдоқиларни сўйиб, гўштини қовуриб хумларга солиб қўйганлар. Қишининг совуғида овқат тайёрлаш шароитининг муракаблиги боис, хумлардан керакли миқдорда қовурилган гўштлар олиниб, ўчоқда қиздирилиб, тановул қилинган. Зарур бўлган пайтдагина овқат тайёрлашган. Нон эса ҳар куни ёки кун ора пиширилиб, қиши мавсумидан ўтов ичидаги ўчоқдан фойдаланилган. Ҳамир кечаси қорилиб қўйилган. Болалар учун ўчоқнинг сопол билан текисланган икки ён томонига кулча ёпилган. Нон ва кулчалар иссиқ мавсумларда ташқарида пиширилган.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган халқлар маданиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи лақай элати

¹ Назаров Н. Лақайлар этнографияси. Тошкент, 2006. 21-бет.

тўйларида улоқ, яъни кўпкари ва кураш берилганлиги боис, тўйлар қиши ёки эрта баҳор мавсумига белгиланган. Тўйларда, таклиф этилган барча меҳмонлар, полвон ва чавандозлар учун ўтов-қўшхоналар тикилган. Бойлар тўйларини ўтказиш учун қирқтагача ўтов-қўшхоналар тикишган. Ва ҳар бир қўшхонага бир неча мутасаддилар ҳамда уларнинг ихтиёрига бир неча хизматчилар тайинланиб, қўшхонадаги меҳмонлар зиёфати учун моллар ажратилган.

Илгари анъанавий ўтовлар шакл ва ички тузилиши, уни безаш каби жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетган. Ўтовга киришда ҳамчи осиш учун маҳсус жой бўлиб, керегенинг бу учига ҳеч нарса осилмаган. От абзаллари ва қамчи доимо тайин туриши қатъий талаб этилган. Шу жиҳатдан халқ орасида бугунги кунда ҳам «уйида қамчиси осилиб турмаган лақай-лақайми?!» ибораси тез-тез қулоққа чалиниб туради.

Хуллас, лақайлар урф-одати, анъаналари ва этномаданий қирралари мақсадли илмий тадқиқотларни талаб этади. Ўзликни англаш шароитида элатга хос хусусиятларни тадқиқ этиб, жамиятда мавжуд этноижтимоий фаолиятни умумий миллий бирлигимизни таъминлаш сари йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жиҳат ўзбек миллати таркибидаги элатлар тарихий-маданий ҳаётини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Т.ф.н. С.СОАТОВА
Тошкент давлат шарқшунослик институти

Шарқий Туркистон қарлуқлари этник тарихининг ўрганилиши

Инсониятнинг узоқ тарихи олдида мустақиллигимизнинг йигирма йилдан ортиқ даври тарих учун айтарли катта фурсат эмас. Аммо бу даврда бир йилда асрларга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилаётгани, энг муҳими,

одамларнинг онги, қалби ва шуурида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар эътиборга молик. Бу ўзгаришларда замондош тарихчи олимларимизнинг ҳиссалари хам салмоқли.

Бугунги кунда жадал ривожланаётган тарих фани тадқиқотларининг турли йўналишларида, жумладан, Ўзбекистон тарихига маҳсуслашган тадқиқотлар; жаҳон тарихининг турли муаммолари ва ўрганилмаган қирраларига бағишиланган тадқиқотлар; Ўзбекистон ва жаҳон халқлари тарихининг умумий нуқталарига ихтисослашган илмий ишлар олиб борилмоқда. Хозирги интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон ва жаҳон халқлари тарихининг умумий жараёнларига бағишиланган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Биринчидан, бу тадқиқотлар миллатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тарихий ўрни ва мавқеи ҳақида холис, ҳамда ҳаққоний тасаввур уйғотишига замин яратади. Иккинчидан, ҳозирги даврдаги муносабатларнинг тарихий заминини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Учинчидан, бундай тадқиқотлар тарихий манбашунослик, этнологиянинг янги фактик материаллар билан бойишига, ўтмишдаги маҳаллий ва чет тарихчи олимларнинг диёrimизга оид маълумотларининг ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганилишига асос бўлади. Ўзбекистон тарихини жаҳон ҳамжамияти тарихи билан уйғунликда ўрганиш жараёнида, энг аввало Марказий Осиё ҳамда бу минтақа билан бевосита чегарадош бўлган ҳудудларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, бу минтақада яшаётган халқларнинг тарихи узвий ва муштарак бўлиб, бир-бири билан чамбарчас ҳолда ривожланган.

Мазкур мамлакатлар ичida Хитой Халқ Республикаси ва унинг таркибиغا кирувчи ҳудудлар алоҳида ўрин эгаллайди. Марказий Осиё минтақаси қадимдан Буюк ипак йўли орқали бу мамлакат билан савдо-сотиқ, сиёсий ва иқтисодий

алоқаларини мустаҳкам ривожлантириб келган. Тарихнинг муайян даврларида бу икки минтақанинг ўзаро таъсири гоҳ кучайиб, гоҳида инқирозга юз тутган. Айниқса, маданий ёдгорликлардаги муштарак элементлар бу минтақа тарихини ўзбек тарихшунослари ва элшунослари томонидан чуқур ўрганилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунгача Хитой ва Ўзбекистон халқлари алоқалар тарихини ўрганишда асосий эътибор Шарқий Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари тарихига қаратилган эди. Олимларимиз Шарқий Туркистон ва Ўзбекистон муносабатлари тарихига алоқадор тарихий далиллар ва маълумотларни аниқлаб, илмий муомалага киритдилар. Бу қувонарли ҳол, албатта, лекин бугунги Хитой давлати тасарруфида бўлган, ўтмишда мустақил ривожланган Шарқий Туркистон ўлкалари ҳамда бу ўлкалар билан бизнинг минтақамиз ўртасидаги алоқалар, тарихий жараёнларда фаол иштирок этган этнослар, хусусан, қарлуқлар тарихини ҳам ўрганиш муҳим ва ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё халқарининг тарихий алоқалари, мазкур ҳудудда яшаган қадимий этнослар ва уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ муаммолар шу пайтгacha алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаганлиги масаланинг долзарблигини кўрсатмоқда. Ана шундай муаммолардан бири Шарқий Туркистон қарлуқлари бўлиб, академик К.Ш.Шониёзов таъкидлаганлариdek: ”...Марказий Осиёда ўрта асрларда ташкил топган йирик давлатлардан бири – Қарлуқ давлати, унинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, қўшни халқлар билан алоқаларини ...”¹ ўрганиш ва бу борада кенг комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда Қарлуқ давлатининг барпо этилиши, нафақат ўзбек халқи тарихида, балки Хитой,

¹ Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Тошкент, 1999. 2-бет.

Тибет, Хазар давлатлари, ғарбда Сомонийлар ва бир қанча Олд Осиё давлатлари ҳаётида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлди. Маълумки, VIII-IX асрларда минтақадаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият туфайли Буюк ипак йўлида савдосотик ишлари бутунлай издан чиқиб кетган эди. Қарлуқ хоқонлари ана шу карvon йўлларини тиклаб карvonларнинг безарар ўтишини таъминлайдилар. Бу эса Марказий Осиё минтақасида иқтисодий жараёнларнинг кўтарилиши, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига ўз таъсирини кўрсатди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Қарлуқ давлати доирасида ўзбек аждодлари алоҳида элат бўлиб шаклландилар.

Таъкидлаш жоизки, К.Шониёзов қарлуқлар тарихига оид энг мукаммал тадқиқотларни амалга оширган олимдир. Қарлуқларнинг илк аждодларидан то давлатнинг ташкил топиши, этник ва маданий жараёнлар, қарлуқларнинг кейинги авлодларигача бўлган маълумотлар олим асарида ўз аксини топган. Аммо, ўрта асрлар тарихида Қарлуқ хоқонлиги иккига бўлинганидан кейин кечган тарихий жараёнлар Марказий Осиё минтақасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Айниқса Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, хусусан Қашғар, Хўтан, Йоркенд ҳудудларида яшаган қарлуқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти моддий ва маънавий маданиятини ўрганишга арзигулик жиҳатлари анчагина. Қайд қилиб ўтилгандек, Шарқий Туркистон қарлуқлари тарихига бағишлиланган тадқиқотлардаги айrim ишларни ҳисобга олмагандан, бу борада айтарли иш қилингани йўқ. Бу ҳолат нафақат ўзбек, балки хитойлик олимларнинг тадқиқотларига ҳам тегишли. Шу боис, Шарқий Туркистондаги қарлуқлари тарихига бағишлиланган тадқиқот ва манбалар алоҳида аҳамият касб этади.

Тан династиясининг¹ йилномалари Шарқий Туркистон тарихини характерловчи энг қадимий манбалар

¹ Император Тан династияси эрамизнинг 618 йилидан то 907 йилигача ҳукмронлик қилган.

ҳисобиланади. Бу йилномалардан Шарқий Туркистон қарлуқлари, ўлканинг жуғрофий жойлашуви, иқтисоди, турмуш тарзи ҳақида дастлабки қимматли маълумотларни билиб олиш мумкин. Шарқий Туркистон ҳақида маълумотлар бошқа хитой йилномаларида ҳам учрайди. Бу йилномалар бир-бирини такрорлаш билан чекланмасдан, янги-янги фактик материаллар билан бойиб борганлигини ҳам қайд этмоқ зарур.

Минтақа халқлари тарихига оид маълумотлар турли даврларга тегишли манбаларда кўплаб учрайди. Жумладан, Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида турклар, яъни IX аср бошларида яшаган қарлуқ турклари ҳақида гапириб, “...уларнинг тиллари “туркчадир” деган маълумотларни келтириб ўтади. Бундан ташқари, “Худуд ал-олам”да (X аср) келтирилган маълумотларга кўра, Шарқий Туркистоннинг шимоли-ғарбида ҳам туркий қавмлар (қарлуқлар назарда тутилмоқда) яшаганлиги қайд этилади. Масъудий ҳам Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилган турклар қарлуқлардан эканлиги ҳақида айrim фикрларни келтиради. Бу эса Шарқий Туркистон қарлуқлари ва юртимиз туркий халқлари муносабатларининг тарихий негизлари биз кутгандан ҳам қадимий эканлигини яна бир карратасдиқлайди ва албатта, мазкур соҳада кенг, илмий ҳамда комплекс тадқиқотлар олиб боришга ундейди.

Шарқий Туркистонга алоқадор тарихий маълумотлар маҳаллий манбаларда ҳам учраши юқорида таъкидланди. Хусусан, Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари шулар жумласидандир. Мазкур асар Марказий Осиё минтақасида XV-XVI асрларда кечган тарихий жараёнларни ўрганишда бирламчи манба бўлиб хизмат қиласди. “Тарихи Рашидий” нафақат Ўрта Осиё, балки Мўғилистон, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатлар тарихини ўзида жамлаган фундаментал, мемуар жанрдаги асар ҳисобланади. Муҳаммад Ҳайдар мирзо маълум муддат

Шарқий Туркистон ҳудудида яшаб, бу ўлкадаги воқеа-ходисаларнинг гувоҳи бўлган¹. Бу каби асарларни мукаммал ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш давр талабига айланиб бормоқда.

Шарқий Туркистон тарихини ўрганишда ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшган олимлар сирасига машҳур олим Лев Гумилёвни ҳам киритиш мумкин. Муаллифнинг «Древние тюрки» номли асарларида Шарқий Туркистон халқининг муҳтасар тарихи, унинг тадрижий тараққиёти, таназзули ва унинг оқибатлари ҳақида илмий асосланган хулосалари берилади.

Шарқий Туркистоннинг тарихи, жуғрофияси ва бугунги аҳволи доим дунё жамоатчилигининг қизиқиши марказида бўлиб келган. Аммо, шунга қарамасдан, бу мавзуда ёзилган маълумотномаларнинг ҳаммасини ҳам тарихан холис ва асосли аҳамиятга эга деб бўлмайди. Айрим манбалар шовшувларга бой бўлса, баъзилари хуфёна айғоқчиларнинг ҳарбий мақсадларда тўплаган маълумотлари жамланмасидир. Бу эса, ўз навбатида, Шарқий Туркистон ва унинг бугунги ҳаёти ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилишни мураккаблаштиради.

Бугунги кунгача Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё халқларининг тарихий алоқалари, хусусан қарлуқлар тарихи ҳақида алоҳида илмий тадқиқотнинг йўқлиги, миллий элшунослик фанида бу борада кўникума ва малакалар шаклланмаганлигини инобатга олиб, мазкур йўналишдаги долзарб мавзуларни қайд этишни жоиз топдик:

– Шарқий Туркистон қарлуқларининг этник тарих масаласи, бу ўлкада кечган мураккаб этник жараёнларга оид маълумотлар тўпламини яратиш, унда ахолининг турмуш ва тафаккур тарзи, мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш;

¹ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент, 2010.

– Шарқий Туркистон қарлуқлари тарихига оид манбаларни тўплаш, уларнинг илмий ва тарихий аҳамиятини аниқлаш, манбалардан фойдаланиш;

– қарлуқларнинг диний эътиқоди – исломнинг Шарқий Туркистон ҳамда Хитойда тарқалиш жараёни, тарихи ва унинг оқибатлари ҳақида мавжуд манбаларни ўрганиш,

– Шарқий Туркистон қарлуқларининг қадимги даврдан бугунги кунгача бўлган тарихида Маркази Осиё билан боғлиқ ёки аҳамиятли бўлган нуқталари ва уларнинг Маркази Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ эканлигини аниқлаш. Зоро, бу тадқиқотлар Хитой ва ўзбек халқларининг бугунги кунда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада интеграциялашув жараёнини янада мустаҳкамлайди, деган фикрдамиз.

*Ш. ИСКАНДАРОВ
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети*

Ўзбекистон арабларининг этник ўзликни англаши

Этномиллий ўзликни халқнинг миллий ва менталитет хусусиятлари, унинг ҳозирги ва узоқ муддатга мўлжалланган манфаатларини рўёбга чиқариш шарт-шароит ва омиллари тўғрисида тасаввурлар беради. Жумладан, бир неча юз йиллардан буён халқ ва қабилаларни келиб чиқиш масаласи, турли соҳа мутахассис олимларини қизиқтириб келмоқда. Яъни файласуф, социолог, антрополог ва этнолог мутахассислар томонидан қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, “миллий” ва “ўзликни англаш” тушунчалари кўпгина таҳлилий ҳамда танқидий муносабатлар шаклланишига олиб келган. “Миллийлик” тушунчаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинганда, жамиятининг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида

маълум бир миллат, элатнинг тили, жойлашган худуди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, психологик ҳолати ва дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзликни англаш тўғрисидаги қарашлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу атаманинг илк бор мил. авв. IX асрда қадимги ҳинд эпосларида иштилганлиги тўғрисида илмий далиллар мавжуд. Ўзликни англаш тўғрисидаги психологик концепциялар дастлаб, Ғарбда шаклланган бўлиб, А. Пфендер, Т. Липслар унинг асосчилари ҳисобланса, Россияда Е. Боборов, Л. Лопатин каби олимлар ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Ўзликни англаш XVII аср охири – XIX аср бошларида немис файласуфлари томонидан ҳам ривожлантирилган. Бу ҳақда Декарт: “Агар мен ҳар қандай нарса ва ҳодиса ҳақида фикр юритадиган бўлсан, аввало, ўзимнинг субъект сифатидаги мавжудлигимни ҳис қиласман”,¹ – деб таъкидлайди.

Нейдель 1947 йилгача тўплаган маълумотлари асосида миллий ўзликни англашни қуийдагича ифодалайди: “Этнолингвистик жараёндаги вазият ўзаро маданий алоқаларнинг ўзгаришлари, бирор жойда тугал, қаердадир қайта намоён бўлиши, ўзликни англашни ифода этади”².

XX асрда аксарият олимлар диққатини “ўз маданиятини англаш” тушунчасига қаратдилар. Ўзликни англаш учун ўз маданиятини билиш муҳим аҳамиятга эга бўлади³. Г.В. Шелепов, этник жамоани "келиб чиқиши ва унинг этник ўз-ўзини англашида намоён бўлиши, тил, худуд, маданият ва турмушнинг баъзи белгиларини бирлиги асосида

¹. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. Тошкент, 2013. 20-21бетлар.

² Александренков Э.Г. “Этническое самосознание” или «этническая идентичность» // ЭО. 1996. № 3. С. 21.

³ Кушнер П.И. Этнические теории и этнические границы. М., 1951; Токарев С.А. Проблема типов этнических общностей (к методологическим проблемам этнографии) // Вопр. филос. 1964. № 11.

шаклланадиган маълум тарихий ва иқтисодий шартшароитлар натижасида пайдо бўладиган ижтимоий жамоанинг махсус кўринишдир"¹ деса, В.Н. Козлов этник жамоанинг асосий белгилари: "Этник ўз-ўзини англаш ва ўз миллий номига эга бўлишлик, тил ҳудуд, психик хусусиятлари, маданияти ва майший турмуши, ижтимоий-ҳудудий ташкилотларнинг маълум шакллари" ², деган фикрни қувватлайди. Унинг фикрига кўра "ўзликни англаш тушунчасида (миллий халқ ривожига тадбиқ қилиш) асосан бир халқнинг этник ўзлигини англаши тушунилади" ³.

Н.Н. Чебоксаров бўлса, 1964 йили "Қадимий ва замонавий халқларнинг келиб чиқиши масаласи" номли маъruzасида миллий ўзликни англашни ўзига хос бир тушунча деб эътироф этади. У "ўзликни англаш тушунчасини" этноснинг бир сифати мисолида келтиради⁴. Унинг тадқиқотларидан бирор вақт ўтгач, миллий ўзликни англашга доир мукаммалроқ таърифни рус олим Ю.В. Бромлей 1983 йилдаги "Очерки теории этноса" асарида илгари сурган. Унинг фикрича, "Этносни аниқлашда барча инсонларни қадимдан бир ҳудудни авлоддан-авлодга ўтиши, фақатгина бир хил ҳислатлари, фазилатлари эмас, балки уларнинг бир маданият (лингвистик жиҳатдан ҳам) ва руҳий жиҳатдан муаллақ бўлиши, жумладан, бошқа этник гурухлардан ўзлигини англашда фарқланишини кўрсатади" ⁵. Бромлейнинг фикридан шуни англаш мумкинки, "ўзликни англаш" тушунчаси ҳар бир "этнос"да алоҳида аҳамиятга эга. У томонидан маданият сўзига ҳам ўзига хос таъриф

¹ Шелепов Г. Общность происхождения-признак этнической общности // Советская этнография. 1968. № IV. С. 73.

² Козлов. В.И. О понятии этнической общности // Советская этнография. 1967. №. С. 126.

³ Козлов В.И. Проблема этнического самосознания и ее место в теории этноса // СЭ. 1974. № 2. С. 79–92.

⁴ Джарылгасинова Р.Ш. Теория этнического самосознания в советской этнографической науке (основные аспекты проблемы) // СЭ. 1987. № IV. С. 9–22.

⁵ Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. С. 57-58

берилган. Унинг фикрича, “маданият ва урф-одат ўчоғини қолдирувчи асосий боғловчи канал – бу оиласдаги авлоддан-авлодга қолдирилаётган муносабатлар мажмуи”дир¹. Ҳақиқатдан ҳам, унинг сўзи асослидир. Чунки, ҳар бир ҳалқнинг миллий ўзлигини сақлаши жараёнида оила муҳим бўғин ҳисобланади. Бу жараённи Ўзбекистонда яшаб келаётган диаспоралардан бири – арабларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъанавий маросимларида кўришимиз мумкин.

А.А. Семеновнинг тахминича, Ўрта Осиё арабларининг бир қисми юқори табақа вакиллари, аскарлар ва хунармандлар бўлган² дейди. Мана, бир неча асрлардан бери Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг биргина хунармандчилик анъаналари бунга мисол бўла олади. Масалан, араб гилами, жун матога ишлов бериш анъаналари сақланиб, оилавий мерос сифатида ўтиб келмоқди.

Арабларга хос хусусиятлар борасида фикр билдирганда, аввало аҳоли рўйхати масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бу борада XX аср бошларида, хусусан, 1926 йилда ўtkазилган аҳоли ва қишлоқлар ҳисоб-китобига кўра араблар Қашқадарё вилоятида 1187 манзилда 341 491 фуқаро яшаган. Умуман олганда, вилоят ҳудидаги қишлоқларнинг 29 тасида араблар яшаган³. Шуни эътиборга олишимиз лозимки, XX асрнинг 50–60-йилларида Ўрта Осиё арабларининг умумий сони 6,4 мингта бўлиб, шундан Ўзбекистонда 5,4 минг нафарни ташкил этган⁴. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларнинг сони 1926 йилда – 27 977 нафар, 1979 йилда – 2 039 нафар, 1989 йилда эса 2805 нафарни ташкил этган⁵.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида жанубий Сурхон воҳасида араблар Шеробод беклигининг Работак

¹ Бромлей Ю.В. Ўша асар . 206-бет.

² Семенов А.А. К проблеме национального размежевания Средней Азии. Ташкент, 1924. С. 6.

³ Сайдов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. Тошкент, 1996. 33-бет.

⁴ Қаранг: Ўзбек совет энциклопедияси 1-жилд. Тошкент, 1971. 425–426бетлар.

⁵ Этнический атлас Узбекистана. Тошкент, 2002 . 27-бет.

қишлоғида яшаганлар. Бу қишлоқ Шамол, Бой, Сари (1926 йилда 228 хўжалик бўлган) каби З қисмга бўлинган. Ўтмишда Работак “уч юз уйли араб” деб аталган¹.

Россиялик олимлар томонидан Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғида 2007 йил май ойида олинган ушбу қишлоқдаги фуқаролар йифини маълумотига кўра, 2007 йил 1 январда бу ерда аҳоли сони 19000 киши ва уларнинг 10814 нафари ўзини араб миллати вакили деб тан олган. Қисқа муддат ичидаги аҳоли сони ўн баробар кўпайиши, бу ҳудудда яшаш учун яхши шарт-шароитлар мавжудлиги ва ёшлар ўлими кам бўлганлигига, деб билса бўлади, ёки Кушнер айтганидек, “ўзлигини сақлашга интилишда” бўлса керак².

Араблар Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида алоҳида қишлоқ ёки маҳаллаларда яшайдилар. Айнан араблар ўзбек халқининг ажralmas бир қисмига айланиши билан бирга, уларнинг сезиларли бир қисми ҳозирги кунгача этник ўзлигини сақлаб келмоқда.

Ўзликни англаш муаммоси индивидуал ва ижтимоий онг, фан ва амалиёт учун фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, унинг турли аспектлари билан фалсафа, руҳшунослик, антропология, социология, сиёsatшунослик, маданиятшунослик, диншунослик, ҳуқуқшунослик, тарих ва бошқа фанлар шуғулланади. Ўзликни англаш сиёсий амалиёт, халқора муносабатлар ва бошқарув нуқтаи назаридан ҳам ўта аҳамиятилидир³. Ҳар бир миллат бошқаларга ўхшамаган удумлари, ўзига хос яшаш тарзи билан гўзал. Демак,

¹ Турсунов Н. Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Дисс. афтореферати. Тошкент, 2006. 63-бет.

² Янес М. А К вопросу об оценке национального самосознания арабского населения Узбекистана (результат этносоциологического анкетирования) Т. 2007; Кушнер П.И. (Кнышев). Национальное самосознание как этнический определитель // КСИЭ. М-Л., 1949. VIII. С. 3.

³ Файзуллаев А. Миллат, давлат ва инсоннинг ўзини англаши // Тарих ва ўзликни англаш: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. Тошкент, 2007. 28-бет.

тараққий этган давлатларда ҳар бир миллатнинг миллий хусусиятлариға ҳурмат билан қаралишида улкан маъно бор. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам миллатлар орасидаги тенг ҳуқуқлилик, ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, анъаналариға, тили ва удумлариға ҳурмат билан қараш тамойиллари қонун билан кафолатланган.

Ўзликни англашнинг юқори поғонаси бу – миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш ҳар бир миллат вакилининг объективлашган борлиқда ўз ўрнини идрок этиши, ижтимоий-тарихий ва маънавий-маданий тараққиётда ўзининг яратувчилик фаолияти, эвристик изланишлари, интеллектуал салоҳиятига боғлиқлигини, шунингдек, ҳаёти ва фаолиятинида тараққиёт талаблари зарурлигини англашидир. Миллат вакиллари ўртасида ижтимоий тараққиёт мақсадларида яқдиллик бўлиши миллий онг, ўзликни англашнинг бош талабидир. Шахс миллатнинг мақсадлари, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояларни қабул қилмай, у билан яқдил бўла олмайди¹. Ихтиёрийлик озодлик, ўз манфаат ва интилишлари, фикрни эркин ифодалаш усулидир. Инсоннинг ўзлигини англаши “мен” ини ихтиёрий (табиий-ижтимоий зарурий) тарзда намоён қилишга интилиши натижасидир. Демак, ихтиёрий фаолиятисиз ўзликни намоён қилиш мумкин эмас².

Таниқли арабшунос олим С. Л. Волиннинг ёзишича, “Ўрта Осиёда араб қишлоқларнинг қанчалик кенг ёйилганлигини англаш учун минтақага оид ҳар қандай харитага назар ташлашнинг ўзи етарли бўлади. Чунки Ўрта Осиёнинг турли географик минтақаларида «Араб» ёки «Арабхона» номли қишлоқларни учратмаслик амри маҳол”³. Айниқса, XX аср бошларидаги баъзи изланишлар келажакда

¹ Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт... 20-бет.

² Бердяев Н.А Самопознание (опыт философской автобиографии). М., 1999. С. 297.

³ Волин С.Л. К истории среднеазиатских арабов//Труды Института востоковедения АН СССР. Вып.36. М.; Л., 1941.С.114.

тадқиқотларда Ўзбекистон ҳудудидаги араблар номи билан боғлиқ жуда кўплаб қишлоқлар вужудга келганлигини кўрсатади. 1900 йилда рус тадқиқотчisi Н. Ф. Ситняковский Зарафшон воҳасидаги аҳоли манзиллари номларини рўйхатга олиб чиқкан. Унинг «рўйхати»да 2800 дан ортиқ қишлоқ номлари қайд этилган. Мазкур 2800 қишлоқнинг 78 таси Араб номи билан боғлиқ бўлган қишлоқлардир. Масалан, «Араб» деб аталувчи қишлоқлар 12 та, «Араблар» 4 та, «Арабон» 14 та, «Арабхона» 40 та, шунингдек Арабтепа, Кўлдошараб, Милкиараб, Чилонғу араб каби номлар ҳам шу рўйхатда келтирилган¹.

Арабхона Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайдиган қишлоқлар. “Араблар яшайдиган жой”². Бухоро вилоятида рўйхатга олинган топонимлар 3000 дан ортиқ бўлиб, ана шу аҳоли манзилларининг 1/3 қисми этнотопонимлардир. Жумладан, биз тадқиқ қилган араб этноси билан боғлиқ Араб, Араба, Арабобод, Арабон, Арабқишлоқ, Араблар, Арабхона, Арабча каби номланган қишлоқлар сони 72 ни ташкил қиласди³.

Таниқли топономист олим Тўра Нафасов Қашқадарё воҳасида жойлашган араб қишлоқлар сони 21 та эканлигини аниқлаган. Жумладан, Арабовул, Араббон, Араббон дарвоза, Арабсой, Арабтўда, Арабхона кабилардир. Арабхона этнотопоними Қарши, Косон, Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги шаҳар, қишлоқ ва гузар номларида учрайди. Араблар қишлоғи, хона – жой қўрғон, овул, қишлоқ, Арабовул Нишон тумани гузар араб этник гурӯҳга мансуб кишилар яшаган овул (гузар) деганидир⁴.

Ўзбекистон арабларининг миллий ўзлигни англаш хисси анъанавий миллий либосларида сақланиб қолган. XX асрнинг

¹ Караев С. Этнография. Ташкент, 1979. С.12-13.

² Қораев С. Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. Тошкент, 2005. 84-бет.

³ Саидов М., Равшонов П. Жейнов тарихи. Тошкент, 1996. 32-бет.

⁴ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988. 14-15-бет.

80- йилларда тадқиқот ишларни олиб борган. Олим Ҳ. Исмоилов арабларнинг моддий маданиятини тадқиқ этиб, уларнинг ўзига хос локал жиҳатларини таҳлил этган. Олимнинг таъкидлашича, кекса эркаклар – “наббат” ёки “жадди”, кекса аёллар – бувилар “набба” ёки “жудо”, ўрта ёшли эркаклар “сабайин”, болалик аёллар – “кадаса”, ёш йигитлар – “рузъон”, қизлар – “бинад”, “бинт” киядилар¹. Ўзбекистон арабларининг миллий либослари ҳозирги вақтга келиб унутилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бошқа халқларда учрамайдиган бир жиҳат, яъни араблар кексайган сари миллий кийимларини киябошлишади. Бу ҳам арабларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Андхуй маҳалласида яшовчи хотин-қизлар миллий либосни ёқтиришади. Миллий либос уларга ярашади. Тақинчоқ ва бошга кийиладиган буюмлардаги айричалик шундаки, улар қадимда ижод этилганлиги билан ажралиб туради. Аёлларнинг бошида бўхнак бўлади. Бўхнак гиззи-оқ лачак устидан кийилади. Бўхнакнинг ҳилолсимон гўшаси салқи тақиб юрилган². Икки яноққа эса жажжи кулчадек қилиб юмaloқланган куррак қўйилган. Куррак қора қўзининг биринчи қирқим жунидан тайёрланган. Катмола деб аталувчи безаклар бош либосига зеб беради. Катмола олтиндан ишланган бўлади.

Ўзбекистон арабларининг идентиклик (этник ўзлик англаш) хисси ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган. Совет тузими даврида олиб борилган сиёсий мафкуранинг таъсири арабларда миллий ўзликни англаш хисси йўқолишига олиб келган бўлса, мустақиллик йилларида арабларнинг урф-одат ва анъанавий маросимларини сақлаб қолишга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихан қисқа давр ичида араб оиласи ижтимоий моддий ва маънавий

¹ Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Тошкент, 2012. 312-бет.

² Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти. Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2011. йил.

ҳаётида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг миллий ўзликни англаш жараёни арабча номдаги кийим-кечаклар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда айрим арабча сўзлар ва ибораларда сақланиб қолган.

III. ОИЛАВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

*К.и.н. Н.Х. АЗИМОВА
Институт истории АН РУз.*

Опыт использования этнологических методов в исследовании некоторых религиозных обрядов

Многолетняя работа в полевых исследованиях привела автора к мысли поделиться опытом использования некоторых методов этнографии в конкретном исследовании. Существование целого ряда антропологических методов ставит исследователя перед вопросом, какой из них приведет к наиболее полному сбору данных. Настоящая статья ставит перед собой задачу дать читателям основы методических приемов и способов собирания материала, которые необходимы для успешного осуществления полевой этнологической работы. Очень небольшой объем работы заставляет автора ограничиваться лишь самыми общими рекомендациями и советами. Темой исследования в данном случае будут те религиозные обряды, которые длительное время сосуществовали рядом с официальной религией. Конечно, для правильного понимания этих религиозных представлений и их места в жизни населения этнографу необходимо хорошее знание ислама и ее истории. В период особых социально-экономических преобразований, несмотря на определенные материальные условия, женщины чаще прибегают к их исполнению, поэтому фокусом изучения религиозных традиций были «женские» обряды. Женщины продолжают ревниво, относится к своим обрядам, приносящим им моральное удовлетворение и успокоение. Вера в то, что некоторые религиозные обряды, совершаемые ими, идут на улучшение жизни в социальном, да и в

экономическом плане всех членов семьи, а не только самих участниц обряда, еще больше усиливает стремление сохранить их. В течение нескольких лет автор изучала так называемый «женский мир» в кишлаках Ферганской долины. В поле зрения была обряды жизнь и ритуалы являющиеся мусульманскими, и те, корни которых уходят в доисламское время. Основными обрядами являлись Мавлид, Биби Сешанба и Мушкулькушод.

Наилучшая форма изучения религиозной обрядности - стационарное с использованием методов интервью и включенного наблюдения, причем исследователь должен стать "своим человеком" и не вызывать у местного населения недоверчивого к себе отношения. Эти рекомендации мы обнаруживаем в работе Г. Громова, который отмечал, что многие верования можно подметить лишь при длительном, лучше всего стационарном, изучении быта и духовной жизни населения.¹ Общим требованием ко всем изучающим религиозные верования в поле, является требование воздерживаться от критики того, что мы изучаем. Необходимо помнить, что это часть культуры людей, которых мы опрашиваем. И в данном случае неприятие или неуважительное отношение к происходящему, а тем более негативная их оценка приведет не только к недоверию со стороны респондента, но и в некоторых случаях лишит вас полностью возможности продолжать исследование. Нельзя также забывать, что работа в поле, в экспедиции - это лишь часть научной работы этнографа. И эту работу нельзя противопоставлять или отделять от изучения других этнографических источников: письменных, архивных, музеиных и т. п. В свою очередь полевые материалы, собранные в экспедиции, позволяют этнографу значительно дополнить и правильнее истолковать сведения, извлеченные им при работе над письменными, музеиными и другими

¹ Громов Г. Методика этнографических экспедиций. М., 1966. С89.

источниками. Работа "в поле" и работа "в кабинете" - это две стороны единого процесса изучения народной культуры, которые взаимно дополняют и обогащают друг друга.¹

Иногда уже в процессе сбора материала ученый сам решает, какой метод использовать, чтобы получить более полную картину изучаемого явления. Это зависит от задач, поставленных исследователем.

Автор как говорилось выше, использовала метод наблюдения и индивидуального интервью (углубленного). Дадим некоторое пояснение этим методам.

Наблюдение - метод сбора информации, основанный на непосредственном наблюдении исследователем объекта исследования. В изучении религиозной обрядности полевая работа должна состоять в стационарном наблюдении, причем при этом идет не просто фиксация данных, а непосредственное участие в исполнении обрядов, что называется включенным наблюдением.

Интервью - в отличие от наблюдения интервью предполагает личную беседу исследователя и респондента. Качество информации, получаемой в процессе интервью, зависит от этой программы, а также от искусства установления взаимодействия между этнографом и респондентом.

Изучая обряды, лучше всего сочетать оба метода. Включенное наблюдение дает возможность самому этнографу принять участие в действии и прочувствовать атмосферу, чувства участников и смысл этого процесса в жизни респондентов. Даже самое хорошее интервью не может дать полного представления обо всех деталях обрядовых действий. Респонденты нередко опускают то, что они считают не так важным в рассказе об обрядах. Таким образом, некоторые подробности просто опускаются или излагаются в неполном виде.

¹ Там же. С.9

В процессе полевой работы все чаще используются технические средства записи: диктофоны, фотоаппараты и если возможно кинокамеры. Каждый этнограф должен уметь пользоваться этими техническими средствами, так как только он сам может верно определить, что и как нужно сфотографировать, чтобы снимок был не просто хорошим, но и содержал всю необходимую научную информацию. Записи на диктофон позволяют зафиксировать более полную необходимую информацию. Кроме того, ученый во время проведения беседы не будет смотреть и вносить запись в тетрадь, а будет находиться в контакте с респондентом, то есть «глаза в глаза».

В работе И.Ф. Девятко¹ мы находим предложенное Р. Гоулд важное разграничение исследовательских ролей во включенном наблюдении. Это разграничение основано на степени вовлеченности-отстраненности исследователя в ситуации наблюдения и соответственно на степени закрытости-открытости его собственно этнографической, научной деятельности. В этом случае выделяются следующие роли: полный участник; участник как наблюдатель; наблюдатель как участник; полный наблюдатель. Базируясь на преимуществах и недостатках первой и последней роли, при исследовании религиозной обрядности мы выбрали две промежуточные роли, которые позволили быть одновременно и участником и наблюдателем. Такая позиция исследователя необходима для принятия его в собственный круг участниц для установления доверительных отношений. В то же время следует наблюдать за происходящим, чтобы понять и форму, и содержание обряда в полном объеме. Конечно, такой опыт приходит с течением времени и количеством посещения этих мероприятий.

¹ Девятко И.Ф. Логика и методология социологического исследования. М., 1997. С.25.

Предварительная подготовка полевой работы. Прежде чем начать полевое исследование необходимо определить круг респондентов, а также узнать, когда и в каких семьях будут проводиться вышеупомянутые обряды. О возможности участия в ритуалах следует договориться заранее, чтобы хозяева дома не были смущены внезапным посещением. Лучше предварительно провести интервью с хозяйкой мероприятия о том, как она готовится, почему этот обряд совершается, что планируется и т.д. После интервью нужно спросить разрешения на участие, объяснив это лучшим визуальным восприятием обряда и необходимости некоторых уточнений для вашего будущего анализа данных.

Для получения надежных сведений необходимо подбирать тех респондентов, которые действительно хорошо знают данный обряд. Особое внимание следует обратить на *отинчу* (служитель культа) и *дастурхончи*, исполняющих функции проводников традиций. Нужно изучать не только приемы и общий характер их деятельности, но и особенности их положения в местном обществе.¹

Большую роль играет фактор наследственности, то есть знания, и способности *отинчи* передаются из поколения в поколение. Если даже в промежуточном поколении нет служителей культа, то в последующем обязательно таковые будут. Вторая исполнительница большинства обрядов не духовное лицо, а один из членов (иногда и не официально) в структуре управления жизнью махалли. На эту должность выбирается женщина, у которой много детей, либо вдова, которая нуждается в дополнительных средствах для содержания семьи. *Дастурхончи* является непосредственным исполнителем всех действий обряда, следит за верной очередностью их проведения, помогает хозяйке дома достойно принять, рассадить всех гостей, соблюсти порядок во всех обрядах. Без неё не проходит ни одно значительное

¹ Громов Г. Методика этнографических экспедиций. М., 1966. С98.

обрядовое событие в махалле, поэтому она хорошо знает все ритуалы, этические нормы поведения во время их проведения.

Сравнение практикуемых практик городскими шаманами таким образом наглядно демонстрирует процесс перехода. Среди городских шаманов наблюдается значительное сокращение в натуральных практических приемах – лечебные травы и массажи – и все большее увеличение использования сверхъестественных методов, в особенности амулетов и заговоров. Эта трансформация не ограничена переходом от физической к спиритуальной сфере и от естественной реальности к сверхъестественной, но она также выражается в восприятии новых практических приемов, включая и религиозные методы чтения молитв. Возможно что этот новый акцент на немедицинский элементах, наблюдаемый в

¹ Материалы полевых исследований автора. Ташкент, 2008-2011 г.

основном в практике городских шаманов направлен на представление уникальной альтернативы профессиональной биомедицине широко распространенной в городах. Городские шаманы определяют себя и занимают свое место в западно-ориентированной среде как урбанистическое пространство современного Ташкента.

Следует заметить, что некоторые изменения являются очевидными, которые наблюдаются в ролях и практике городских шаманов. Мы уже упоминали о том, что они постепенно уходят от решения только физиологических проблем в сторону решения жизненных трудностей и неурядиц; они дистанцируются от проблем, чья причина предположительно естественного происхождения и стремятся к решению проблем рассматриваемых в качестве сверхъестественного происхождения и которые должны решаться сверхъестественным, магическим или даже религиозным путем. Разница между городскими шаманами и их сельскими коллегами не отражается в существовании двух определенных типов целительства – городского и сельского. Исследования указывают на ряд схожих черт между сельскими и городскими шаманами. Различие в ролях и практике среди них может быть приписано к современной разнице в жизненных условиях окружающих их сообществ.

В центре наблюдаемой трансформации в ролях городских шаманов и их практики лежит ряд глубинных процессов, таких как индивидуализация и аккультурация, которые более очевидны среди жителей крупного города чем в сельской местности. Недавние антропологические исследования¹ признают за городским шаманизмом функции социальной адаптации, которые определяются как действия,

¹ Krippner S. The epistemology and technologies of shamanic states of consciousness // Journal of Consciousness Studies, 2000. Issue 7, P.93-118; Decker, Larry R. Combat Trauma: Treatment from a Mystical/Spiritual Perspective // Journal of Humanistic Psychology, 2007. Vol. 47 Issue 1. P. 30-53; Al-Krenawi, Alean. Explanations of Mental Health Symptoms by the Bedouin-Arabs of the Negev // International Journal of Social Psychiatry, 99. Vol. 45 Issue 1. P. 56.

направленные на решение неблагоприятных или кризисных ситуаций что подтверждают и проведенное этносоциологическое исследование в Ташкенте¹.

Одним значительным процессом в особенности является переход от расширенной патриархальной семьи к нуклеарной. Хотя в целом в обществе сохраняется система расширенной семьи, нуклеарные семьи все больше доминируют среди городских жителей, тем самым увеличивая значение вопросов брака и семейных отношений. В прошлом материинство было единственной основой для социальной и индивидуальной идентичности женщины, в то время как сейчас, по причине перехода от расширенной семьи к нуклеарной, эта основа была вытеснена браком в качестве основы женской идентичности. Следуя упомянутому переходу к нуклеарной семье, муж становится наиболее влиятельным фактором в жизни женщины. По причине влияния западной культуры, отношения между мужчиной и женщиной имеют тенденцию носить романтический оттенок и становятся ядром семейной жизни. В городах, женщины все более теряют свою традиционную социальную связь и посвящают значительное время и ресурсы своим семейно-брачным отношениям. Их партнеры в дальнейшем становятся либо источником радости или разочарования.

Другим процессом в городе, является увеличение в уровне образования и размерах дохода. Это развитие усиливает индивидуалистические тенденции в обществе, ставя новые проблемы для человека, который теперь сталкивается перед множественным выбором, особенно в отношении семьи и профессии, наряду с вопросами идентичности и принадлежности. Этот выбор, вместе с неравномерностью в доходах, типичным для большого города, порождает атмосферу соперничества, ревности,

¹ Материалы полевых исследований автора. Ташкент, 2008-2011 г.

зависти и крушения надежд. Соединенные воедино эти тенденции пробуждают чувство неуверенности, которое городские шаманы с помощью совета, предсказания и магии. Данная проблема перекликается с исследованиями ряда авторов, как Мэйснер, Туа де Брайна. Согласно им эти верования, ценности и отношения являются главными утверждениями того, что мы считаем правдой, даже без достаточной очевидности. И они являются значительными и часто очень мощными мотивационными силами в жизни населения большого города. Вера часто выполняют позитивную функцию, обеспечивая стабильность и усиление для столкновения с превратностями и трагедиями жизни¹.

Для городского общества характерным является тенденция к значительным социальным трансформациям. Его члены, проживая среди населения, ведущего по большей части современный, западный, светский образ жизни – предрасположены к процессам аккультурации. Люди, приезжающие из сельской местности повергаются влиянию городского большинства, воспринимают их образ жизни на определенном уровне и даже в какой-то мере вовлекаются в глобальные процессы, к примеру, трудовая миграция. В ходе этого процесса между старым и новым, между внутренним и внешним, изменения происходят и в отношении традиций; некоторые консенсусы ломаются а некоторые подвергаются изменению. Межпоколенные конфликты наряду с чувством страха и беспомощности становятся неизбежными. Чувства, происходящие из-за конфликта между традицией и современностью, вызывают рост личных и социальных проблем, которые часто находятся в основе причины обращения горожанина к городскому шаману. Хотя профессиональная система здравоохранения способна найти

¹ Meissner W.W. The Phenomenology of Religious Psychopathology // Bulletin of the Menninger Clinic. Boston Psychoanalytic Institute, MA. 1991. Issue 55 (3). P. 281–298.; Toit du, Brian M. Modern Folk Medicine in South Africa // South African Journal of Ethnology. 1998. Issue 21 (4). P.142–152.

решения физических и эмоциональных проблем, но она не всегда способна справиться с размыванием жизненных концепций и ценностей, происходящих по причине социальных переходов, особенно в крупном городе. Тем не менее, ряд исследований выявил определенный, нарастающий процесс интеграции специфических паттернов нетрадиционных подходов к лечению в современной медицине¹.

Кроме того, конфликт между личным и коллективным, между современностью и традиционным образом жизни, существует непосредственно и на молодежь в большом городе. Некоторые из них пытаются найти партнера, другие стремятся реализовать себя, или же возродить угасшие чувства в своем браке. Эта трансформация в сознании вступает в конфликт с устоявшимися нормами поведения. Таким образом, женщина стремящаяся выбрать партнера, основываясь на романтических чувствах, противоречит семейным традициям, и оказывается в конфликтной ситуации. Этот процесс отражает тем самым борьбу между восточным и западным образом мышления, что и чаще всего проявляется в проблемах, которые решают городские шаманы.

Другой процесс относится к практике шаманства более чем к роли самого городского шамана. В этом случае, разные условия жизни объясняют различия между традиционными сельскими шаманами и живущими в крупном городе со смешанным населением (например Ташкент). Перемещение сельских трудовых мигрантов в город и увеличивающаяся урбанизация населения влияет на экономическую роль

¹ Suryani L.K., Jensen G.D. Trance and possession in Bali: A window on western multiple personality, possession disorder, and suicide. – Singapore, 1993; Vontress C.E. Traditional healing in Africa. Implication for cross-cultural counseling // Journal of Counseling and Development. 1991. P. 70, 242–249; Leaf P.J., Livingston M.B. Gender differences in the Use of Mental health related services: A re-examination // Journal of Nervous and Mental Disease. 1987. Issue 178. P. 545–555.

городских шаманов. Прекращение занятием скотоводством и сельским хозяйством, и постепенная адаптация к городской жизни приводит к некоторой изоляции пришельцев в городе, что в конечном итоге выливается в поиск контакта с культурным прошлым в виде обращения к городскому шаману. Этот процесс который можно охарактеризовать как «естественный дефицит», медленно происходит среди постепенно урбанизирующегося сельского населения в крупном городе. Престиж придаваемый религиозным текстам придает городским шаманам определенную легитимность и статус. Поступая, таким образом, городские шаманы выражают свое желание принимать участие в новом социальном окружении и возможно даже противостоять некоторой критике.

Ослабление семейных связей и ценностей, а также увеличение числа людей живущих самостоятельно без партнера очевидно и характерно для современного города. Городские шаманы женщины не составляют исключение, несмотря на социальные нормы осуждающие одиноких женщин занимающихся подобной деятельностью. Но необходимо заметить, что это для них представляет удобное, выгодное и легитимное с их точки зрения занятие, стратегию выживания в сообществе в большинстве, ограничивающем выбор занятия женщиной. Некоторые утверждают, что им приходилось работать в других сферах, но не являющихся престижными. Таким образом, занятие городским шаманизмом для них является признанным занятием приносящим определенную выгоду хотя и осуждаемым в обществе, но негласно уважаемым и популярным.

Как было указано, выше описанные процессы индивидуализации и аккультурации, переход от расширенной нуклеарной семьи, рост грамотности и усиление тенденции религиозности, что более очевидно в крупном городе чем где бы то ни было, влияет на роли и характеристику и ведет к

созданию нового типа целителя – городского шамана. Это конкретный тип человека, определенной возрастной группы, уровня образования и семейного статуса. Современный городской шаман представляет собой человека средних лет в возрасте от 30 лет, проживающего в многонациональном городе. Кроме того он имеет среднее образование иногда высшее. Владеет двумя или более языками и способен найти подход к людям с традиционным укладом и взглядами и также к людям с современным западным мировоззрением. Он или она иногда живут без супружеского партнера, иногда воспитывая детей в одиночестве.

По видимому, мы таким образом, имеем следующий тип городского шамана: возраст от молодого к среднему, имеющем образование и необязательно состоящего в браке. Они большую часть своего времени посвящают работе с клиентами, целительству, провидению, помощи в жизненных вопросах и многое другое. Кроме того они демонстрируют однообразие в стиле работы, имеют широкую клиентуру, оказывают помощь разным слоям населения и возрастным группам, при этом получая достаточную финансовую выгоду от своего занятия. Другими словами, городские шаманы в городах приобретают своеобразный профессиональный имидж, происходящий от уникальности личности целителя, специализации и профессионализации типичной для городского окружения.

Т.ф.н. З.А. РАСУЛОВА
Низомий номидаги Тошкент
давлат педагогикауниверситети

Оила мустаҳкамлигига никоҳга етукликнинг аҳамияти

Ҳар бир ўзбек оиласида аста-секинлик билан узоқ вақт тўй тараддудига тайёргарлик қизнинг бўйига ёки йигитнинг

эр бўлиб етишиши билан тугайди. Чунки энди бўлажак келин ва куёв учун катта сарф-харажатни ташкил қиласидиган кийим-кечак, кўрпа-тўшак, уй-жой, рўзғор ашёлари, тўй харажатлари, маҳр харжи тайёрлашга киришилади. Бир вақтнинг ўзида қиз танлаш («қиз кўрди», қиз кўриш) ҳамда совчи кутиш расм-русумлари бажарилади.

Аммо бу расм-русумларни бажаришдан олдин қиз ва йигит никоҳ учун етук бўлишлари лозим. Никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: *жисмоний* (*физиологик*), *жинсий*, *хуқуқий*, *касб-ҳунар*, *иқтисодий*, *ижтимоий*, *маънавий-ахлоқий*, *психологик*¹ каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Шундан келиб чиқиб ёшлар никоҳланиш мумкин бўлган ёшгача етадилар.

Булар орасида хуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатлар, белгиларга эга ва улар ҳақида тегишли хуқуқий, тиббий, психологияк жиҳатлар мавжуд. Иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар эса бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади. Оила қурилаётганида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Масалан, жинсий етуклик (балоғатга етиш) ҳозирги замон қизларида 12 – 14 ёшга, ўғил болаларда эса 14 – 16 ёшга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар +/- 2 ёшга фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2 – 3 йил керак бўлади, деб ҳисоблайдилар. Хуқуқий – 18, мутахассисликка эга бўлиш – 20 – 25, касбий маҳорат эгаллаш ва етук мутахассис бўлиш – 28 – 30 ёшларни ташкил этади. Иқтисодий мустақилликка эга бўлиш эса 20 ёшдан 30 ёшгача давом этади².

¹ Қаранг: Гребенников И.В. Основы семейной жизни. Уче пособие для пед. институтов. – М., 1991. С. 60-65; Оила психологияси. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллеклари учун / Шоумаров Ф. таҳр. ост. Тошкент, 2001. 91-97 бетлар; Халматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оиласи ҳаёт бўсағасида. Тошкент, 2000. 5-7 бетлар.

² Қаранг: Оила психологияси... – 91-бет; Халматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оиласи ҳаёт бўсағасида... 5-бет ва б.

Жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтаи назаридан етарлича аниқ ҳодисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам жинсий етуклик дейилганда одамнинг физиологик жиҳатдангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирамайди. Бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур билимларга, тўғри тасавурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса алоҳида эътибор, маҳсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиласиган жараёндир.

Оила қуришга ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлик оила қуриш ёши, оила мулки, эр-хотин ва ота-оналик, фарзандлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳуқуқий билимлар мавжудлигини ифодалайди. Ўз навбатида, ҳуқуқий етукликнинг ўзи ҳуқуқий ёшга етиш билан, яъни оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланishi билан белгиланади.

Касб-ҳунар етуклиги ҳам мураккаб тушунча бўлиб, қандайдир билим юртини, ўкув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган маҳсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Аммо бирон-бир билим юртини (коллеж, лицей, институт ва ҳ.к) битирган одам ўз касби бўйича бир неча йил ишлаб кўргандан кейингина унинг касб-ҳунар етуклиги ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, баъзи касбларда 18 – 20 ёшгача етукликка эришиш мумкин бўлса, бир хилларида камида 30 ёшгача бунга эришиш мумкин.

Ёшлиарни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатлари – келин-куёвларнинг бўлажак оилани моддий жиҳатдан узлуксиз таъминлаб туришга қодирлиги, ёш оиланинг яшаш жойи, оила юритиш учун тадбиркорлик фазилатларига эгалиги назарда тутилади. Бу етукликда ҳам ёш чегараланиши юқоридагидек фарқ қиласи.

Оила қуришга ижтимоий жиҳатдан тайёр бўлиш деганда оиланинг жамиятда тутган ўрнини, унинг ижтимоий вазифаларини, оила қуриш, фарзандли бўлиш, уларни тарбиялаш масъулияtlарини англаш лозим.

Оила қуришга маънавий-ахлоқий тайёр бўлиш ҳақида гапириш мураккаброқ. Бироқ шуни айтиш мумкинки, у ёшларда оилавий ҳаёт тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиш, оилавий ҳаёт тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиш, оилавий муносабат маданиятини шаклланиши, уй-рўзғор ишларини юрита билиш, оила осойишталигини таъминлаш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш каби масалаларни ўзида ифодалайди.

Инсоннинг *психологик етуклиги* бу – ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўйиши, турли яшаш шароитларига мослашиш, турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олишидир.

Никоҳга етуклика юқорида қайд этилган омилларнинг ҳаммаси муҳим бўлса-да, аммо Тошкент шаҳрида ўтказган тадқиқотимизга кўра (бевосита сўров, яъни оғзаки сўров, эркин сўров (сухбат), стандартлаштирилган сўров – маҳсус тузилган ижтимоий-психологик, этнографик сўровнома (ИПЭС 214 кишидан олинган; 2001 – 2007 йиллар) ва ёзма сўров – ижтимоий-психологик сўровномалар (ИПСнинг яrim очик шакли; сўровнома 100 респондентдан олинган, шуларнинг 58%и аёллар, 42%и эркаклардир. Ахборотчиларнинг ёши: аёллар – 19 – 68 гача; эркаклар – 20 – 59 гача. Ахборотчиларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи (саноат) - 11%; хизматчи - 65%; нафақадор - 3%; бошқа (талаба, уй бекаси, ҳунарманд, тадбиркор, савдогар) 21% (2007 йил), ўзбекларда кўпчилик (аёллар – 39,6%, эркаклар – 35,7%), умумий олганда, асосан жисмоний (физиологик) етукликинг ўзини никоҳ қуриш учун етарли, деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, эркаклар (42,8%)

маънавий-ахлоқий (аёллар – 13,8%), ҳуқуқий (аёллар – 5,2%), иқтисодий (аёллар – 3,4%) етукликларни биринчи ўринга қўядилар. Ҳам эркакларда (28,6 %), ҳам аёлларда (22,4 %) жинсий етуклиқ иккинчи ўриндадир. Психологик (аёллар – 12,1 %, эркаклар – 21,4 %), ундан кейин касб-ҳунар етуклиги (аёллар – 1,7 %, эркаклар – 14,3 %) кейинги ўринлардадир. Фақат 1,7 % респондентлар (аёллар) бу никоҳ етуклиларини барчасини оила қуришда муҳим деб топди. Шулардан амалда жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий етуклилар никоҳ қуришда инобатга олиниши учраса, камдан-кам ҳолларда маънавий-ахлоқий ва психологик етуклилар инобатга олинади. Ҳолбуки, бу етуклилар оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи ҳисобланади.

Йигит-қизлар қачон никоҳ қуришга етуқ деб ўйлайсиз?

| ЎРИН | 1-ЎРИНГА ҚЎЙИЛГАН | УМУМИЙ | АЁЛ | ЭРКАК |
|-------------|------------------------------|---------------|------------|--------------|
| | | % | % | % |
| 1 | Жисмоний (физиологик) | 29 | 39,6 | 35,7 |
| 2 | Жинсий етилганда | 17 | 22,4 | 28,6 |
| 3 | Маънавий-ахлоқий | 14 | 13,8 | 42,8 |
| 4 | Психологик | 10 | 12,1 | 21,4 |
| 5 | Ҳуқуқий (қонунга биноан) | 9 | 5,2 | 42,8 |
| 6 | Иқтисодий (моддий) | 8 | 3,4 | 42,8 |
| 7 | Касб-ҳунарда етилганда | 3 | 1,7 | 14,3 |
| 8 | Хар томонлама | 1 | 1,7 | – |

Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли муносабатда бўла

олиш – шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир¹. Албатта, бундай қобилият бир кунда шаклланмайди. Улар унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади.

Бу ўринда Ризоуддин ибн Фахруддиннинг сўзларини келтириб ўтиш жоиз: “Гарчи, бир хотун боласига тили билан гўзал нарсалар ўргатса-да, феъли ёмон бўлса, у ёмон хулқ ўргатувчи саналур. Зеро, ёш болалар ота-оналаридан кўрган нарсаларга тақлид этадилар. Ота-онанинг хулқлари болалари учун мисоли табиат ҳукмидир. Болалар кўз ўнгida бузуқ ва ножӯя ишларни қилиш, уларга ҳам ўшандай ишларни қилишга ўргатмоқликнинг ўзидир”². Демак, ота-онанинг ўзаро муносабати оиласда ўсаётган фарзанд учун намуна ҳисобланади. Ризоуддин ибн Фахруддин яна шуни қўшимча қиласди: “Бир-бирининг ҳурматини бажо келтирмаган ота-оналарнинг болалари ҳеч кимни ҳурмат этмайдилар. Зеро, улар бу ёмон амални ўз ота-оналаридан ўрганадилар. Агарда бир ота болалари кўз ўнгida оналарига қўл кўтарса ёки оналари оталарига қараб бақирса, болалари қошида буларнинг ҳурматлари, қадрлари қолмас. Маърифатли оналар, диндору инсофли хотунлар тарафидан тарбияланган одам болалари гўзал хулқли, шоду ғайратли, тўғри фикрли-ю соғ танли, олий табиатли-ю ҳар турли хайрли ишларга тайёр бўладилар”³. Хуллас, фарзанд тарбиясида оила, ота-онанинг ўрни катта аҳамият касб этади ва унинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатади.

Аммо шуни айтиб ўтиш жоизки, ёшларнинг жисмоний балоғатга етиши билан ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, мутахассислик ва техникани эгаллаш борасидаги етуклик ўртасида номувофиқлик вужудга келмоқда. Ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳаётга кириб

¹ Oila psixologiyasi. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari uchun / Shoumarov G’B. tahr. ost. Toshkent, 2009. 127-бет.

² Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Тошкент, 1991. 14-бет.

³ Ўша жойда.

келиши ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг жадаллашуви туфайли жуда кеч бошланмоқда, жинсий етилиш эса аввалроқ намоён бўлмоқда. “Етуклиқ” тушунчаси, албатта маълум бир ҳаётй тажриба билан, яъни “ҳаётй билимлар” билан узвий боғлиқ. Бу борада ўзига хос индивидуал хусусиятлар мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ “ҳаётни яхши билиб олади”, кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади.

Ёшларнинг ҳали ота-оналарига иктисодий жиҳатдан қарамлиги, яшаш шароитининг айрим носозликлари, касалликларнинг кўпайиши, ахлоқий ва руҳий муҳитнинг ёмонлашуви, баҳтсиз, нотўлиқ оиласарнинг мавжудлиги, жинсий тарбиянинг тўла йўлга қўйилмаганлиги каби бир қатор объектив сабаблар бўлажак оила қурувчи ёшларнинг шакланиш жараёнини мураккаблаштиради, эр-хотинлик, ота-оналик муносабатларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатади.

Бу ўринда ота-она, маҳалла, мактаб, ўқув-юртлари, ёшлар ташкилотининг ўрни катта. Собиқ Совет даврида ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари дастурларига оиласавий ҳаёт, ёшларни келажакда оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшаш ва ота-она бўлиб фарзандлар тарбиялаш каби вазифани адo қилишга тайёрлаш масалалари киритилмаган эди¹. Устига-устак, оиласавий ҳаёт ҳақида ёшлар, айниқса ўсмирлар олдида фикр юритиш, бу соҳада уларга тўғри йўналиш бериш «уят» ҳисобланган. Жинсий масала эса умуман ёпиқ мавзу ҳисобланган, гўёки бундай муносабатнинг ўзи йўқдек.

Бугун ўтмишда қилинган хатоларни тузатишга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбекистонда ҳозир оиласага тайёргарликни боғча, мактабдан бошлаш йўлга қўйилган². Лекин унинг қай даражада амалга ошаётганлиги ва унинг сифати ҳақида айтиш мушкул. Оиласавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг қай

¹ Қаранг: Халматова М., Муравъёва Н. Ёшлар оиласавий ҳаёт бўсағасида... 10-11 бетлар.

² Муаллиф қайдлари. Тошкент ш., Сергели т., А. Темур мах., 2007 й.

холатда шаклланиши нафақат ота-она, балки ўқитувчиларнинг ҳам бу соҳадаги билим савияси, оиласидаги соғлом турмуш тарзи, оила талабларини қай ҳолатда бажаришларига боғлиқ бўлади.

Б.Қ. ХАЛМУРАТОВ

Наманган давлат университети

Шомонлик эътиқоди муаммоси фольклоршунос олимлар талқинида

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг энг долзарб вазифа сифатида миллий ўзликни англаш, тарихий мерос ва диний қадриятларни тиклаш танлаб олинди. Ўтган давр мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби ижтимоий фанлар тармоғида ҳам чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий фанларнинг ажралмас қисми бўлган этнология фанида ҳам мутахассислар томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқотлар, асосан, ўзбек халқининг этник тарихи, моддий ва маънавий маданияти, қадимий диний эътиқодлар муаммосини ёритишга бағишлиланган. Ўтган йиллар мобайнида тарихчи, этнолог, филолог, фольклоршунос ва диншунос мутахассислар томонидан ушбу муаммога даҳлдор бир қатор илмий рисола ва мақолалар чоп этилди.

Мазкур давр доирасидаги адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда 4 групга: 1) манбашунослик; 2) диншунослик; 3) этнографик; 4) фольклоршунослик йўналишидаги илмий ишларга ажратиш мумкин.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида филолог М. Саттор ўзбек халқининг қадимий диний эътиқодлари ва оиласий маросимларга бағишлиланган рисоласини чоп этди. Муаллиф рисолада айнан шомонликка оид маълумотлар бермаган бўлса-да, ушбу диний эътиқод кўринишларидан бири “кинна солиш” тўғрисидаги халқ қарашлари ва урф-одатларини қайд

этган¹. Лекин, келтирилган маълумотлар ўзининг қисқалиги, узук-юлуқлиги билан харakterланади.

Қадимий диний эътиқодлар муаммосини тадқиқ қилишда нафақат тарихчи, этнограф ва шарқшуносларнинг, балки фольклоршунос олимларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Фольклоршунос олим Ш. Турдимов мақоласида илк диний эътиқодлардан бири – шомонлик билан боғлиқ мифологик қарашлар, шомон руҳлари таркибига кирувчи чилтонлар, уларнинг вазифалари, яшаш ва йиғилиш жойлари, халқ орасида сақланиб қолган тасаввурлар ҳақида маълумотлар берилган². Тадқиқотчининг фикрича, чилтонлар қирқ кишидан иборат ўта сирли жамоа ҳисобланади. Улар энг инсофли, энг адолатли кишилардан танлаб олинади. Бекиёс билимга, ғайритабиий қудратга ва фидойиликка эга бу кишилар жамоаси ҳаётда ўта оддий кун кечириб, бошқалардан ажралиб турмасликка ҳаракат қиласидилар³.

Лекин, муаллиф “чилтон”лар масаласини умумий ёритиб, аниқ бир этник худудни танлаб олмай, чилтонлар тўғрисида М. Андреев тадқиқотини таҳлил қилиб бериш билан чекланган.

Адабиётшунос олима Ф. Сулаймонова Шарқ ва Ғарб халқлари ўзаро алоқалари таҳлилига бағишлиланган монографиясида қадимда Ўрта Осиё ҳудудида яшаган сак қабилаларининг хўжалик ҳаёти, турмуш тарзи, ҳарбий санъати ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда бу қабиланинг ҳар бир жанг якунида тўпланиб, қўшиқ айтиши ва рақсга тушиши, бунинг айрим элементлари эса шомонликка оид эканлигини қайд этган⁴.

Фольклоршунос О. Қаюмов тадқиқотида шомон руҳларидан бири – парилар тўғрисидаги халқ тасаввурлари,

¹ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент, 1993. 240-бет.

² Турдимов Ш. Қирқ чилтон пирлар бор // Мактабгача тарбия. 1992. №5–6. 23–24.

³ Турдимов Ш. Қирқ чилтон ... 22-бет.

⁴ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб Тошкент, 1997. 32-бет.

шомонларнинг парилар билан алоқадор жиҳатлари, пари турлари, уларнинг номланиши ҳақидаги маълумотлар Навоий вилояти ўзбеклари мисолида таҳлил қилинган. Муаллиф фикрича, ҳар бир парининг ўз вазифаси мавжуд бўлади. Масалан, Илон пари ёвузлик тимсоли бўлиб, одамларга фақат кулфат келтириш билан шуғулланса, Беҳишт парилар Илон паридан жабр кўрган одамларни муолажа қилиш билан машғул бўлади. Шунингдек, тадқиқотчи ушбу мақолада париларнинг намоён бўлиш жараёни, кийимлари ҳақидаги маълумотларни қайд этган¹.

Парилар тўғрисидаги қарашлар ва назариялар К. Имомовнинг тадқиқотида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унда ушбу тимсол (пари-Б. X.)нинг ўзбек халқ эртакларида намоён бўлиш шакллари, пари образининг эртаклардаги функциялари, уларнинг мифо-эпик талқини ёритиб берилган². Ушбу кичик бир тадқиқотнинг муҳим жиҳати шуки, унда париларнинг эволюциясига доир ва унинг аёл рамзи билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинганигидир.

О. Қаюмов ва Н. Турсунова ҳаммуаллифликдаги ишларида шомонлик маросимлари – қўл олиш, сук чиқариш, кўчирик (водийда бу маросим кўчирма деб аталади – Б.Х.) қилиш, қонлаш, боғлаш, ёйиш каби урф-одатлар Навоий вилояти ўзбеклари мисолида ўрганилган³. Лекин, шуни қайд этиш керакки, водий шомонлари боғлаш ва ёйиш каби маросимларни ўтказмайди. Бу жиҳат Фарғона водийси шомонларининг бошқа худудлар, масалан, Зарафшон воҳаси шомонлари маросимлари билан фарқли ҳолатлари мавжуд эканлигини англаради.

Фольклоршунос А. Мусақулов ўз тадқиқотида шомонликнинг генезиси, шомонларнинг фол очиш жараёни,

¹ Қаюмов О. Пари ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. №1. 43–45-бетлар.

² Имомов К. Пари образининг мифо-эпик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №3. 36–39 бетлар.

³ Қаюмов О., Турсунова Н. Тиббий–магик этнографизмлар // Филологик тадқиқотлар. Илмий мақолалар тўплами. I- кито Навоий, 2006. 185–187 бетлар.

маросим атрибутлари, ушбу диний эътиқодда анимистик тасаввурларнинг акс этиши, шомонлар типи ва вазифаларини ёритиб берган. Унда ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида шомонликка бўлган инончлар Жиззах вилояти аҳолиси мисолида тадқиқ этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, руҳларга ишониш, ёвуз руҳларни ҳайдаб, беморларни даволаш шомонликнинг асосий белгилари ҳисобланади¹.

Фольклоршунос Жаббор Эшонқул тадқиқотида² шомонбахшиларнинг рангларга бўлган муносабати, мифологик жиҳатлари, халқ оғзаки ижодидаги талқини ёритиб берилган. Ушбу тадқиқотнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда “бахши” атамаси ва шахсига кенг ўрин берилган. Муаллифнинг таъкидлашича, бахши нафақат достон айтувчи оқин, балки ўз навбатида девга чалинган беморларни даволовчи табиб сифатида ҳам аҳамиятлидир³.

Фольклоршунос олимлар С. Рўзимбоев ва Н. Собированинг ҳаммуаллифликдаги ишларида Хоразм аҳолисининг шомонликка оид қарашлари, маросимлари, шомонликнинг маросим атрибутлари, Хоразм мифологиясидаги олов ва сув талқинига доир маълумотларни келтирилган. Шуниси характерлики, ушбу тадқиқотда шомонликнинг магия билан боғлиқ жиҳатлари фольклористик йўналишда ёритиб берилган⁴.

Фольклоршунос И. Турсунов бахшиларни вазифасига кўра, турларга бўлган. Бундан кўзланган мақсад, бахшиларни достон айтувчи бахшилардан фарқлай олишдан иборатdir. Муаллифнинг қайд этишича, табиб бахшиларнинг фотиҳа олиш жараёни алоҳида эътиборга моликдир. Унинг фикрича, фотиҳа олиш фақатгина шомонлик билан шуғулланувчи бахшиларгагина хос хусусиятдир. Достон, кўшиқ ва эртак

¹ Мусакулов А. Күш бўлиб қочар бўлсанг // Мулоқот. 1995. №4. 43–45 бетлар.

² Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. Қарши, 1999. 170-бет.

³ Жаббор Эшонқул. Кўрсатилган асар. 25-бет.

⁴ Рўзимбоев С., Собирова Н. “Авесто” мифологияси ва Хоразм фольклори. Урганч, 2001. 47-бет

айтувчи бахшиларнинг устозидан фотиҳа олиш жараёнини табиб-бахшилар билан аралаштириб юбормаслик керак¹.

Фольклоршунос М. Рўзиева анъанавий дунёқарашлар тизимида ранглар билан боғлиқ тасавурларнинг диний ва магик маросимлар жараёнидаги кўринишларига алоҳида эътибор берган. Тадқиқотчининг қайд этишича, маросимларга раҳбарлик қиласиган афсунгарлар ҳамда табиблар маросимни ўтказиш учун қўлланадиган нарсаларни рангига қараб танлаганлар. Шомон маросимларидан бири бўлган бадикхонликда оқ ранг магик қудрат белгиси сифатида ифодаланади. Бадикда ранглар уйғуналиги асосида касалнинг дарддан фориғ бўлиши даражаси кўтарилиган².

Тилшунос А. Жуманиязов шомон рухларидан бири бўлган жинлар масаласига алоҳида урғу берган. Мақолада жинларнинг яратилиши, “жин” сўзининг этимологияси, ислом динида жинларга бўлган муносабат ўз аксини топган. Муаллифнинг қайд этишича, жинларнинг фаришталар қуршовида жаннатга йўл олиши тўғрисидаги зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”даги қарашлар Ўрта Осиё халқлари мифологиясида ҳам учрайди. Тадқиқотчи исломда жинлар шаклан, яъни эзгулик жинлари: ғул, ифрит ва силот; мазмунан: яъни, ёвузлик жинлари: учиб юрадиган жинлар, илон ва чаён шаклидаги жинлар ва кўмакчи жинларга бўлинишини қайд этган³.

Тадқиқотчи Д. Нарзуллаеванинг мақоласида шомон рухларидан бири бўлган момо культи ва у билан боғлиқ қадимий мифологик тимсоллар очиб берилган. Унда келтирилишича, момо культи тушунчаси Ўрта Осиё халқлари мифологиясида қадим-қадимдан аёл ҳомий рух тимсолини

¹ Турсунов И. Бахшилар –терма ижодкорлари сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №1. 60–63 бетлар.

² Рўзиева М. Ранглар ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №5. 48–50 бетлар.

³ Жуманиязов А. “Жин”лар “гений”ларми // Илм сарчашмалари. Урганч, 2009. №3. 70–74 бетлар.

ифодалаб келган¹. Шунингдек, момолар руҳи аёлларга, уларнинг фаолиятида, касб-корида ҳамда бола тарбиясида ҳамиша мададкор бўлиши тўғрисидаги халқона тасаввурларга алоҳида урғу берилган.

Шомонлик эътиқоди муаммосининг мустақиллик йилларида фольклоршунос олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврдаги илмий изланишларда асосий эътибор шомон маросимларининг жанрлар таркиби, шомонликнинг магик айтимлари, шомон шахсининг бадиј талқинига қаратилган. Лекин, ушбу тадқиқотларда шомонлик генезиси, ривожланиш босқичлари, маросим атрибутларининг вақтлар ўтиши билан ўзгариш сабаблари, мазкур диний эътиқоднинг исломийлашган кўринишларига кам аҳамият берилган.

*М.КАРИМОВА
ЎзР ФА Тарих институти*

***Фарғона водийси аёлларининг диний ҳаётида мавлуд
маросимининг ўрни***

Маълумки, маросимлар ибрат орқали тарбиялаш, руҳий-эстетик таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Аёллар иштироқида ўtkазиладиган расмий ислом маросимлардан бири бу – мавлуд маросими. Бу тадбир Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в)нинг туғилиш кунига бағишланган маҳсус диний маросим ҳисобланади. “Мавлуд” сўзи асли арабча бўлиб, луғавий таржима қилганда “туғилиш”, “туғилган кун”, “янги туғилган чақалоқ” деган маъноларни англатади². Халқ орасида мавлуд деганда, асосан, пайғамбарнинг туғилган куни ва ойи билан боғлиқ диний маросим тушунилади. Аслида, бу атама фақатгина маросим сифатида эмас, балки

¹ Нарзуллаева Д. Момо культи билан боғлиқ мифологик тимсоллар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. №2. 44–49 бетлар.

² Ислом маърифати. Назарий-услубий қўлланма. Тошкент, 2005. 27-бет.

фиқхга оид манбаларда ҳам учрайди. Фиқхий манбаларда “мавлуд” сўзи “чақалоқ” ёки “гўдак” деган маънода қўлланилади.

“Ислом энциклопедияси”да бу маросимга қуйидагича изоҳ ёзилган: “Мавлуд – Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в) туғилган кунлари, байрам. Мусулмон мамлакатларида Мавлуд куни дуолар, пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, уламоларнинг йиғилишлари ўтказилади. Кўпгина араб мамлакатларида, шунингдек, бизнинг мамлакатимизда ҳам мавлуд куни ва ойида Имом Барзанжийнинг қаламига мансуб “Мавлуд ан-набий” қасидаси ёддан айтилган.

Маҳаллий аҳоли араб тилини яхши тушинмаганлиги боис унинг ҳар бир жумласини тушиниш машақкат туғдирган. Шунинг учун XIX аср охири –XX аср бошларида Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг замондошлари Хилватийнинг устози Лангарий шогирдига шундай китоб яратишни топширади. Бу асар “Мавлуд ун-набий” ёки “Мавлуди шариф туркий” номи билан номлаган бўлиб, 1908, 1911, 1912, 1916 йилларда Гулом Ҳасан Орифжонов тошбосмахонасида нашр этилган¹.

Мустақиллик йилларида мазкур асар яна қайта нашр этилди. Хайрулла Қосим Элтурк бу асарни араб имлосидан кирилл имлосига кўчириб, 1991 йили нашрдан чиқарди².

Ҳар бир анъана ва маросимлар ўзининг келиб чиқиш тарихига эга. Жумладан, мавлуд ҳам асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган маросимдир. Унинг тарихий асоси X асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Бу даврда ислом дини кенг ёйилган ва ўзининг энг ривожланган чўққисига чиққан эди. Муҳаммад (с.а.в) вафот этганидан сўнг, мусулмонлар ул зотга тегишли бўлган ҳар бир нарсани кўз қорачиғидек асрашга, ёдлашга ва қадрлашга катта аҳамият

¹ Мавлуд-ун-набий. Тошкент, 2004. 4-бет.

² Ўша асар. 72-бет.

бериб келдилар. Чунончи, пайғамбаримиз ҳаёти, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганмай туриб, ул зотга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва ўрнак олишнинг имкони ҳам йўқ. Бу масала мусулмонлар учун энг долзарб ва муҳим вазифа даражасига кўтарилди.

Мавлуд маросими пайғамбаримиз вафотидан кейинги 4 аср мобайнида оммавий тарзда нишонланмаган. Бу маросим XI асрда дастлаб фақат Шиа имомлари доирасидагина ўtkизилиб, оммани унга жалб этмас эдилар¹. Бу маросимни, асосан, Мисрда Фотимий шиалар нишонлаганлар². Маросимда қурбонликлар қилиниб, катта зиёfat ҳозирланган, Ахл ал-байт соҳибларига совға-саломлар улашилган³.

Кейинчалик, XIII аср бошларида мавлуд маросими сунний хукмдорлар томонидан ҳам ўтказила бошлади. Бу ишни дастлаб Ироқнинг ўша пайтдаги хукмдори Музаффариддин амалга оширган. У 1207 йилда мавлудни катта оммавий маросим сифатида нишонлаган⁴. Бу ҳақида шайх Муҳаммад Закий Иброҳим ҳам ўзининг «Абжадияту тасаввуфил исламий» номли асарида қуйидагича хабар беради: «Мавлуд ан-набийни биринчи бўлиб нишонлаган шахс Малик Музаффар (Тоғрил) Ироқдаги Ирбилининг подшоҳи бўлган. У имом Абу Шома ва бошқа уламоларнинг розилиги билан бу ишни қилган». Худди шундай маълумот бошқа олимларнинг асарларида ҳам учрайди. Жумладан, ал-Хофиз ас-Сахавий ҳам ўзининг «Фатволар» номли асарида мавлуд маросими дастлаб ҳижрий VII аср бошида Ироқнинг Ирбил вилояти ҳокими Абу Саъид Кавқабри ибн Зайнуддин Али ибн Бактакин (549-630/1153-1232) томонидан

¹ Kaptein, N.J.G. (1993). Muhammad's Birthday Festival: Early history in the Central Muslim Lands and Development in the Muslim West until the 10th/16th Century. Leiden: Brill.

² "Mawlid". [Encyclopædia Britannica](#). 2007.

³ Schussman, Aviva. 1998. "The Legitimacy and Nature of Mawid al-Nabi: (Analysis of a Fatwa)". *Islamic Law and Society* - P. 216.

⁴ Ўша жойда.

ўтказилганлигини таъкидлаган. Шунингдек, Ҳофиз Жалолиддин Суютийнинг (849-911/1445-1505) маълумоти бўйича ҳам «биринчи бўлиб мавлуд маросимини ташкил қилган одам Ирбилнинг Каттаси Малик Музаффариддин»¹ бўлган.

Мавлуд Усмонлилар даврида янада тантанали равишда ўтказиладиган бўлди. Масалан, Султон Абдулҳамид даврида 12-Рабиул аввал куни салтанат аъёнлари шоҳона расмий кийимларни кийиб, кўкракларига нишонларини таққан холда энг катта жомеъ масжид эшиги олдида султонни кутишга саф тортишган. Султон ҳам қасридан қимматбаҳо анжомлар билан жиҳозланган энг яхши отини миниб атрофида маҳобатли мавкиби билан жомеъга етиб келган. Ҳар томонига усмонлилар байроғи илинган кўчалардан Султон мавқаби икки қатор аскар ўртасида ва улар ортидан аҳоли ўтган, кейин ҳаммалари жомеъга кириб, тантаналар бошланган. Аввал Қуръон тиловати, сўнг Муҳаммад алайҳиссалом туғилиш қиссалари қироат қилинарди. Сўнг пайғамбар алайҳиссаломга салавот айтиш сифатида “Далоил ул-хойрот” китоби ўқиларди. Шундан кейин баъзи шайхлар томонидан зикр ҳалқалари ташкил этилган, уларда нашид ва салавотлар баланд овозларда айтилган. Рабиул аввалнинг 12-тонгида даражаларидан қатъи назар, давлат киборлари Султонни Мавлиди набий билан қутлашган.

Мавлуд маросими аёллар диний амалиётининг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, советларгача бўлган даврда сўфийлик йўлига кирган эркаклар ва аёллар учун алоҳида маросим бўлган эди². Кейинчалик унда диний маросимни адo этишни истаган барча қатнаша бошлади ва маросим шакли қатъийлаша борди. Пайғамбаримиз (с.а.в) туғилган кунлари ҳижрий-қамарий Рабиъул аввал ойининг

¹¹ Аҳмад ибн Муҳаммад Али ибн Хажар Хайтамий «Тухфат ул-мухтож фи шархил минхож». Вена, 2002. 78-бет.

² Тўхтахўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Вена, 2002. 73-бет.

12-кунига тўғри келсада, мавлуд аёллар томонидан ой давомида ўтказилиши мумкин эди.

Собиқ советлар даврига келиб, айнан мазкур маросимни ўтказишга қаршилик кучайди ва бу борада 1943 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё мусулмонлари диний идораси ва унинг қошида 1947 йилда тузилган “Совет Шарқи мусулмонлари” журналида партия ва ҳукумат органларининг анъанавий маросимлар (ўша даврнинг беўхшов ибораси билан айтганда “ўтмиш сарқитлари”)га қарши курашиш борасидаги барча маҳсус қарорлари, қўшимча фатво ва кўрсатмалари, жумладан, Мавлуд, Ийд (Хайит) каби байрамларни уйларда (хусусан отинойилар йиғинларида) нишонлаш, норасмий масжидларда маҳаллий анъанавий диний матнлар: Биби Мушкулкушод, Биби Сешанба, Хатми ёздаҳум кабиларни ўқиши шариатга хилоф эканлиги хусусидаги фатволар нашр этилди¹. Аммо бу ҳолат мавлуд ва бошқа диний маросимлар ўтказилишига тўсқинлик қила олмаганини тўпланган дала маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Одатда, Фарғона водийсида мавлуд маросими куннинг биринчи ярмида бошланади. Ўтказилган дала тадқиқотларидан маълум бўлишича, кейинги вақтларда мавлуд маросимини шомдан кейин ўтказиш одат тусига кирмоқда. Бундай қилинишига сабаб, кундуз куни иштирокчиларнинг ўқиши, иши, умуман, ўз юмуши бўлганлигини ҳисобга олинаётганлигидир. Зеро, бу ислом меъёрларига тўғри келиши кўпчилик уламолар томонидан ҳам таъкидланмоқда².

Йиғинда уй бекасининг қариндош-уруғи ва танишибилишлари бўлган тахминан 20 га яқин аёллар қатнашади. Мавлуд бошлангунча дастурхон тузалади ва аёллар бир оз тамадди қилиб олишади. Мавлуд ўқийдиган отин ҳам аёллар

¹ Ислом ва ҳозирги замон: Ўқув қўлланма. Тошкент, 2010. 36-бет.

² Бобохонов Ш. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (Маънавият ва ибрат мактаби). Тошкент, 2001. 271.

билан бирга ўтиради. Дастурхонга турли хил нозу неъматлар тортилади, алоҳида патнис эса отинойининг олдига қўйилади. Унда қадоқланган чой, қанд солинган ликопча, туз, шам, исириқ, шунингдек майиз, шириналар хамда нон бўлади. Мавлуд давомида унинг баракоти шу нарсаларнинг барчасига ўтади, деб ҳисобланади. Мавлуд Қуръон қироати, Аллоҳга муножот ва ҳамду санолар билан бошланади. Отин хонадонга баракот тилайди, тиловат қилиб, аждодларни ёдга олади. Сўнг бир-бир ярим соат мавлуди шариф ўқилади. Мавлуди шариф юқорида зикр қилинган китоб бўлиб, унинг энг тантанали қисми ва энг авжига чиқадиган нуқтаси пайғамбар таваллудлари ҳақидаги ҳикоядир. “Пайғамбаримиз таваллуд топдилар” деган ёки шунга ўхшаш гап айтилганда ҳамма ўрнидан туриб, “Марҳабо” дейди.

Қироат давом этади, матнда пайғамбаримиз ҳаётларидан турли лавҳалар баён этилади. Мўъжиза ва эзгу ишларига алоҳида эътибор берилади. Отин қироат давомида қўлидаги тасбех билан бир неча марта патнисдаги таомларга “дам солади”. Патнис эса хонадон эгаларига қайтариб берилади. Уй бекаси яна алоҳида патнис олиб киради. Унга отиннинг хизмат ҳаққи бўлган пул қўйилган бўлади. Патнис даврада айлантирилиб, ҳар бир аёл атаганини унга солади, сўнг патнис отинга узатилади. Бундан ташқари, уй бекаси отинга шириналар ва бошқа нарсалар солинган тугун ҳам тайёрлаб беради ва у йиғинни тарқ этади. Баъзи хонадонларда отин фақат китоб билан чекланиб қолмай, аёлларга амру маъруф ҳам қиласи.

Мавлуддан сўнг яна одатдагидек меҳмондорчилик давом этади. Маросим тугаб ҳамма аёллар уйларига қайтаётганларида уй бекалари битта нон ва патнисдаги шириналардан келган аёлларга қайтарадилар. Аёллар мавлуди шариф баракотидан оила аъзоларини ҳам баҳраманд қилиш умидида уларни олиб кетадилар. Улар хонадон

эгаларига Аллоҳ ризолиги йўлида қилган ҳайр-эҳсонларини қабул қилишини тилаб, миннатдорчилик билдирадилар.

Фарғона водийсида Мавлуд ўз мавқеи ва оммавийлиги жиҳатидан Мушкулкушод ва Биби Сешанба маросимларидан катта ва эътиборлироқ ҳисобланиши ахборотчилар¹ ҳамда илмий адабиётларда эътироф эътилган². Бундай расм-руслар кўпгина жойларда тарқалган бўлиб, у аёллар мулоқотининг оммалашган шаклига айланмоқда, десак хато бўлмайди. Чунки, мавлуд аёллар учун диний маърифат бериш билан бирга “руҳий таскин топиш имконини ҳам берган ва шу билан бирга, мулоқотнинг, бир-бирини янгиликлардан хабардор қилишнинг ҳамда кундалик муаммоларни муҳокама қилишнинг бир усули бўлиб қолмоқда”³.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, диний қадриятлар ўзбек аёлларининг маънавиятини шакллантириб, аёлларнинг ички кечинмаларини мувозанатлаштириб, руҳий завқ бериш асносида, уларнинг ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишларини таъминлайди. Шу боис ислом динига эътиқод қилган ўзбек аёллари, энг аввало, ахлоқий гўзалликни, ички маънавий покликни улуғлайдилар.

¹ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани. 2010 й.

² Саттор М. Ўзбек удумлари. Тошкент, 1993. 64-бет.

³ Тўхтахўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар... 80-бет.

ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯСИННИГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Илмий тўплам

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Илмий кенгаши томонидан (25.10.2013. Баённома №15) нашрга тавсия этилган.

«Наврӯз» нашриёти

Мухаррир: **A.Қаюмов.**

Мусахҳих: **K.Загряжская**

Техник мухаррир:

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи: ___. Адади 300 Буюртма № ___.
Баҳоси келишилган нархда.

«GEO FAN POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
Босмахона манили: 100170, Тошкент ш., Дўрмон йўли кечаси, 24-уй.